

Guliston

6
1999



Тошкент вилояти "Турон" илмий-универсал кутубхонаси директори Вазира СОБИРОВА.

Guliston

6
1999

noyabr-dekabr

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop
va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
**O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat ishlari vazirligi**

Bosh muharrir:
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
***Rustam ABDULLAYEV,
Sa'dulla ABDULLAYEV,
Bahodir ABDURAHIMOV,
Oqilxon IBROHIMOV,
Otanazar MATYOQUBOV,
Asqar MAHKAM***
(bosh muharrir o'rinbosari),
***Alisher MIRZAYEV,
Ma'pura NABIYEVA***
(mas'ul kotib),
***Yo'ldosh SULAYMON,
Islom SHOG'ULOMOV,
Muhsin QODIROV,
Tursunali QO'ZIYEV***

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

Ushbu sonda:

Muharrir minbari. *O'zbekiston XXI asrga intilmoqda* (Davomi) . . . 2
Hamid KARIMOV. *Mustaqillik ma'naviyati* . . . 5
Sharif FAYZULLAYEV. *Milliy tarbiya zaruriyati* . . . 7
Asqar EShMURODOV. *Mafkura va siyosiy madaniyat* . . . 8
Jo'ra YAXShILIKOV. *Yoshlarning ruhiy olami* . . . 10
Ismoil SOIFNAZAROV. *Tariximiz – ochilmagan qo'riq* . . . 12
Do'stmurod NORQULOV. *Vaqt va inson* . . . 14
Dilbarxon NABIJONOVA. *Mafkura va tarixiy ong* . . . 15
Bibisora OTAYEVA. *Kengliklarni zimdan kuzatdim* (She'rlar) . . . 16
Kamola OQILOVA. *Toshkent badiiy hunarmandchiligi* . . . 18
Tilab MAHMUD. *Gulbahor* (Hikoya) . . . 20
MOHINUR. *Kitobdorning bugungi o'ylari* . . . 22
M.TURSUNOV. *Oilada tejamkorlik* . . . 25
Zulayho ASRO ROVA. *Ehtiyoj* . . . 26
Matyoqub QO'ShJONOV. *Janglarda chiniqqan alloma* . . . 28
Toshpo'lat TURSUNOV. *Teatr tarixiga ayrim chizgilar* . . . 30
Nurali SIDDIQOV. *Yetti iqlim ta'rifi* . . . 33
Sadriddin Salim BUXORIY. *Mavlono Orif Deggaroniy* . . . 34
Bahodir ABDURAHIMOV. *O'zbekistonda asori-atiqalarni saqlash va ta'mirlash* . . . 36
M. ABDULLAYEVA. *Quvonch nashidasi* (Xonanda Muhriddin Xoliqov bilan muloqot) . . . 38
Jamila XOLMURODOVA. *Shimoliy Xorazm dostonlari* . . . 41
Alijon UMAROV. *Xayoloti boy uning* . . . 42
S.BULATOV. *Zanjira* . . . 43
"Avesto" – mangu hikmat obidasi. Davra suhbati . . . 44
"Avesto". (Davomi) . . . 48
Solijon HASANOV, Feruza RASULOVA. *Milliy ozodlik qahramoni* . . . 55
Jaloliddin RUMIY. *Masnaviy*. (Davomi) . . . 56
Muhsin G'ANIEV. *Kami bor...* (Hajviya) . . . 63

Muqovaning birinchi betida:

Lirik xonanda ***Muhriddin XOLIQOV.***

Hurmatli jurnalxon do'stlar!

2000 yilga obuna qizg'in davom etmoqda. Atigi 600-700 so'mga bir yil mobaynida "Guliston"ni o'qish imkoniyatiga ega bo'lasiz.

2000 yilda ham xalqimizning bebaho madaniy yodgorligi "Avesto" hamda Jaloliddin Rumiyning "Masnaviy" asarlari tarjimasi, taniqli san'atkorlar, madaniyat arboblari, xalq hunarmandchiligi, zamonaviy musiqamiz, madaniy-ma'rifiy muassasalar faoliyati, ma'naviyati hamda badiiy-estetik tarbiya masalalari keng targ'ibot qilinadi.

Jurnalga barcha matbuot tarqatish shoxobchalarida obuna bo'lish mumkin.

Ҳурматли журналхон дўстлар!

2000 йилга обуна қизғин давом этмоқда. Атиги 600-700 сўмга бир йил мобайнида "Гулистон"ни ўқиш имкониятига эга бўласиз.

2000 йилда ҳам халқимизнинг бебаҳо маданий ёдгорлиги "Авесто" ҳамда Жалолиддин Румийнинг "Маснавий" асарлари таржимаси, таниқли санъаткорлар, маданият арбоблари, халқ ҳунармандчилиги, замонавий мусиқамиз, маданий-маърифий муассасалар фаолияти, маънавияти ҳамда бадиий-эстетик тарбия масалалари кенг тарғибот қилинади.

Журналга барча матбуот тарқатиш шохобчаларида обуна бўлиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Ўтган давр ичида мамлакатимизда амалдаги давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи олий орган – Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий органлар – Кенгашлар мавжуд, Президентга эгамиз, Бош Вазир, Бош вазир ўринбосарлари, тегишли ваколатга эга вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Буларнинг барчаси халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришга даъват этилган. Бу тизим фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида Президентимиз қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

– давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш;

– кадрлар масаласини ҳал этиш, юқори малакали кадрларга эга бўлиш;

– ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни кучайтириш.

Давлат бошқарув тизимини ана шундай ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш натижасида фуқаролик жамиятини қуриш мумкин бўлади.

"Фуқаролик жамиятини қуриш, – дейди Президентимиз, – бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади".

Мамлакат ва давлат тизимида бошқарувни дифференциал равишда олиб бориш фуқаролик жамияти барпо этишда катта аҳамиятга эга. Масалан, давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолади; стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи, экология масалалари, умумреспублика коммуникация шохобчаларини ривожлантириш сингари масалалар давлат миқёсида ҳал этилади.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этиб борилади.

Худди шундай қилингандагина фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш мумкин. Пировардида маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доираси кенгаяди, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш имконияти пайдо бўлади. "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда намоён бўлади. Натижада бу дастурни амалга ошириш жараёни фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг имконият яратилади.

Фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида суд, прокуратура ва адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш ниҳоятда зарур. Адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш жамият ҳаётини соғломлаштиришда, суд ва прокуратурага нисбатан халқ муносабатини ўзгартиришда катта аҳамият касб этади. "Суд тизимини ислоҳ қилиш, – дейди Президентимиз, – аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак. Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади".

Фуқаролик жамияти қуришда тўртинчи ҳокимият ва-

(Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV чақириғининг биринчи сессиясидаги маърузаси муносабати билан)

(Боши ўтган сонда)

зифасини бажарувчи оммавий ахборот воситалари олдида ҳам улкан вазифалар мавжуд. Оммавий ахборот воситалари кун сайин ҳаётимизга чуқурроқ кириб бормоқда, мустақиллик мафкураси, маънавият ва маърифат масалаларига жиддий эътибор бермоқда. 490 та газета ва 138 та журнал фаолият кўрсатмоқда.

Газета ва журналлар, радио ва телевидение олдида улкан вазифалар мавжуд:

– қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган жанговор механизмга айланишда оммавий ахборот воситалари мавқеини кучайтириш зарур;

– оммавий ахборот воситалари жамият ҳаёти ва истиқболи ҳақида ҳар ким ўз мустақил ва эркин фикрини айта оладиган минбар бўлиши керак;

– шунингдек, оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

Оммавий ахборот воситалари доимо жамоятчилик фикрига кучли таъсир этиб келган. Бундай оммавийлик ва инсон онги тушунчаларини ўзгартириш ва қайта шакллантириш имкониятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист кадрларнинг масъулияти ниҳоятда каттадир. Улар жонли одамлар, уларнинг қалби ва дунёқараши билан бевосита мулоқотда бўладилар. Шунинг учун журналист кадрларни тарбиялаш ҳамда жой-жойига қўйиш ҳам жуда муҳим вазифа. "Биз, – дейди Президентимиз, – журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор".

Мамлакатимиз, халқимиз тарихида биринчи бор фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилувчи жамият қураётган эканмиз, бу жамият равнақи кишиларнинг ўз ҳуқуқларини аниқ ҳамда равшан билишини, улардан фойдалана олишни, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олишини ҳам тақозо этади. Бинобарин одамларда ҳуқуқий маданиятни ошириш керак.

Бунинг учун қандай ишларни амалга оширмоқ зарур? Президентимиз ҳуқуқий маданият қуйидаги омилларни ҳал қилгандагина рўёбга чиқишини кўрсатиб берди:

– инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш;

– инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш;

– фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида, Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида қонун қабул қилиш зарур.

И.А.Каримов Олий Мажлис XIV сессиясида иқтисодиёт масалаларига ҳам кенг тўхталди. "Бу соҳада биринчи галдаги асосий вазифа, – деди Президент, – мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни – хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак".

Ана шундагина пайчилик муносабатлари орқали, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожлантирилиб, қишлоқда эгалик туйғуси қайта тикланади, хусусий тадбиркорлик ривожланади. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш ўтиш даври тақозосидир. Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғини вужудга келтириш зарур. Ана шундагина хусусий корхоналар сони кўпайиб, яхлит миллий маҳсулотда уларнинг улуши ортиб боради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқ. Рақобат бўлмаса бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Монополиялардан қанчалик тез чиқилса, бозор иқтисодиётига ўтиш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорлик шунчалик юқори бўла бошлайди. Бинобарин, "Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор".

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш зарур бўлади. Чунки Президентимиз айтганларидай, "Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси – фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз".

Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Бу соҳадаги расмиятчилик ҳамда маъмурийликка барҳам бериш керак. Иқтисодиёт соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш учун "иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштиришимиз лозим".

Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарурияти туғилди. Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорий банкларнинг роли ва масъулиятини ошириш ҳисобидан 2000 йилдан бошлаб миллий валютамизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди.

Шу билан бирга, Президентимиз ўз маърузасида алоҳида эътибор бериб таъкидлайдики, иқтисодиётни эркинлаштириш, аввало, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашишни чеклаб қўйиш билан боғлиқ. Гарчи бу соҳада тегишли қарорлар қабул қилинган бўлса-да, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, ортиқча

тафтиш қилиш ҳоллари учраб туради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар пировардида кадрлар масаласига бориб тақалади.

Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурини амалга оширилиши мамлакатимиз ва давлатимиз келажаги ҳамда тақдири учун муҳим аҳамият касб этади. Бу дастурни бажариш учун қандай вазифаларни бажариш лозим деган савол туғилади.

Кадрлар масаласига дахлдор шахслар ва ташкилотлар олдига Президентимиз қуйидаги масалаларни қўяди:

– таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур қандай ўтаётгани ва унинг натижаларини чуқур таҳлил қилиш;

– янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқишни алоҳида назорат остига олиш;

– юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

– ихтисослашган қурилиш трестлари тузишни ниҳоясига етказиш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш. Ана шу мақсадда 2000 йилда 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицей қуриб фойдаланишга топширилади. "2005 йилга қадар, – дейди Президентимиз, – биз республикамизда 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди."

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотлар биринчи навбатда халқ фаровонлигини кўзлаган ҳолда бажарилмоқда:

– ана шунинг учун мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, ҳар бир беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар ошириш кўзда тутилган;

– аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш; бунинг учун пулнинг қадрсизланишига қарши чора-тадбирлар кўриш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан тўлдириш;

– аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги кўринишини танқидий баҳолаган ҳолда унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш; болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сўнгра ишга жойлаштиришни кўзда тутадиган махсус давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

– меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш; ишсизликнинг олдини олиш мақсадида меҳнатга яроқли ҳар бир фуқарони ўз меҳнати эвазига яшаши учун шарт-шароит яратиш учун, айниқса, қишлоқ жойларда 2000-2005 йилларда ишчи кучларини жалб этишга мўлжалланган янги иш жойларини барпо этиш Дастурини ишлаб чиқиш;

– ижтимоий инфратузилмани, аввало, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган давлат дастурини бажариш. Яқин беш-етти йил ичида мамлакатда сифатли ичимлик сув билан таъминланмаган бironта аҳоли пунктлари қолмаслиги керак. 2005 йилгача қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизга етказилиши лозим. Ана шунда, дейди юртбошимиз "Халқ фаровонлигини барқарор, муттасил оширишни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислоҳотлар фақат инсон манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий қоидамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз".

Ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатимиз ҳудудини тинч-омон сақлаш ва мустақилликни мустаҳкамлаш учун ўз Қуролли Кучларимизни янада замонавий руҳда ислоҳ қилиш зарурияти туғилади. Бизнинг Қуролли Кучларимиз бошқа бирон мамлакат ёки давлат суверенитетига хавф солиш ниятида эмас, аввало ва биринчи навбатда, мамлакатимиз ва халқимиз тинч ҳаётига посбон тарзида шаклланган. Лекин замон уни ҳам ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бу ислоҳотларни Президентимиз қуйидаги омилларда кўради:

– мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантириш зарур; биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим;

– илғор мамлакатлар армияларининг тажрибаларини ўрганган ҳолда Қуролли Кучларимизни ташкил этиш тартиби ва бошқариш тизими кўриб чиқилади;

– ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга, профессионал тайёргарлигини кучайтиришга, жангчиларимизда ватанпарварлик, юксак маънавий фазилатларни тарбиялашга қаратилиши лозим;

– Қуролли Кучларни ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва янгилаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Мустақил Ўзбекистон, жонажон мамлакатимиз ва давлатимиз юқорида зикр этилган буюк ишларни бажариб келди ва XXI аср бўсағасида янада улуғвор вазифаларни бажариш ниятида кун сайин ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда. Юртбошимиз айтганларидай, "Биз XXI бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир".

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси халқимиз ва мамлакатимизнинг XXI аср сари йўналган ижтимоий-ижодий фаолиятининг назарий-маънавий дастуриламали бўлиб қолади.

"Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан".

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК МАЪНАВИЯТИ

Ҳамид КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов қилган мазмунли, кенг қамровли маърузасида XXI аср бўсағасида жамият ҳаётининг барча томонларини янада эркинлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири "жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат" эканлигига алоҳида урғу бердилар. Бунинг маъноси шундан иборатки, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин барча соҳаларда амалга ошираётган ислоҳотларнинг самарадорлиги аввало "халқ маънавиятининг тикланиш, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналарининг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир" (И.Каримов). Чунки эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш биринчи навбатда кенг халқ оммаси ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз куч ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндаша оладиган каби интеллектуал қобилиятларга эга бўлишни тақозо этади.

Ўзбекистонда мустақил жамият барпо этилгандан кейин иқтисодий-ижтимоий, сиёсий тузилмаларда туб ўзгаришлар қилиш билан бир қаторда, унинг исми-жисмига мос келадиган истиқлол маънавиятини ҳам барпо этишни ҳаёт талаб этди. Бунинг маъноси шундан иборатки, Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик ва фуқаролик жамият қуриш учун астойдил киришган эканмиз, маънавият соҳасида мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам шунга мувофиқ бўлиши зарур эди. Президентимиз И.А.Каримов "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида қайд қилиб ўтганларидек, "Эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур."

Жамиятда яшаётган ҳар бир фуқарони маънавий томондан камол топтириш биринчи навбатда ўзлигини англаган, мустақилликка эришган бўлишини тақозо этади. Зотан, мустақиллик деганда инсон маълум ҳудудда ҳуқуқий томондан ҳимоя қилинган, эркин, озод, бирон-бир тазйиқсиз ҳолда яшашни тасаввур этиш лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда биз қураётган фуқаролик жамиятининг асосий негизини мустақиллик маънавияти ташкил этади.

Аммо мустақиллик маънавиятининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий заминларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Унинг иқтисодий замини бозор муносабатларига ўтилиш муносабати билан моддий ноз-неъматлар ишлаб чиқараётган саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилганлиги, нодавлат ташкилотлар тузилганлиги, акционерлик, кооператив ва бошқа шунга ўхшаш уюшмаларнинг вужудга келиши натижасида одамлар ўртасидаги муносабатлар тизимида ўзгаришлар юз берди.

Мустақиллик маънавиятининг сиёсий замини эса аввало маъмурий-буйруқбозликка асосланган яккаҳокимликдан ҳуқуқийликка, кўп фикрликка асосланиши, кўп партиявийликка ўтилиши муносабати билан инсонларнинг сиёсий онгида, сиёсий муомала маданияти соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Эндиликда Ўзбекистон фуқароси қайси партияга мансуб бўлишига қарамай ўзлигини англаш, миллий тафаккурни шакллантириш, тарихий умуминсоний қадриятларга содиқ бўлиш, демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш учун барча интеллектуал қобилиятларини сафарбар этмоқда. Бу мустақиллик маънавияти сиёсий моҳиятининг асосий негизини ташкил этади. Инсон жонли мавжудот сифатида нафақат табиатнинг бир бўлаги, балки энг биринчи навбатда ижтимоий мавжудот сифатида гавдаланади. Чунки жамиятнинг, ижтимоий ҳаётнинг асосий негизини инсон ва унинг онгли ижодий фаолияти ташкил этади. Зотан, "жамият" тушунчасининг мазмуни ҳам инсонларнинг жамоа-жамоа бўлиб яшашлари ва онгли ўзгартирувчилик фаолият кўрсатишлари натижасида жамиятнинг маънавий ҳаёти шаклланади ва равнақ топиб боради. Чунки, одам ҳеч қачон жамиятда якка-якка тартибда яшамайди, у доимо атрофида фаолият кўрсатиб келаётган индивид, шахс билан мулоқотда, у ёки бу соҳа бўйича фикр алмашади. Одамларнинг фикр алмашуви, ўзаро мулоқотда бўлишлари эса, ўз навбатида, маънавий ҳаётнинг шаклланиши учун замин яратади. Шунинг учун ҳам мустақиллик маънавияти дейилганда демократик, фуқаролик жамияти қуриш учун астойдил бел боғлаган Ўзбекистон халқи ўз миллий онгини камол топтириш, инсон сифатида яшаши учун ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши, озод, эркин ҳолда меҳнат қилиши, миллий урф-одатларни, миллий ғурурни, миллий тафаккурни эъзозловчи, Ватан озодлиги, эл-юрт равнақи учун жонини фидо этувчи интеллектуал қобилиятлари намоён бўлиши лозим. Агар юқорида зикр этилган ижтимоий-сиёсий кўникмалар у ёки бу индивидда намоён бўлмаса, унда бундай тоифадаги кишилар оддий бир жонли қуруқ ҳайкалга ўхшаб қолади. Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли индивид ўзининг тафаккурини, ақл-заковатини, хуллас, интеллектуал қобилиятини сафарбар этиши натижасида

атроф-муҳитда, ижтимоий-иқтисодий муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамасдан унга ўз муносабатларини билдириши орқали маънавий ҳаётни вужудга келтиради.

Тасаввур қилайлик: мурғак гўдак дунёга келганидан кейин уни фақат озиқлантирсак, кийинтирсагу, атроф-муҳитни ўраб олган нарса-предметлар, воқеа-ҳодисалар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси билан таништирмасак ёки бу ҳақда сўзлашишни ўргатмасак, унда унинг онги, турли-туман ҳис-туйғулари, тасаввурлари, қарашлари пайдо бўлиши мумкинми? Мутлақо!

Шунинг учун ҳам инсоннинг маънавий дунёси фақат тафаккур қилиш, фикр алмашиш, англаш, мулоқотда бўлиш кабилар орқали шаклланади ва ривожланиб бориб ижтимоий тараққиётга замин ҳозирлайди.

Табиатнинг гултожи бўлган инсоннинг миллати, ирқи, насабидан қатъи назар одам сифатида эъзозлашимиз, унга ҳурмат-эҳтиром билан қарашимиз, ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмасдан тафаккур қилувчи жонли мавжудот сифатида муносабатда бўлишимиз лозим. Жамият аъзоларига шундай муносабатда бўлиш ижтимоий-сиёсий ҳаётда жорий этилса, жамиятда адолат барқарор бўлади. Миллат, халқ, инсонга фаровон ҳаёт кечиришга замин яратилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантиришнинг асосий мағзини ташкил этади. Бундан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган вазифани амалга ошириш учун ҳар бир киши озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда, ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган ғояни асос қилиб олиш тақозо этилади. Зотан, Президентимиз И.А.Каримовнинг айтганларидек, "мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнглимиздан ўтадиган "кеча ким эдингу бугун ким бўлдик? деган савол билан белгилаш мумкин" ("Туркистон" газетаси, 1999 й., 2 февраль).

Мустақиллик маънавиятининг асосий мағзини ташкил этувчи демократик, фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғояни Ўзбекистон фуқароси онгига сингдириш бош йўлимиз бўлиб ҳисобланади. Бундай ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан Ўзбекистонда анча ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни бўлган Конституция, давлат гимни, байроғи демократик ва фуқаролик жамияти стандартига мувофиқ келадиган тизим, ўзликни англаш, миллий тафаккур, Ватанни севиш каби ижобий аҳамиятга молик бўлган ишларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида мустақиллик маънавиятининг равнақ топиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Халқимизнинг интеллектуал-маънавий савиясини жаҳон андозаси даражасига кўтариш учун хорижий мамлакатлар билан маданият, маориф соҳасида тажриба алмашишга кенг йўл очилди, чет эл олий ўқув юртларида ёшларни таълим олишга юбориш, санъат ва адабиёт соҳасида ЮНЕСКО орқали турли-туман анжуманлар, адабий кечалар, етук санъаткорларнинг концерт-кечаларини ўтказиб турилиши истиқлол туфайли амалга оширишга муваффақ бўлганлигимиз бунга яққол далил бўла олади.

Чет элда таълим олаётган талабалар келажакда маънавиятимизнинг ажралмас таркибий қисми бўлган фан ва техникамизни жаҳон андозаси талабларига кўтариш учун замин тайёрлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида ёшларимизнинг интеллектуал-маънавий дунёсини шу рухда шакллантириб бориш сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланишини такрор-такрор таъкидлашлари бежиз эмас, албатта. Чунки келажаги буюк бўлган Ўзбекистон давлатининг бошқарувчиси ва меросхўри ёшлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамияти барпо этилгандан кейин маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланган санъат соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Маъмурий-буйруқбозлик даврида санъат асарларига ва санъаткорларга синфийлик нуқтаи-назари билан, яъни ишчилар синфи идеологиясига мувофиқ келиш-келмаслиги юзасидан ёндашилган бўлса, мустақилликка эришилгандан кейин ҳурфикрлиликка асосланган ижодкорларга ўз истеъдодларини эркин намойиш этиш учун кенг йўл очиб берилди.

1999 йилнинг бошларида ўзбек мақом ашулаларини қойилмақом қилиб ижро этувчи Муножот Йўлчиева Парижда, Швейцарияда ўзининг қўшиқчилик маҳоратини намойиш этиб, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Муножот Йўлчиеванинг дилрабо мумтоз қўшиқларини зорикиб эшитишни хоҳловчилар оқими Швейцарияда беҳисоб даражада бўлган. "Концерт бўладиган куни тонг пайти Цюрихга жўнадик,– деб ёзади Швейцариянинг бутунлай бошқа бир бурчагида яшовчи олмон дўстимиз, – пешинга яқин Цюрихга етиб келдик. Концерт бериладиган саройнинг чиптахонасида одам тирбанд. Икки соатлар навбатда туриб, залнинг охирги қаторларидан беш кишига зўрға тўртта чипта олишга муваффақ бўлдик. Ўша кунги концертдан, Муножот Йўлчиева хонимнинг қўшиқларидан, жаноб Шавкат Мирзаев бошчилигидаги ансамбль ижро этган куйлардан олган таассуротларимизни бир-иккита китобда ёзиб, тугатиб бўлмайди".

Демак, маънавият, санъат дунёсига қанчалик мустақиллик берилса, унда, ўз ҳудудида ўралашиб қолмасдан, балки қамрови кенг бўлган бошқа мамлакатлар билан маданий алоқани янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш асосида умуминсоний маънавий дунёни тараққий этиб бориш учун замин яратилади. Шунингдек, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт".

Маърифий масаласи деганда биринчи навбатда халқимизни, аҳолини саводли, билимдон, мушоҳадаси кенг, дунёқараши шаклланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила оладиган, одоб-ахлоқи, интеллектуал қобилияти шаклланган шахсни тарбиялаб вояга етказишни тушунмоқ лозим. Аммо маърифий соҳаларда елиб бораётган ишларимизнинг салмоғи истиқлол мафкураси талабига тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Мактаб-маориф соҳасида бир неча қонунлар, сиёсий ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамай, айрим мактабларда фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар ҳамон эски услубда дарс ўтмоқда, айрим ўқитувчиларнинг билим савияси паст, қишлоқ мактаблари ўқувчилари эса ҳанузгача лотин алифбосини ўзлаштирмаган, ҳатто исми ва фамилиясини лотин тилида ёзолмайдиган ўқувчилар мавжуд. Бундан ташқари, Самарқанд телевидениесида намойиш этилаётган хорижий бадиий фильмлар ёшлар ўртасида дўстликни, меҳр-оқибатни, ҳаётни, ватанпарварлик, Ватанни севиш, эъзозлаш, ота-онани ҳурмат қилиш каби инсоний фазилатларни тарбиялаб вояга етказишни эмас, балки ҳаёсизликни, ахлоқсизликни намойиш этмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, бундай бадиий фильмларни намойиш этаётганлигини кўриб келаётган вилоят маданият муассасалари ходимлари, Маънавият ва маърифат марказида турли лавозимларни эгаллаб келаётган кишилар индамай келаётганлиги, унга ўз муносабатларини билдирмаётганлиги кишини таажжубга солади.

Келажаги буюк бўлган давлат фуқаро-

ларнинг маънавий савияси баланд, ахлоқ-одоби умуминсоний қадриятлар мезони талабига жавоб берадиган даражада бўлишни тақозо этади.

Маълумки, инсон ўз жисмоний фаолияти натижасида жамиятнинг моддий базасини яратса, маънавий фаолияти орқали эса турли-туман тушунчалар, ғоялар, ахлоқ-одоб нормаларини, меҳр-муҳаббат, инсоний муносабатлар каби маънавий ҳаётни барпо этади. Зотан, инсон ақл-идроқ, тафаккур қилиш, фикрлаш, ўзаро фикр алмашиш каби руҳий-интеллектуал қобилиятни ўзида мужассамлаштирганлиги учун ҳам маънавият дунёси тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб камол топиб боради.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин истиқлол мафкурасига мувофиқ келадиган инсоннинг маънавий дунёсини камол топтириш долзарб масала бўлиб қолди. Чунки маънавий соҳага эътибор берилмаса, унда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам инқирозга учраб манқуртликка олиб келади. Шунинг учун ҳам жамиятда маънавий ҳаётни барпо этиш ва уни ривожлантириш учун, биринчидан, жамият фуқаросида ижтимоий-сиёсий ва маданий фаоллик кўникмаларини ҳосил қилдириш ва камол топтириш руҳида тарбиялаб бориш; иккинчидан, ҳар бир индивиднинг жамият, давлат, миллат ва халқ манфаатини эътиборга олган ҳолда онгли амалий-ўзгартирувчилик фаолиятини сафарбар этишга қаратилмоғи лозим.

Бу эса, ўз навбатида, инсоннинг истиқлол мафкураси, онги-дунёқараши қай даражада шаклланиб бораётганлигини аниқлаб бериш учун замин яратади. Агар ҳар бир индивид ўзининг онгли фаолиятини турли-туман воқеа-ҳодисаларга қараб эҳтиросларга берилса, унинг ижтимоий оқибатларини таҳлил қилмасдан ҳиссиётларга шўнғиб кетса, инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам тубанлашиб, охир-оқибат жамиятни ҳалокат ёқасига олиб келади.

Фуқаролик жамияти қуришдек улкан вазифани муваффақият билан амалга ошириш учун биринчи навбатда халқимизнинг маънавий, маърифий савиясини юксак даражага кўтариш зарур. Президент И.А.Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида..." асарида таъкидлаб ўтганидек, "Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгнинг ижодий кучига боғлиқдир... Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли, ўзига хос хусусияти бўлиб қолди".

Демак, фуқаролик жамияти қуришни баркамол маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ЗАРУРИЯТИ

Жумҳуриятимиз тараққиётининг маънавий-маърифий негизларини талқин қилиб, И.А.Каримов шундай дейди: "Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ҳам шундай билимга эга бўлиши керак". Шу нуқтаи назардан ҳам олий ўқув юртлари педагогик жамоаси олдида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини мактабда ўқувчиларга миллий ғурурни, ватанпарварликни, миллий истиқлол мафкурасини онгни шакллантиришда методик тайёргарликни ошириш каби долзарб вазифалар турибди.

Бироқ ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра давлат аҳамиятига молик бўлган ушбу вазифани ҳал қилишга кўпчилик бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари назарий ва услубий жиҳатдан тайёргарликка эга эмасликлари маълум бўлмоқда. Ушбу нуқтаи назардан педагогика бошланғич таълим услубияти бўйича талабаларни мактабда миллий тарбияни амалга оширишга тайёрлаш бўйича ижтимоий-иқтисодий, педагогик-психологик, табиий-математика туркумига кирувчи предметларнинг мавжуд бўлган имкониятларини намоён қилиш ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир.

Ушбу мақсадда педагогика факультети талабаларининг математика фани бўйича маълумотини таъминлайдиган ўқув предметларининг миллий тарбия вазифаларини ҳал қилишдаги имкониятлари ва уни амалга оширишга масалалари, математика курсининг "Тўпламлар ва улар устида амаллар", "Математика ва логика элементлари", "Саноқ системалари", "Муносабатлар", "Сон ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш" ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган назарий масалаларнинг моҳиятини таҳлил қилиш ва ёритишда талабаларни мактабда миллий тарбия вазифаларини ҳал қилишга жалб этилди. Жумладан, "Манфий бўлмаган бутун сонлар" мавзусини ўрганишга тарихий ёндошиб талабаларга математика тарихидан М.Хоразмий томонидан IX асрда математик ҳисоблашда қийинчиликлар туғдирган рим рақамлари ва сонларини сўз орқали ифодалаш ўрнига 9 та ҳинд рақамлари асосида ўнли саноқ системасининг яратилиши, уни жаҳон фанида тан олиниши ва кенг тарқалиши муносабати билан элементар математиканинг бир тармоғи бўлмиш арифметика алоҳида фан даражасига кўтарилди. Буюк ватандошларимизнинг арифметик асарлари Европада XII асрдан бошлаб лотин тилидан қайта-қайта таржима қилиб ўрганилмоқда, немис ва инглиз тилларига ўгирилди, улар жаҳоннинг энг нуфузли университетлари кутубхоналарида асраб-авайлаб келинаётир. Бу ёдгорликлар фақат Ўрта Осиё халқлари учунгина эмас, балки жаҳон ҳамжамиятидаги барча миллатлар ва элатлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этадиган улкан бойликдир. Ўзбек халқининг асл фарзанди номини жаҳон фанида ҳақли равишда алгоритм тушунчаси билан абадийлаштирилганлиги ва ҳоказо ўтмиш миллий меросимиз билан боғлиқ материаллар орқали талабаларни системали равишда таништириб бориш бошланғич мактабда математика таълими мазмунини миллийлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга уларда математика ва унинг тарихига катта қизиқиш уйғотади.

Ўрта Осиё олимларининг математика фанининг турли тармоқларида қилган кашфиётларини кейинчалик Ғарбий Европа олимларининг ижоди деб кўрсатилишига оид айрим материаллар бор...

Буюк алломаларимизнинг қолдириб кетган илмий-назарий кашфиётларини талабалар онгига сингдириш уларда наинки илм-фанга муҳаббат, шунингдек, ватанпарварлик туйғуларини ҳам кучайтиради.

Шариф ФАЙЗУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди

Имом Бухорий ва инсон руҳияти

Буюк исломшунос Имом Бухорий кашф этган ҳадислар руҳшунослик илмининг нодир манбаи сифатида илмий-назарий жиҳатдан ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Киши руҳиятига илиқлик бахш этувчи бу ҳадислар ўзбек миллий руҳшунослиги тарихига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади.

Руҳият илми соҳасида Ўрта Осиёнинг машҳур алломалари Ал Хоразмий (780-850), Абу Наср Форобий (873-930), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Ибн Сино (980-1037) кабилар жаҳон миқёсида донг таратдилар. Мустақиллик туфайли эса улар сафига Имом Термизий (824-892), Аҳмад Фарғоний (IX аср бошларида туғилиб, 861 йилда вафот этган), Имом Бухорий (809-869) каби донишмандлар қўшилди.

Улуғ алломанинг ҳадис илми соҳасидаги буюк хизматлари шундаки, калом илми соҳасидаги кучли зиддиятлар ҳукм сурган ўша даврда 600 мингдан ортиқ ҳадисни тўплаб, илми ҳадиснинг "Саҳиҳ" (тўғри, ишонарли) йўналишига асос солган. Натижада ҳадис илми соҳасидаги шуҳрати ўша вақтдаёқ бутун оламга ёйилган.

Руҳшунослик илмининг зукко билимдони Имом Бухорий ўзи тўплаган тўғри ҳадисларининг ярмидан кўпроғини (300 мингдан зиёдроғини) ёддан билган ва уларни халқ орасида кенг тарғиб қилган.

Тарихий манбалар ва замондошларнинг гувоҳлигича, Имом Бухорий руҳ илмининг билимдони, ҳаддан ташқари кучли ва ўткир хотира эгаси бўлган. У бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис тинглаган ва улардан эшитганларини ёдда сақлаган. Шу асосда 20 га яқин китоб ёзган. Булардан бизгача етиб келган энг машҳури "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ("Ишончли тўплам")дир. Бу тўплам ҳар қайсиси 500 саҳифадан ортиқ бўлган 4 жилддан иборат бўлиб, бугунги ўзбек руҳшунослик илмининг нодир манбаи ҳисобланади.

Ислом оламининг йирик ҳадисшуноси томонидан ёзилган "Катта тарих", "Кичик тарих", "Адаб дурдоналари", "Закот китоби", "Ота-онани ҳурматлаш", "Заифлар китоби" каби бугунгача ўрганилмаган асарлари ҳам яқин келажакда албатта ўрганилади ва ўзбек миллий руҳшунослик илми ривожига ҳисса бўлиб қўшилади деган умиддамиз.

Қуйида биз буюк донишмандниг "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" асаридаги бизнинг бугунги турмушимиз учун муҳим аҳамият касб этувчи айрим руҳий ҳолатлар ҳақида қисқача фикр баён қиламиз.

Асар психологик мазмунга ғоятда бой. Унда одам хотиржамликка, осойишталикка, ўзгага қарши қурол ўқталмасликка ундалади. Одамлараро ноҳақ қон тўкилиши қаттиқ қораланади. Одамлар ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатликка чақирилади. Араз, гина, гаплашмаслик, саломлашмаслик қаттиқ гуноҳи азим дейилади. Танишу нотанишларга салом беришга чақири-

Мафкура ва сиёсий маданият

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришганидан кейин кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгида, тафаккурида, уларнинг ташқи дунё тўғрисидаги тасаввурларида, руҳиятида бўлаётган ўзгаришларда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий асослардаги туб ислоҳотларни таъсири беқиёсдир. Шу сабабли Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ва тараққиёт йўлини ўзида ифодалайдиган мафкуравий асосларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлди.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, жамият тараққиётида миллий мафкурани қандай воситалар асосида ривожлантириш керак, мафкура ва сиёсий маданият ўртасида қандай боғлиқлик бор, жамият аъзоларида сиёсий маданиятни қандай йўллар билан шакллантириш ва ривожлантириш керак, сиёсий маданият ўзи нима учун керак?

Жамиятда мафкуранинг ҳам, сиёсий маданиятнинг ҳам шаклланиши ва ривожланиши узоқ вақт давом этадиган жараён ва улар амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасига боғлиқ. Аммо мафкура билан сиёсий маданият ўртасида ўзаро муносабат мавжуд. Сиёсий маданиятни мафкуравий жиҳатдан таъминлашда давлатнинг ўзига хос ўрни бор. Гап миллий мафкура ва унинг натижасида шаклланадиган ёшлар сиёсий маданияти ҳақида борар экан, давлат уларнинг қадр-қимматини улуғлайдиган, баркамол ёшларни тарбиялашни мақсад қилиб қўйган, уларни мустақилликни мустаҳкамлаш каби масалаларга йўналтирадиган мафкурага эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам мустақилликни турли хил қарашлар асосида ёшлар онгига сингдириш, уларнинг эътиқоди, ишончига айлантириш орқали мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Ана шу омиллар орқали мафкура ҳам, сиёсий маданият ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради.

Ҳозирги вақтда ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, одамларимизнинг онги, тафаккуридаги ўзгаришлар сезиларли даражада кўзга ташланмоқда. Бу табиий жараён, биринчидан, вақт ўтиши билан одамлар онги ўзгариб боради, фикр ҳеч қачон догматик бўлиб қолмайди, иккинчидан, онгининг ўзи ривожланиб ёки тубанлашиб боришига муайян мамлакатдаги амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб бўлади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кишилар тафаккуридаги ўзгаришлар 1999 йил 16 февраль воқеалари-

лади. Яна бир руҳий жиҳат шундаки, бу китобда одамлар аҳиллик ва иноқликка ундалади. Одам ҳаётида меҳнатнинг лаззати уқтирилади. Меҳнат қилган одам ҳамма нарсага эришади, ўзи тўқ бўлади, садақа бериб, савоб иш қилади, ҳожатманд бўлади. Фаровон ҳаёт кечириб, қариндош-уруғларига меҳрибон, меҳнатсевар бўлади, тилидан ҳам, қўлидан ҳам бошқага зарар етказмайди.

Одамки одам бўлибди, фақат яхши сўзларни сўзласин, агар бунинг уддасидан чиқа олмаса, тилини тийиб юрсин, сукут сақласин деб, таълим беради азиз устоз.

Бу китобда улуғ аллома яна одамларни фарзандсеварликка, тўғриликка, ҳамма вақт хайрли ишларни қилишга, ваъдага вафосизлик, омонатга хиёнат қилмасликка чақиради. Жумладан, 15-ҳадисда шундай дейилади: "Ҳар бирингиз қўл остингиздаги қарам бўлганларга масъулдирсиз. Подшоҳ ўз фуқаролари олдида, эркак киши ўз оила аъзолари олдида, аёл киши эрининг уйдаги барча ашёларига ва хизматчи ўз хўжасининг молу мулкига масъулдирлар". Бу фикрлар бугунимиз учун муҳим йўлланма ҳисобланади. "Адаб китоби"нинг 1-боби "(Отага) итоаткорлик ва меҳрибонлик ҳақида" деб номланади ва "Инсон ўз ота-онасига итоаткор ва меҳрибон бўлсин", – деб васият қилинади. Шундан сўнг ота-она ҳурмати фарзандлар учун вожиблиги таъкидланиб, қуйидаги ривоят келтирилади: "Бир одам Расулуллоҳ с.а.в. ҳузурларига келиб "Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлирокдир?" – деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: "Онанг!"– деб айтдилар. У: "Яна ким?"– деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: "Онанг!"-дедилар. У: "Яна ким?"– деди. Жаноб Расулуллоҳ: "Онанг!"– дедилар. У: "Яна ким? – деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ (бу сафар): "Отанг!"– деб жавоб қилдилар (4-жилд.77-78-б.).

Китобда қариндош-уруғлик ва уни эъзозлаш борасида келтирилган фикрлар ҳам бугунги ёш авлоднинг руҳий баркамоллигини таъминлашда кучли таъсир воситаси сифатида хизмат қилади. Унда келтирилишича, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлган одамларнинг ризқи улуғ, умри узоқ бўлади.

Имом Бухорийнинг бойликка ҳирс қўйишга қарши фикрлари ҳам бугунги турмушимиз учун ғоят қимматлидир. Унинг айтишича, бойлик молнинг кўплиги эмас, балки бойлик қалб саховатидир.

Ҳадисларда ахлоқ-одоб, дўстона муносабатлар, ота-она, фарзандлар ва қариндошларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибати, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф тарғиб қилинади. Адоват, разолат, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод ва зулм каби инсоний фазилатларга ёт иллатларга нафрат туйғулари ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бугунги ёш авлоднинг маънавий камолотида ҳадисларда ифодаланган мазмун бебаҳо хазина сифатида хизмат қилади: "Эй, одам боласи, кифоя қилгудек ризқинг бўла туриб, ҳаддингдан ошадиган молни истайсан. Эй, одам боласи, тонг отиб, кўз очаркансан, таниинг сиҳат, оиланг тинч, бир кунлик таоминг бўлса бор, ортиқча бойлик исташни қўй!"

Имом Бухорийнинг психологик қарашларини ўрганиш миллий психология фани тарихи, балки бугунги психологик ҳодисаларни амалий турмушга тадбиқ этишда ҳам назарий ва амалий жиҳатлардан фойдалидир.

Мусо ХАЛИЛОВ,
СамДУ психология кафедраси мудири, доцент.

Р.ОТАМУРОДОВА,
тадқиқотчи

да яна бир бор исботланди. Халқимиз бу воқеаларни жуда қаттиқ қоралади ва ўз мустақил тараққиёт йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қандай тажовузлар қайтара олмаслиги таъкидланди. Халқимизнинг озодликка, ҳурриятга интилишлари, совет даврида миллий тенгсизликдан норозилик, адолатни қўмсаш тарзида намоён бўлган. Эндиги масала мустақилликни тобора мустаҳкамлаб боришдир. Мустақиллигимиз ва миллий мафкурамизга айрим таҳдидлар мавжуд.

Президентимиз Ислом Каримов "Туркистон" газетаси мухбири саволларига берган жавобларида мафкуравий таҳдидларга тўхталиб ўтган эди:

1. Атрофимиздаги айрим ислом давлатларида пайдо бўлган турли хил диний ташкилотларнинг мамлакатимизга кириб келишига уриниши ва унинг мамлакатимиз аҳолисига, айниқса, ёшлар онгига таъсири, натижада ҳокимиятни қўлга олиш таҳдиди.

2. Маъмурий буйруқбозлик тузумини қўмсаш, совет ғояларини ҳаётимизга тиқиштириш, "иккилик" – Россия ва Белоруссиядаги айрим кучлар ва сиёсий доиралар томонидан илгари сурилаётган ғоялар таҳдиди.

3. Ўзбек миллати тарихини сохталаштиришга, уни бир томонлама талқин қилишга уриниш, ўзбек деган миллат йўқлигини зўр бериб онгимизга сингдиришга уриниш таҳдиди.

Бу таҳдидлар бизнинг эркин ва озод Ватан келажаги учун олиб бораётган курашимизга ҳеч қандай таъсир эта олмайди.

Халқимиз ўз тарихи, анъаналари ва маънавий маданиятини чуқур ўрганишга ва бугунги кун тажрибаларига сингдириб юборишга ҳаракат қилмоқда.

Биз ҳозир чуқур мамнуният билан шуни қайд этишимиз мумкинки, жуда кўп инсонпарварлик руҳидаги анъаналаримиз сақланиб келмоқда. Масалан:

1. Ҳашар – бегараз, бепул ёрдам кўрсатиш руҳининг сақланиб қолаётганлиги (одамгарчилик руҳи).

2. Ватанпарварлик, унинг тинчлиги, хавфсизлиги, ривожланиши йўлида фидокорона меҳнат қилиш руҳининг кучлилиги

3. Илм-фан, моддий ва маънавий қадриятларимизга эътиборнинг кучайганлиги.

4. Ватанимиз тарихига эътиборнинг ортиши.

5. Мулкка, меҳнатга муносабатнинг ўзгариши натижасида мулкчилик ҳиссининг пайдо бўлиши уларни мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам мустақиллик йўлида фаолроқ бўлишга ундамоқдаки, бу уларнинг ўзига хос юксак сиёсий маданиятидан далолат беради.

Сиёсий маданияти юксак кишигина қийинчилик шароитида ҳам барқарорликни, осойишталикни, сабр-қаноатли, меҳр-оқибатли бўлишни, давлат манфаати йўлида фидойи бўлишни зарур деб ҳисоблайди.

Кишиларда маънавий сарчашмалардан баҳраманд бўлиш қанчалик қудратли бўлса, уларда халқ, Ватан ишига фидойилик, ҳаётга соғлом назар билан қараш, улуғ аждодлар анъаналарига содиқлик, меҳнатсеварлик, дўстга меҳрибонлик, душманга нафрат туйғуси шунчалик кучли бўлади.

Хуллас, руҳимиз, тафаккуримизда кечаётган бундай сифат ўзгаришлари мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий камолотига яна ҳам самарали таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг натижалари бундан далолат беради.

Асқар ЭШМУРОДОВ,
Қарши Давлат университети аспиранти



Жўра ЯХШИЛИКОВ,
профессор

ЁШЛАРНИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Юксак маънавий тараққиётсиз жамият ривожланмайди, чунки жамият тараққиёти маънавий тараққиёт даражасига боғлиқдир. Жамият тараққиётини юксак поғоналарда ривожлантириш ёшлардан маънавий баркамолликни талаб қилади.

Жамиятнинг маънавий тараққиёт даражаси паст бўлса, шунга мувофиқ жамият тараққиёт даражаси ҳам паст, ёшларнинг онги, билими, дунёқараши содда, маънавияти саёз бўлади. Қаерда маънавий тарбия суст олиб борилса, ўша ерда ёшлар ўртасида жиноятчилик, нопок ишлар кўп бўлади. И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Очиқ айтиш керакки, рўй берган бу ишларнинг сабабларидан бири – маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, маънавий бойлик моддий бойликдан минг бор устун. Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндошмоқдамиз.

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман".

Маънавияти юксак ёшларгина истиқлол, мустақиллик, Ватан ва унинг моҳиятини чуқур англай олади. Масалан: ўтмиш маданий меросни чуқур билмаган ва эъзозламаган ёшлар ўз илдизини, аждодларимизнинг босиб ўтган йўлини, курашларининг тарихий аҳамиятини англамайди.

Ҳозирги даврда олимларимиз маънавиятга турлича таърифлар бериб, унинг моҳиятини турлича талқин қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, маънавият кишиларнинг ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий, нафосат ҳақидаги қарашлари ҳамда мафкуравий муносабатлари, дунёқараши ва билимларининг йиғиндисидир. Ана шу компонентлар асосида маънавият шаклланади.

Маънавият мафкура билан узвий боғлиқ. Маънавият тушунчаси мафкура тушунчасидан кенг. Мафкура миллатнинг шу бугунги ва тараққиёт истиқболларини белгилаб бериши керак, яъни унинг оқибат мақсадларини аниқлаб, қандай жамият қурамиз, инсонни қандай тарбиялаймиз деган саволларга жавоб бериши керак. Шунинг учун мафкура Ватанимизнинг бундан кейинги тараққиёти, миллатнинг эртанги кунини, қиёфасини, маънавиятини белгилайдиган, дунёқарашини ташкил этувчи фикрлар ва ғоялар йиғиндисидир.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик мафкурасининг асосида адолатли, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий жамият қуриш, бу жамиятнинг бунёдкори бўлган ёшларни жисмонан бақувват, маънавий баркамол руҳда тарбиялаш ғояси ётибди. Мафкура республикамизда мавжуд бўлган барча ижтимоий институтлар, оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий уюшмалар, ташкилотларнинг тарбиявий фаолиятларини мувофиқлаштиради, уларнинг фуқароларга бир маромда узлуксиз тарбиявий таъсирини таъминлайди. Миллий мафкура ва таълим тизимининг асосий мақсади мустақиллигимизни ҳар томонлама чуқур англайдиган баркамол ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

Юксак заковат эгаси бўлган зиёлиларимиз ўз фаолиятларида баъзи бир салбий субъектив омиллар таъсирига тушиб қолган кишиларнинг реал ҳаётдан узоқлашишига, мансабпарастлик, маҳаллийчилик, миллатчилик, тарафкашлик, турли иғво ва фисқу-фасодларга берилиш каби иллатларга чек қўйишга қаратилиши керак. Шунинг учун ҳозирги даврда ёшларни яхши ҳаётга ўз меҳнати, ақл-заковати асосида эришишига ишонтиришимиз керак. Шу боисдан ёшларимизни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашимиз керак. Ҳозир-

ги даврда, биринчидан, мамлакатимизда илм-фан ва маънавият тараққиёти учун объектив шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд бўлсада ёшлар орасида илм-фанга бўлган интилиш бирмунча сусайиб кетганлиги сезилмоқда. Илмий тадқиқот институтларида илмий сафарларга юбориш, тайёрланган илмий ишларни чоп этиш, чет мамлакатлардан ахборотлар, китоблар олиш қисман камайган. Бу ўз навбатида, илм-фаннинг ривожланишининг ташаббускорларини қўллаб-қувватлашни тақозо қилади.

Иккинчидан, мамлакатимизда қанчалик илмли кишилар кўп бўлса, мамлакатимизнинг маънавий ривожланиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Миллий мафкура маънавиятнинг ривожланиши жараёнида Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилиши, ёшларни буюк ишларни амалга оширишга жалб қилиниши, бирлаштириши, ёшларда миллий, сиёсий ва ғоявий-ахлоқий онгликни шакллантириши, ҳаётимизнинг ички ва ташқи боғланишларини чуқур акс эттириши, бутун жамият аъзолари манфаатига хизмат қилиши керак. Ёшлар маънавий тараққиётида сиёсий тарбия муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ёшларнинг сиёсий қарашлари ва тасаввурларининг йиғиндиси асосида уларда сиёсий онг юзага келади. Мамлакатимизнинг мустаҳкам тараққий қилиши учун уларнинг сиёсий савиясини тинимсиз ўстириб бориш керак, чунки жамиятимизнинг сиёсий асосларига путур етказишга уринувчиларнинг таъсир доирасига тушиб қолишига йўл қўймаслик керак, чунки мамлакатимизнинг барқарор тинчлиги ва тараққиётини кўролмайдиган баъзи душманлар ҳар хил воситаларни қўллаб, сиёсий жиҳатдан иродаси бўш ёшларни жалб қилишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, ислом экстремизми ва фундаментализми бугунги кунда, ислоҳотлар давом этаётган бир даврда тинчлик ва барқарорлигимизга катта хавфдир. Ўтиш даврида вужудга келаётган вақтинчалик қийинчиликлар, аҳолининг объектив табақаланиши, мулкий тафовутлар, таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларнинг баъзи жойларда талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги, диннинг жамиятдаги роли ва ўрнини объектив тушуниб етмаслик оқибатида бизга четдан кириб келган ваҳҳобийлик, "Хезба таҳлили исломия", "Нурчилар" оқими таъсирига баъзи ёшларимиз тушиб қолди. Бошқача фикрловчиларга жисмоний тазйиқ ўтказиб, ҳатто уларни жисмоний йўқ қилиш даражасига бориш, қабр, муқаддас жойларга нисбатан тажовузлар содир этилиши халқ орасида ваҳҳобийларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Ҳозирги даврда баъзи ёшларнинг ваҳҳобийчилик таъсирига тушиб қолишининг объектив ва субъектив сабаблари мавжуддир. Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида баъзи ёшларнинг ишсизлиги, оила, маҳалла, мактаб, олий ўқув юртлари раҳбарлари назоратидан четда қолиши ҳамда ёшларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаслиги оқибатида турли диний-экстремистик оқим ташвиқоти таъсирига тушиб қолмоқдалар. Иккинчидан, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтиришда шарқона одоб-ахлоқ, маданият, маърифат масалаларига бағишланган давра суҳбатларига етук дин вакилларини чақириш мақсадга мувофиқдир. Бу давра суҳбатларида дин вакиллари билан биргаликда нафсатшунослик, ахлоқшунослик ва диншунослик соҳасидаги мутахассислар ҳам жалб қилинса улар билан ҳамкорликдаги мунозаралар ижобий натижалар беради.

Ўзбекистонда дунёвий жамият қуриш тажрибаси амалга оширилмоқда. Бинобарин, диний ва дунёвий фан вакиллари мунозараси асосида дунёвий ва диний тарбия имконият даражасидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳуқуқий тарбия ишлари ҳам кундалик ҳаёт жараёнлари билан уйғунликда олиб борилса яхши самара беради. Ёшларга фақат билим бериш билан чегараланмасдан ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш ҳам керак. Талабалар орасида тарбиясиз, виждонсиз, имонсиз, яъни турли-туман жиноий ишларни содир этиб, қамоқхоналарга тушиб қолган ёшлар ҳам бор. Ҳуқуқий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда матбуотнинг роли беқиёс. Матбуот орқали ёшларнинг ҳуқуқий онгига таъсир этиш, ёшларнинг ҳуқуқий-маънавий, интеллектуал потенциалини юксалтириш зарур.

Шунингдек, омма ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш мақсадида, "Маънавият-маърифат жамоатчилик маркази", "Касаба уюшмалари", "Камолот" жамғармаси, турли партиялар фаолияти ишларини уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Улар кўпроқ ўз фаолиятлари билан маҳалла, мактаб, олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тарғибот ишларини кучайтирса, халқ орасига кириб борса, маънавий-маърифий ишлар соҳасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини беради.

Шу нарсани таъкидлаш керакки, маънавият структурасининг раҳбарлик тизимида ишлаётган лаёқатсиз, маънавий-маърифий ишларни уюштиришда раҳбарлик маҳорати етишмаган шахслар маънавий тарбияга, маърифий ишларга путур етказиши мумкин. Агар ташкилот раҳбарларида раҳбарлик, ташкилотчилик, уюштирувчилик қобилиятлари бўлмаса, маънавий-маърифий ишлар кўнгилдагидек амалга ошмайди.

Ҳозирги даврда республикамизнинг ҳамма олий ўқув юртларида ишлаётган профессор-ўқитувчилар аттестациядан ўтказилмоқда. Бу тадбир жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, талаба-ёшларни маънавий жиҳатдан ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бўлиб, билимсиз профессор-ўқитувчиларни олий ўқув юртларидан тозалашга қаратилгандир, чунки билимсиз, лаёқатсиз, уқувсиз ўқитувчилар маънавий жиҳатдан саёз талабаларни тайёрлаши мумкин, шунинг учун юқоридаги тадбирларни амалга ошириш асосида олий ўқув юртларидаги салбий жараёнларга барҳам бериш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий фан ходимлари олдида Президентимиз таъкидлаганларидек, "Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларни" юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш вазифаси турибди.

Исмоил СОИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор



ТАРИХИМИЗ – ОЧИЛМАГАН ҚЎРИҚ

Ўтган кун – бу тарих. Бугунги кун – ўтган куннинг боласи. Эртамизнинг буюклиги, нурли фаровонлиги, мангулик касб этиши бугунги ишимизга, яшаш тарзимизга боғлиқ. Ана шу ўтган кун – тарихимиз бағрида маънавий камолотимизнинг илдизлари мавжуд. Уларни ўрганганимиз, қалбимизга, онгшууримизга сингдирганимиз сайин у ғуруримизга, истиқболимизни белгиловчи, истиқболимизни мустаҳкамловчи кучга айланади.

Халқимиз шитоб билан қаддини ростлаётгани, улкан маънавият дарёсида тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётгани, ўзлигини тобора чуқурроқ англаб бораётгани хусусида чексиз ғурур билан сўзламоқдамиз. Чиндан ҳам Бухоро, Самарқанд, Хива, Насаф, Нурота сингари шаҳарларни, улардаги 7-8 асрдан бери нур тўкиб турган ёдгорликларни кўриб барча ҳайратга тушади. Бу каби инжудай сочилиб ётган муқаддас мерос қайси халқда, қайси элда бор? Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, ал Беруний каби комил инсонлар, чинакам даҳолар мана шу икки дарё оралиғидаги табаррук тупроқ фарзандларидир. Ҳали тантаналар нашидалари қалбимиздан ўчмаган ал Бухорий, ал Фарғонийлар худди чинордек халқимиз бўйи-бастини кўрсатиб турибди. Айнан мана шу тарихимиз, унга бўлган янгича мунсабатларимиз, мустақиллик уфқидан туриб қараётганимиз, ёш авлоднинг тарихимизга чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлаётгани нур устига нур бўлаяпти. "Тарих – деб ёзган эди Президентимиз Ислом Каримов, – миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда."

Тарих, таъбир жоиз бўлса, ўзликни англашдан бошланади. Миллий ўзлик деган тушунча мавжуд. Бу дегани ўз наслу насабини, келиб чиқишини, яшаш, тараққиёт йўлларини чуқур билиш демакдир. Ўзлигини англаган инсон эса енгилмас қудрат соҳибига айланади. Унинг энг буюк, мисли йўқ қудратга эга қуроли бу тарихдир. Тарих келажакнинг тарбиячиси, маънавиятимизнинг бешигидир. Ўз тарихини чуқур биладиган, у билан фахрланадиган кишилар таҳсинга лойиқ зотлардир. Сабаби оламни қанчалар кенг тасаввур этолсак, англасак, қалбимизга сингдирсак, шунчалар онгимиз тиниқлашади, тарихнинг қадрини янада кенгроқ идрок этаверамиз.

Харобот, Ксенофон, Плутархларнинг бизга ёзиб қолдирган битиклари қадимги дунёни англашимизда ғоятда қимматли манбалардир. Уларнинг қаламларига мансуб бўлган тарих рисолаларида номлари зикр этилган Тўмарис, Широқ, Спитамен сингари қаҳрамонларнинг номлари неча-неча авлодларга мардлик сабоғи бўлиб келди, эл-юрт учун жангу жадалларга руҳлантирди.

Олисга бормайлик, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Салоҳиддин Тошкандий, Ибн Арабшоҳ сингари муаррихларнинг китобларида соҳибқирон Темур ҳазрат-

ларининг ҳаёти, жанглари кенг, батафсил ифода этилган. Айни пайтда, ушбу нодир қўлёзмаларда ўша даврнинг манзаралари ҳам жуда чуқур тасвирланган. Ҳозирликда ушбу қўлёзмалар китоб ҳолида чоп этилди, кенг ўқувчилар оммаси томонидан қизиқиш билан ўқилмоқда. Демак, тарих ибрат мактабидир. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур".

Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда катта ишлар қилинмоқда. Тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихчиларимиз олдига янги-янги вазифалар қўйилди. Тарих институти фаолияти янада жонланди.

Ўзбекистоннинг кўп томлик янги тарихини яратиш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Уларда халқимининг ўтмиши, жонли анъаналари ҳақиқат кўзи билан тикланмоқда. "Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон, такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъи назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди", – деган эди Президентимиз.

Ёшларга Ватан тимсоллари чуқур тушунтирилиши керак деб ҳисоблаймиз. Чунки Мадҳиямиз, Байроғимиз, Гербимиз бу шунчаки белгилар эмас, балки ҳаётимиздаги энг муқаддас рамзлардир. Ўз байроғини кўзга сурмаган, Мадҳиясини жон овози билан куйламаган, Гербидан ғурурланмаган инсон юртининг иззатини ҳам жойига қўёлмайди. Шунинг учун ёшларимизни буюк рамзларга садоқат руҳида тарбиялаш кунимизнинг энг биринчи талабидир.

Жаҳонда етти мўъжиза бор дейишади. Ватанимиз тарихининг ҳар саҳифасида бундай мўъжизалардан ўнлаб кўришимиз мумкин.

Мустақиллик шарофати ила Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Имом ал Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк аждодларимизнинг муборак тўйларини ўтказдик. Номи таъқиқ остида бўлган пири комил Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг муборак манбалари тикланди. Пайғамбаримизнинг ҳадислари чоп этилди. Халқимизнинг маданияти, маънавияти тарихимизда акс этиб турибди. Демак, тарих илм демакдир. Юртбошимизнинг "Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, таг-томиригача назар ташлаймиз" деган сўзлари нақадар пурмаъно эканига яна бир карра амин бўламиз. Мустақиллик куни, Конституция куни, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда кенг ва атрофлича нишонланмоқдаки, бу тадбирларнинг тарбиявий аҳамияти юксакдир.

Наврўз миллий қаҳрамонларимизнинг қанчалар улуғлиги, маънавий илдизларимиз теранлигини акс эттирса, мустақиллигимиз байрами эрк, озодлик, ҳурлик қанчалар эъзозлигини авлодлар қалбига сингдиради. Хотира ва Қадрлаш куни эса халқимизнинг фидойи фарзандларининг эҳтиромини ниҳоятда баландлиги исботидир.

Афсуски айрим ёшларимиз орасида тарихни билмаслик, уни пухта ўрганмаслик, ўз халқи тарихи, келажаги бўйича қайғурмаслик иллатлари сезилиб қолди. 1999 йил 16 февраль воқеалари ҳали ҳеч кимнинг ёдидан чиққани йўқ, чиқмайди ҳам. Унда асосан ёшларнинг иштироки борлигини билгач, халқимиз қанчалар афсус-надоматлар чекди. 16 февраль воқеалари ёшларимизга тарихимизни янада чуқурроқ, янада кенгроқ ўқитиш зарурлигини кўрсатди. "Биз... Беруний ларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз", – деган эди Президентимиз. Шундай экан бундай улуғ зотларнинг ворислари юртбузар бўлиши мумкин эмас. Бобокалонларимиз юрт тузганда XXI аср бўсағасидаги чалamулла авлодлар юрт бузиб ўтирса, ҳар қандай инсонга оғир ботиши турган гап. Ўз тарихини, ўз миллий анъаналарини яхши билган, улардан ўрганган ёш авлод ҳеч қачон бундай разил ишга қўл урмайди.

Тарихимиз – очилмаган қўриқ. Биз Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимги давлатлардан тортиб ўрта асрлардаги Салжуқийлар, Сомонийлар, Темурийлар, Ғазнавийлар, Бобурийлар давлатларининг асл тарихини яратишимиз керак.

Тарихни ўрганиш – миллий ғурур, ифтихор уйғотиш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш баробаридан миллий мафкурамизга, миллий қадриятларга, ислоҳотларга келиб боғланади.

Президентимиз "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида айтадилар: "Миллий мафкура аввалambор ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт". Бу гаплар ҳаммамизга дастур, йўлланмадир.

Шоир Эркин Воҳидов ёзганидек "Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим!". Мана шу пинҳон тарихни халқимиз, миллатимизга худди қумдан олтинни ажратгандек йиллар қаъридан ажратиб бермоғимиз керак. Зеро, тарих, тарихий ҳақиқат олтиндан ҳам қиммат. Ўз вақтида том-том қилиб битилган, кўп саҳифаларда ўзбек халқининг шаънига бўҳтон ва қоралар ёпиштирилган тарихларни ўқидик. Энди ёшларимиз, келажаги буюк давлатнинг барча авлодлари ўзларининг чинакам тарихларини ўқишлари, билишлари керак.

Вақт ва инсон

Дўстмурод НОРҚУЛОВ

Мамлакатнинг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиши, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини амалга оширишда "инсон – вақт" муносабатида содир бўлаётган ўзгаришлар муҳим ўрин тутади.

Инсон ва унинг маънавий дунёси вақтга муносабатда, ундан фойдаланишда ўзига мазмун ва моҳият касб этди; мамлакат тараққиёти, ҳар бир инсон дунёқараши миллий анъана ва қадриятларга таянган ҳолда амалга оширила бошланди; инсон онги ва тафаккурини ўзгартиришда "макон ва замон" тизимини янги ижтимоий шароит асосида кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилади.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, "одамларнинг онги ва турмушига ўнлаб йиллар мобайнида, кўпинча зўравонлик йўли билан сингдирилган нарсаларни бир зумда ўзгартириш мумкин эмас". Ана шу маънода бугун мамлакатда амалга оширилган ислоҳотларга муносабатда одамлар онги ва турмушидаги эскича қарашлар, ёндошувлар маълум даражада ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда дейиш мумкин. Вақтдан фойдаланиш кўпроқ инсонларнинг юксак маданий-маърифий маданиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Вақтга бўлган муносабат ва уни ҳис этишда аҳолининг миллий турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлари, қадриятлар тизими, дини катта аҳамият касб этади.

Чунки, инсоннинг борлиғи ва унинг ички олами ана шу йўналишлар орқали воқеа ва ҳодисаларга кўчади ҳамда ўз ифодасини топади. Ҳозирги тараққиётнинг ўзига хос эҳтиёжларидан бири инсоннинг вақт омилига бўлган муносабатининг ўзгариб янгича маъно ва аҳамият касб этаётганлигидир.

Ҳаётида маънавий эҳтиёжлар устунлик қилган инсонларда ўзлигини англаш, вақтнинг қадрига етиш, мамлакат олдида турган улуғ мақсадларга сафарбарлик ҳисси, фидойилик даражаси юқори бўлади.

Ҳар бир инсон ўз онги, тасаввурлари даражасида вақтнинг жамият ҳаётидаги ўрнини идрок этади. Шу нуқтаи назардан, инсоннинг вақтни идрок этиш даражасини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан боғлаш унчалик тўғри эмас. Вақтни идрок этиш, аввало, инсоннинг ўзига, маданий-маънавий даражасига боғлиқ бўлади. Жамиятнинг ижтимоий ривожланиш натижалари инсоннинг вақтга бўлган муносабати билан боғлиқ объектив ва субъектив омиллар йиғиндисида кўпроқ ўз ифодасини топади.

Инсонда вақтга нисбатан муносабатда инсон "мени" белгиловчи аҳамият касб этади. Турли мамлакат халқлари ўзларига хос онг ва тафаккур, тарихий-маданий негизларига мос ҳаёт тарзларини вужудга келтиради. Жамият ҳаёти тарзидаги кўринишлар эса муайян макон ва замон билан боғлиқ турли халқлар тасаввурлари, ғоялари, қарашларининг амалий ифодаси тарзида намоён бўлади.

Қадриятлар тизими жуда хилма-хил. Вақтга муносабат, яъни "вақтни қадрлаш" бу қадриятлар тизимида алоҳида ўринга эга. Инсонлар онги ва маданият даражаси билан боғлиқ ҳолда вақтни идрок этишларида ҳар хил ёндошувлар, қарашлар мавжуд. Уни англаш даражаси ҳам хилма-хил. Ҳамма инсонлар ҳам вақтнинг жамият ҳаётидаги моҳиятини бир хилда англамайди. Бу нарса: 1) инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадлари, ўзлигини қай даражада англаганлиги ва мақсаднинг қандай тамойил асосида қўйилганлигига; 2) инсоннинг онгида шаклланган ва амал қиладиган муайян "қадрга", "маънога", ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлари мажмуига, маънавий-руҳий дунёсига; 3) мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий мавқеига, мафкуравий негизларига боғлиқ бўлади.

Жамиятдаги ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисалар инсон тафаккури ва онгидаги ўзгаришлар муайян вақт оралиғида кечади ва содир бўлади. Вақтга кенгроқ қараш ва унинг таҳлили шуни кўрсатадики, инсон ҳаёти, фаолияти, жамиятда вақт шунчаки "иш" ва "ишдан ташқари вақтдан" иборат эмас. Вақт – шунчаки тараққиётга боғлиқ бўлган мавҳум ҳодиса эмас. Бундан ташқари "Бўш вақт" тушунчасини ҳам ўйлаб кўриш керак. Вақт бўш бўлишидан қандай фалсафий маъно бор? Вақт бу нисбий кечадиган ҳолатдир.

Инсоннинг ўзи билан ўзи бўлиб, ижодий тафаккур юритган, ўйнаган, қиёслаган пайтини янги ғоялар, фикрлар, қарашлар, тасаввурлар муайян вақтда содир бўлади. Инсонда янги ғоялар, қарашлар, янги кашфиётлар, мақсад ва интилишлар вужудга келмас экан ёки, тўғрироғи, инсон у тўғрида ўйлаб, унга муайян вақт сарфламас экан, унинг фаолиятида эртанги вақти маълум даражада "зое" кетади. Фаолиятда "вақт бўшлиги" содир бўлади. Чунки инсон мунтазам равишда вақтдаги ўзгаришларни ҳис этиб, янгиликлар билан бирга бормаса, ўз устида ишламаса вақтдан орқада қолади. Бундан инсон ҳам, жамият ҳам зарар кўради. Инсон тафаккури вақт билан уйғун тарзда бўлмаса, оқибатда изланувчанлик, ижодкорлик хусусиятидан узоқлашади. Инсоннинг маънавий борлиғи заифлашиб, унинг бунёдкорлик фазилати сусаяди, унинг фаоллик даражаси пасаяди. Вақт – инсон маънавий олами орқали муҳим омилга айланади. Шу маънода вақтни англаш ҳар бир инсоннинг маънавий олами орқали ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиш керакки, вақт, уни қандай англаш инсоннинг ёши ва турли ҳаёт даврлари билан узвий боғлиқ.

Масалан, мактаб ёшларида вақтни идрок этиш, уни қадрлаш 35-37 фоиз атрофида бўлса, талаба ёшларда уни англаш даражаси 55-57 фоизни ташкил этади. "Яхши ва аъло" ўқийдиган, фаол ёшларда вақтнинг қадрини эртароқ англаб етиш ҳолатлари кузатилади. Бу нарса инсон маънавий олами ва вақт ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Маданий савияси юқори инсонларда ўзлигини англаш туйғуси ҳам кучлирокдир. Ҳар бир инсон ўзининг тарих, бугун ва келажак олдида масъул эканлигини англаса, бошқаларга бефарқ бўлмаса, ўз манфаатларини устун қўймаса у комиллик сари интилган бўлади. Ўзлигини жўн англаш, вақтни бесамар сарфлаш, иккиламчи ҳис-ҳавас, мол-дунё, нафсга берилиб кетиш, маънавий беқарорликни келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакатимиздаги бугунги ислоҳотлар асосан бунёдкор, фаол инсонларга таянмоқда. Ўз фаолиятини мамлакат тақдири, унинг келажагисиз тасаввур этолмайдиган, ўзлигини бугунги демократик жараёнлар, мақсадлар ва вазифалар билан уйғун идрок этаётган инсонлар тараққиётнинг гаровидир. Келажак вақтни шундай қадрлайдиган инсонларнинг тафаккурига, ақл-заковатига, тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига, маънавий-маданий даражасига, меҳнат фаолиятининг натижаларига бевосита боғлиқ бўлади.

Вақтнинг қиммати ўтган вақт миқдори билан эмас, балки унинг натижаси, самарадорлиги билан белгиланади. Шунда вақтга нисбатан муносабатда: а) инсоннинг; б) инсондан ташқари омилларга боғлиқ жиҳатлар ҳам намоён бўлади.

Мустақиллик ҳар бир кишидан вақтнинг қадрига етишни тақозо этади. Бу эса мамлакатда амалга ошаётган демократик ўзгаришлар, фуқаролик жамияти қурилишининг қонуниятлари билан мос тушадиган жараён бўлиб, тараққиётнинг истиқболини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

МАФКУРА ВА ТАРИХИЙ ОНГ

Инсон ўзини инсон эканлигини, муайян миллатнинг вакили эканлигини англаб олиши учун унга фалсафий мушоҳаданинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун у ўз аждодларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий ҳаёт соҳаларида эришган тажрибаларини, улар томонидан яратилган барча моддий ва маънавий қадриятларни пухта ўрганиб, ўз ҳаётий фаолиятларида улардан оқилона фойдаланиб боришлари лозим. Инсоний-ликнинг моҳияти ва мазмунини таҳлил этган бобокалонларимиздан бири Абу Наср Форобий айтганларки: "Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир... У ўз руҳининг ғурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст кишилардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин..."

Инсонни улуғликка чорловчи бундай боболаримиз ўгитини бугун биз биламизми? Мабодо билсак унга қай даражада амал қилиб келмоқдамиз? Шуларни бир ўйлаб кўриб, шунда ўз ҳаётий фаолиятимизга қандай баҳо берар эканмиз? Менимча, кўп ҳолларда ўз фаолиятимизга ижобий баҳо беришга ожизлик қилиб қоламиз.

Республикамиз пойтахти Тошкентда содир этилган фожеали февраль воқеаларини ўйлар эканмиз, ўзимизга ўзимиз такрор ва такрор савол берамиз. Наҳотки шу ишларни инсонлар содир этган бўлсалар? Йўқ, албатта, ҳозирги кундаги ўтиш даврининг қийинчиликларидан фойдаланиб, ўзим бўлай қабилида иш тутаётган, ўз руҳининг ғурури ва виждонини унутиб қўйган бундай имонсиз шахсларни инсон эмас, балки инсон қиёфасидаги жонзот деб аташ мумкин.

Оллоҳ таоло томонидан инсонга ақлидрок, фаҳм-фаросат каби буюк қобилият берилган бўлиб, ҳар бир инсон бу юксак қобилиятини бутун борлиқни, хусусан, ўзини ҳам юксалтириш ва гўзаллаштириш учун йўналтириши лозим эканлигини англаб олмоғи зарур.

Тарихга назар ташласак, аждодларимизнинг ҳаётий фаолияти инсоф, виждон, ор-номус, иймон ва эътиқод каби биз учун ибрат бўладиган, инсон ҳаётининг улуғвор маънавий устунларига таянган ҳолда кечганлигининг гувоҳи бўламиз.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз тузукларида келтирган, бугунги кунда ҳокимлар, давлат бошлиқлари ибрат олса арзигулик қуйидаги сўзлари фикримизнинг ёрқин далилидир. У киши ёзганларки: "...Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим... раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим".

Бизнингча, боболаримизнинг бу бебаҳо ўгитларини ҳуқуқий демократик, фуқаролик давлатини барпо қилиш ва уни самарали бошқариш жараёнида ҳар биримиз ўз фаолиятимиз учун дастур қилиб олишимиз зарур. Иймоним комилки, бундай ўгитларни ҳали кўпчилигимиз билмаймиз, билганларимиз ҳам ўз фаолиятимизда уларга етарли даражада амал қилмаймиз. Шундай экан, ривожимиз ҳақида қандай сўз бўлиши мумкин. Зеро, биз қандай бўлсак, Ватанимиз ҳам шундай бўлади.

Мана шуларни назарда тутган юртбошимиз И.А.Каримов: "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур", деб уқтиради.

Тарихий ҳақиқатни ўзида мужассам этган миллий истиқлол мафкураси кишилар онгига сингдириб борилса, улар ўз бобокалонларининг ким эканликлари-ю, нималарга қодир эканликларини ҳам, худди шунингдек уларга нисбатан ўзгаларнинг ким эканликлари-ю ва нималарга қодир бўлишлари мумкин эканликларини ҳам англаб оладилар. Шундай экан, миллий истиқлол мафкурасида халқимиз ҳаётини барча соҳаларига тааллуқли бўлган бой маънавий мерос ўз ифодасини топиши лозим. Мана шунда мамлакатимиз фуқаролари ўз ҳаётий фаолиятларини ва уларнинг натижалари ҳақида, келажак авлодлар тақдири ҳақида чуқур ҳамда атрофлича фикрлаш, мулоҳаза юритиш қобилияти ва масъулиятига эга бўла борадилар. Уларда миллий онг ва миллий масъулият ҳисси вужудга келади. Бундай миллий онг ва миллий масъулият миллат ҳаёти ва ривожида муҳим ўринга эга бўлган миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий ўз-ўзини англаш каби ҳис-туйғу, кайфият ва қарашлар тизимидан иборат бўлади. Ўз халқи, она-Ватани, унинг буюк ва машҳур фарзандлари билан фахрланиб, уларни дилдан сева оладиган, миллий ўзлигини англаб олган кишиларгина мустақилликнинг моҳиятини тушуниб, унинг истиқболи билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мураккаб ва оғир вазифаларни ҳам бажаришга қодир бўла оладилар.

Дилбархон НАБИЖОНОВА,
Фарғона

ОНАЖОНГА ШЕЪРЛАР

Дилдан чиққан жавобларни айлаб эдим,
Кўп шоирлар оналарга ёзди мадҳия.
Лекин она фазилати тугал бўлмади
Ўқиб кўриб сен бирига кўнглим тўлмади.
Мадҳияни қадимга етказмоқ учун,
Мен ҳам пича синаб кўрдим қаламим қирин.
Англадимки она жон ҳаётнинг боши,
Она жон ҳонадонинг порлоқ қуёши.
Кечалари алла айтиб уйқусиз, бедор,
Мижжа қоқмай азонгача зиёрак, хабардор.
Фарзандини парваришлаб, асраб, авайлаб,
Мезри жўшиб кўзларига аста қўяр лаб.
Ҳарна қилур оналарга барча муносиб.
Ер юзида ишонмай бағрига босиб,
Бизга ҳаёт чашмасидан шарбат ичирган,
Фарзанд деган машаққатлар ёшидан кечирган.
Абу Райҳон Беруний-ю шоир Навоий,
Ал Хоразмий, Умар Хайём, Улуғбек, Жомий,
Абу Али Ибн Сино халқа Форобий,
Забуннисо, Нодиралар, адиб Қодирий.
Пайғамбарлар, авлиёлар, Ҳазрати Алию
Ерга дунё юзин кўрди она туфайли.
Демак барча азми дониш манбаи — Она,
Демак барча азми фаннинг манбаи — Она.
Имкон қадар хизматларин эладим роса
Ва ниҳоят келиб ичди шундай хулоса:
Бутун дунё шоирлари бўлиб жамулжам,
Ёза она мадҳиясин қилиши-ёзиқ, кам.

Зокирхон БОСИТХОН ўғли

Бибисора ОТАЕВА

КЕНГЛИКЛАРНИ ЗИМДАН КУЗАТДИМ



ТЎРТЛИКЛАР

х х х

Сени кутмаганим кутмаганингдан,
Соғинч кўчасидан ўтмаганингдан.
Гоҳо зилзиламен, гоҳида бўрон,
Ишқимни қадрига етмаганингдан.

х х х

Эй ёр, ўзингсиз ҳар он ўргатдинг,
Кўзимни йўлингда нигорон этдинг.
Шунда ҳам боринги тутдим ғанимат,
Сўрарим бор, нечун паришон этдинг.

х х х

Ёр деган бўлурму бунча зулмкаш,
Бўлмасми ишонган, софдил, меҳрваш.
Учарми уйдирма, туҳмат, иғвога,
Яхшими, ёғийга ишониб жавраш.

х х х

Ўтдан ўтга солур мени ағёрлар,
Ҳақ сўзни севмовчи ишкалли морлар,
Ёнмаганим кўриб, чўғ ахтарурлар,
Ёққан пишар, биларми ақли торлар.

х х х

Ёд этарман жон дўстни кунда мен,
Шод этарман ўзни шу йўсинда мен.
Бўлмасайди бошда дўст, ёр хотири,
Қолар эдим ёлғиз қора тунда мен.

х х х

Яраш қолиб, уруш сари борилмағай,
Ҳеч бир киши севгонидан айрилмағай.
Толе учун оламга келган ҳар зот
Етдим мақсудга деганда тойрилмағай.

БЕШЛИК

х х х

Ҳазарга дучлигинг, эй дил, ўзингдан кўр,
Беандиша ҳам беқарор кўзингдан кўр.
Ор-номусдан қизармаган юзингдан кўр,
Бисмиллоҳсиз еган ош, нон-тузингдан кўр,
Ҳазарга дучлигинг, эй дил, ўзингдан кўр.

х х х

Ўйланиб оҳиста отсам одимим,
Боисин айтайин эй, наззорагар,
Гул тану жонлардан бўлган заминда,
Беандиш юришдан вожибдир ҳазар.

х х х

Кўнгил олсанг тавофи ҳаж не ҳожат,
Жон дўст жамолини қил зиёрат,
Ё, ол бирон хаста ҳолидан хабар,
Савобдир, кўргизмоқ меҳр ила шафқат.

х х х

Дўсту ёронига, элу юртига
Ким кўп хайр берар, ўшал жўмарддир,
Меҳр-шафқат, хайр-саховат чиндан,
Эгасин халқ аро ном қилур охир.

х х х

Ҳар нечук табиб ҳам қилолмас дардга даво,
Табиб ҳозиқ эса сўрангиз шифо.
Э воҳ, на кўпаймиш табиблар ҳозир,
Кўпин ҳаким номга иши нораво!

КУЁВ ЙИГИТ ҚЎШИҒИ

Қучоқ-кучоқ даста боғланг гуллардан,
Яхши ният, калом ёғсин диллардан,
Чанг, ғуборни ҳайданг кўча йўллардан,
Юзи олма, кўкси норим келади,
Келади, келади ёрим келади.

Кетмоқ ёмон эрур, келмоқ яхшидур,
Севишганлар олам жаҳон нақшидур,
Ихтиёрим олган қалам қошлидур.
Очинг йўлни қора қошлим келади,
Тўлишган ўн саккиз ёшлим келади.

Келади, келади нозлим келади,
Ороланиб баҳор, ёзим келади,
Қоматлари сарфарозим келади,
Қутлуғ денглар, умр йўлдошим келади,
Дил айвонимга қуёшим келади.

x x x

Шукурларким, ишқ бўлди ҳамдами жоним менинг,
Қайда бўлмай йўқ андин ўзга жононим менинг,
Бўлса бордир жон олғучи ўқ ёйи кўпнинг,
Жон олғувчи, жон бергувчи, ишқдир ёздоним менинг.

x x x

Меҳмон келса, хизмат этсанг сийлаб хандонлик била,
Холисанилло, тавозе қилсанг мардонлик била.
Ёғий бўлса ҳамки ул дўст бўлур осонлик била.
Аксин этсанг ўтди ҳисоб умринг пушаймонлик била.

НАВРЎЗГА БАҒИШЛОВ

Яна баҳор ўлди, азиз жонлар дунёга келдилар,
Қаторда бўлиб ўтган сонлар дунёга келдилар,
Сабзазор, гулзор, чаман бўстонлар дунёга келдилар.
Ҳотамин излаб Сулаймонлар дунёга келдилар,
Гул юзлар васфида қиссахонлар дунёга келдилар.

Чиқдилар эл янгиланиш ташрифига пешвоз,
Юртга Наврўз келди ҳуснли Юсуфдек сарфароз.
Садафда гуҳар пайдо бўлар айёми бу на соз,
Янги йил, Бибисора, тинч бўлгай деб бўл навосоз
Гўзал сийрат одамдек хуш онлар дунёга келдилар.

ҚИШЛОҚ ТОНГГИ

(Оқ шеър)

Аста хиралашиб
Сўнди юлдузлар.
Тонг отди.
Шафақ аксидан
Булутлар ўтда.
Майсазорлар бўйлаб қалқди
Пардай енгил буғ.
Ойина сув,
Гажак толлар устига
Ёғилди шафақдан
Қирмизи ёғду.
Кенгликларни зимдан
Кузатдим
Ана, кўзга элас-элас
илғар оёқ йўл, сўқмоқ.
Қияларда пойлоқчидай
Мудрар қамишлар.
Атроф кимсасиз,
Жим-жит,
Сўрагим келди бирдан:
—Хе-е-е-е-е-й ким бо-о-о-о-р?!
Яна сокинлик,
Интилиш қўймади,
Олдга юрдим.
Дарахт туяларига
Елкам теккан эди сал,
Юз-кўзимга япроқлардан
Сачради зар томчилар.
Кўзимни қулдирди
Биз ҳам бормиз деб
Сув бетига мавж солиши
Шаббодаларнинг.
Ана ниҳоят, ана.
Бурқсиди оқиш тўзон —
Сокинликни бузди
Дупури
подаларнинг
Қовун чайла томондан яна
Бурқсиди мовий тутун-
Қовунқоровул-чойхўр
Чойўчоққа ёқарди ўтин.

ЎЗИГА ҲАҚ ЭСАНГ...

Бошимга қаёқдан бунча иғволар,
Ноҳақ туҳматлару дўқлар, яғмолар.
Қонга қон, сувга сув кеткизмай десам
Кўнгил беришиб дер ёр-ошнолар:
— Ўзига ҳақ эсанг, йўқдир балолар,—
Фазилат эгаси, оқилу доно
Жон дўстлар сўзидан олдим зиёлар.
Андуҳларим тарқаб дедим: — Кўп яшанг,
Эй, сиз ақли теран, фикри зеболар.
Не ғамдир кишига ўт ичра яшаб,
Бирдан жафо кўрса, мингдан вафолар.

ОРОЛ

Асрлаб лойқа сув тўпладинг, Орол!
Қанчалаб чўкинди хўпладинг, Орол!
Ҳеч ким ўйламади тозаламоқни,
Яғир дардларингни даволамоқни.
Балиғингни ташиб кетавердилар,
Хазинангни торож этавердилар.
Соҳилингни қилиб маишат жойи
Оқбилаклар юрди қилиб хиргойи.
Беравердинг ҳаммага тенг хайрингни,
Ўйламадинг сўнгги бўлар зайлингни.
Охир оқибатда белинг букчайиб,
Тугаб бормоқдасан дардинг кучайиб.
Олмоқнинг ҳам бермоғи бор деганлар,
Қайтиб берармикин сени ўша еганлар...

ОҚ ШЕЪР

Сабр этайлик эй, одамлар,
Бу кунлар ўткинчи, яъни
Ўткинчидир нарх-наво
Қимматчилиги, ўкинчи.
Ўз қўлли, ўз ёқали
Янги рўзғор —
— Мустақил янги уйга
Қўймоқдамиз пойдевор.
Кўтармоқ-чун бу иморат
Қоматини
Қанча чиқим,
Қанча меҳнат
Керак бўлар,
Ўйланг ҳар зум.
Қанча уста, қанча наққош,
Ишбилармон.
Керак қанчалар шафқатли
Тарафдор, хайрихоҳ инсон,
Зарур бўлар ташкилотчи,
Ташаббускор,
Марди-майдон.
"Маликаи-хуснобод"ча
Иш кўрмоқлик
"Уч оғайни" ботирларча
Жипслик, ўртоқлик
Керак бўлар, эҳ-ҳе яна қанча чора,
Дўстлик ипин маҳкам эшмоқ
Олам аро
Керак бўлар, сабр-тоқат,
Чидам, бардош.
Осон эмас бу йўлларда
Сардорга ҳам,
Аввало худо бергай мадад сарварларга,
Сўнгра сизу биздан
Мадад зарур раҳбарларга,
Сабр этайлик
Эй, одамлар
Сабр-тоқат,
Шукроналик
Бўлсин ҳамиша.
Шунда бино бўлиб
Бизнинг бу иморат,
Файз топур
Фаровонлик бирла албат.
Ғолиб келиб мустақиллик деган ғоя
Халқлар яшар бахтли ва шод бениҳоя.

ТОШКЕНТ БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

Анъанавий санъат айнан тарихий воқеликдир. Бу санъатнинг ўзига хослиги унинг ҳамиша, ҳамма замонларда яшаб келганлигида. У инсоният билан бир умр бирга бўлган. Меҳнат ҳам, овқатланиш ҳам, туш ҳам, ҳатто бедорлик, севги, тўй, бола туғилишию бошқа урф-одатларгача, ўтганлар ёди – бари анъанавий санъат бўлиб, анъанавий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида ҳамма нарсага дахлдор ва ҳамма нарса унга тегишли бўлган.

Тошкент анъанавий бадиий ҳунармандчилиги ҳам анъанавий маданиятнинг мана шу умумий қонунлари бўйича ривожланди.

Маълумки, Тошкент Шарқнинг энг йирик ҳунармандчилик,, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бири бўлиб келган. Илк ўрта аср пойтахти бўлган Чоч деҳқончилик воҳаси чекқасида жойлашган бўлиб, чексиз чўл кенгликлари билан ўралганди. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ деҳқонлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқариш спецификаси фақат ўтроқ ерликларнинг талабини эмас, чўл чорвадорларининг ҳам эҳтиёжларини қондириши зарурлигини тақозо этарди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги ва илк ўрта асрлар даврида Тошкент сопол ишлаб чиқариш, қурол, металл маҳсулотлар, ойна, заргарлик санъати, тўқимачилик, гиламдўзлик маркази бўлган. Бироқ тарихий маълумотларнинг етарли бўлмагани сабабли Тошкент анъанавий ҳунармандчилигининг илк тарихий даврларидаги тўлиқ эволюциясини кузатишнинг имкони йўқ.



XVIII аср XIX асрнинг биринчи ярмидаги Тошкент анъанавий бадиий ҳунармандчилиги анъаналари узвийлигини ва маҳаллий ўзига хослигини сақлаб қолди. Бу Ўрта Осиёдаги мураккаб этник тарих ва алоҳида мактаблар ривожланишининг ўзига хослиги натижаси эди.

XIX аср охири XX аср бошларидаги Ўзбекистон, хусусан, Тошкент бадиий ҳунармандчилиги тарихи жуда мураккаб ва қарама-қаршиликларга бой даврлиги билан характерланади. Бу бир томондан маҳаллий бозорларни тўлдириб ташлаган фабрикада ишлаб чиқарилган арзон моллар билан рақобатга бориб тақаларди. Ушбу ҳолат маҳаллий ҳунармандлар аҳволининг ёмонлашиб, маҳсулотлар бадиийлигига путур етказишга олиб келди. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган асрнинг 60 йилларида Туркистонга газмоллар, турли матолар келтирган биринчи рус ишбилармонларининг ниҳоятда ҳафсалалари пир бўлди. Чунки уларнинг маҳсулотларига талаб йўқ эди. Шунда "маҳаллий" дидни ўрганишга ва маълум маънода унга мослашишга киришдилар. Бироқ шу билан бир вақтда Туркистон ҳунармандчилик бўлимлари бўлган Халқаро кўргазмаларда қатнаша бошладилар. Булар Вена (1873 й.), Париж (1878 й.), Копенгаген (1888 й.), Чикаго (1893 й.), Стокгольм (1897 й.), Милан (1906 й.), Берлин (1914 й.), Лондон (1914 й.) кўргазмалари эди.

Шу даврдан бошлаб Тошкент нафақат ҳунармандчилик, балки анъанавий бадиий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи турли ташкилотларга йўл-йў-

рик берувчи, кўргазма-ташкилотчилик фаолияти марказига ҳам айланди.

1876 йили Тошкентда биринчи музей очилди. Ҳунармандчиликнинг таназзулга юз тутиш тенденцияси кучаяётгани инобатга олиниб, уни сақлаб қолиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, 1914-17 йилларда Тошкент сополчилик мактабини ташкил этишга уриниш муваффақиятсиз якунланади. 1915 йили Тошкентда Туркистон ҳунармандчилик комитетига асос солинади. Бу комитет айрим касб-корларни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини таъминлаш мақсадида ана шу соҳалар юзасидан батафсил тадқиқот ишларини бошлаб юборади.

Тошкент бу даврда анъанавий каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, ёғочга нақш солиш, бадиий чеканка, заргарлик, сополчиликнинг энг йирик ва ўзига хос маркази бўлиб қолди. Ҳозирги кунда Тошкент бадиий ҳунармандчилигининг энг яхши маҳсулотларига айланган XIX—XX аср бошларида яратилган асарлар кўпгина музейлар ва хусусий коллекциялар, жумладан Тошкент Давлат Санъат институти коллекциясининг фахри ҳисобланади.

XX асрда Ўзбекистон анъанавий санъати тақдири осон кечгани йўқ. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у барча нарсани бошдан кечирди: унга анохронизм сифатида қаралди, ҳалокати башорат қилинди, эстетик табиати бегона унсурлар билан ифлосланди, охир-оқибатда бадиий фабрика ва заводлар уни хонавайрон қилди. Кўпинча халқ санъатининг асосий принципи, қарама -қарши табиатга эга эканлиги эътибордан четда қолди. Зеро, бу бир вақтнинг ўзида ҳам қўл-ҳунар касб-кори, ҳам катта санъат. Бу санъат алғов-далғовли XX асрда халқ усталари ва уларнинг шогирдлари саъй-ҳаракатлари билан ўз эстетик қонунлари асосида сақланиб қолди ва яшашда давом этди. Шу ўринда ҳаётдан кўз юмган кўплаб усталар қатори А.Қосимжонов, Я.Рауфов, Т.Миралиев, С.Хўжаев, М.Қосимов, Н.Зикриёев, Т.Арслонқулов, А.Турсунбоев, М.Раҳимов, М.Усмонов каби тошкентлик усталар номини ҳам эслаб ўтишни истардим.

Хўш, бу усталар қандай одамлар эдилар? Уларнинг ҳар бири авлодлар учун афсонага айланган алоҳида шахслардир. Улар ўз ижодлари, танлаган касбларига чексиз меҳр-муҳаббатлари, анъаналарга садоқатлари билан ёғочга нақш ишлаш, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, анъанавий сополчиликнинг Тошкент мактабларининг бетакрор ўзига хослигини сақлаб қола билдилар. Масалан, уларнинг анъаналарини тошкентлик О.Файзуллаев, А.Азларов, Ғ.Йўлдошев, С.Раҳматуллаева, Ҳ.Одилов, А.Абдурахмонов, А.Аширов, Д.Ғаниев, З.Исамуҳамедов каби ёғоч ўймакорлиги усталари ўз ижодларида сақлаб келмоқдалар. Уларнинг ишларида юксак техник маҳорат ва касбий мукаммаллик яққол кўзга ташланади. Усталар ислимий, геометрик, гулли гириҳ деб номланган безакларнинг туси ўзгартирилган рамзий мотивлардан фойдаланадилар, шунингдек пардоз безагининг барча усулларини қўллайдилар. Уларнинг ишларида Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг ўзига хос хусусиятлари бўлган рельеф юзасига таг ранглар бериш ҳамда лак билан қоплаш усуллари сақланиб қолган. Ёки бошқа бир мисолни кўрайлик: анъанавий Тошкент Орнаментал безак ишлаш мактаби ҳам ўзига хослигини сақлаб қолган. А.Илҳомов бу санъатнинг замонавий усталаридан биридир. У дастлаб машҳур тошкентлик уста М.Тўраев қўлида, кейинчалик Республика коллежининг орнаментал безак бўлимида Ўзбекистон халқ рассоми Д.Ҳакимов раҳбарлигида таҳсил олди. 1968 йилдан бошлаб у Я.Рауфов ва Д.Ҳакимов раҳбарлигидаги гуруҳлар таркибида турли архитектура иншоотларини безаш ишларида қатнашиб келади. А.Илҳомовнинг муҳим ижодий ютуқларидан бирини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яъни у замонавий архитектура иншоотлари интерьерига анъанавий орнаментал безакни уйғун ва ниҳоятда нозик бера билади. Устанинг ижодий ютуғини унинг Т.Ҳусанов, С.Ҳакимов, Р.Шоёқубов каби шогирдлари мустаҳкамламоқдалар.

З.Юсупов, У.Тоҳиров каби усталар ижодида Тошкент ганч ўймакорлиги ва ганч наққошлиги мактабларининг ўзига хос услуби сақланиб келмоқда. Машҳур уста А.Раҳимов ижодида Тошкент сополчилик анъаналари давом этмоқда.

Шу билан бир вақтда, анъанавий Тошкент заргарлик санъати намоёндалари Ф.Дадамуҳамедов, М.Назирхонов, Ғ.Йўлдошев, Г.Тошев ижодларида тескари йўналиш кўзга ташланади. Бугунги тошкентлик заргар усталар фақат Тошкент мактаби бадиий тажрибасини ўзлаштириб қолмасдан, бошқа маҳаллий мактаблар тажрибасини ҳам ўзлаштирмоқдалар. Айниқса, ёш заргарлар ижодида бадиий анъана фақат техник ва бадиий усуллар мажмуидан иборат бўлмай, кўпроқ инсон турмуш тарзи фалсафасининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Айтайлик, уларнинг ишларида узоқ аждодларимизнинг заргарлик буюмларига муҳрланган оламнинг яралиш қонуни ҳақидаги қарашлари аксини кўрамиз.

Ёки Тошкент анъанавий ҳунармандчилигининг бадиий ўйма нақш санъатини бугунги кунда пойтахтимиздаги намояндалари — марғилонлик усталар Мадалиевларни олайлик. Улар ўз ижодларида Фарғона водийси бадиий ўйма нақш анъаналарини давом эттириб келмоқдалар.

Мутахассисларнинг қайд этишларича, анъанавий санъатнинг бир қанча шакллари, хусусан, табиий шакли яшаб келмоқда.

Халқ санъатининг айнан табиий шаклда сақланганини Тошкент каштачилигида сандиқ тайёрлашда, бешиклардаги, ёғочдан ишланган асбоб-анжомларидаги орнаментал безакларда кўриш мумкин. Буларнинг барчаси харидоргир, бироқ биз мутахассис-санъатшунос сифатида, айтайлик, фақат XIX асрда эмас XX аср бошларидаги музей намуналари даражасидаги замонавий Тошкент каштачилигини кўришни истардик.

Бугунги кунда "Ҳунарманд" халқ усталари Ассоциациясида 900 га яқин тошкентлик ҳунармандлар бор, уларнинг кўплари турли кўргазмалар ва ярмаркаларда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг номлари ва бетакрор маҳсулотлари республикамиз ташқарисида ҳам яхши маълум. Бу усталарнинг энг яхши асарларида анъанавий Тошкент ҳунармандчилик мактабининг ўзига хослиги яққол кўриниб туради.

Шу ўринда тошкентлик ҳунармандларнинг шаҳар тадбиркорлар палатаси ва маҳсулот ишлаб чиқувчилар ўтказаётган танловларни қайд этиб ўтиш лозим. Икки йил давомида У.Қосимов (сандиқ ясаш) ва А.Азларов (ёғоч ўймакорлиги) "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" совринини қўлга киритиб келмоқдалар. Бундай танловлар, шубҳасиз, шаҳар бадиий ҳаётининг жонланишига ёрдам бериб, халқ усталарига илҳом бағишлайди.

Тошкентнинг бугунги усталари нафақат XIX аср охири XX аср бошлари бадиий анъаналарини, балки анъанавий маданият ривожининг бундан ҳам аввалги даврларини ўзлаштиришга интилмоқдалар.

Камола ОҚИЛОВА,
санъатшунослик номзоди

Тилаб
МАҲМУД

ГУЛБАҲОР

(ҳикоя)

Шу йили қаттиқ очарчилик бўлди. Сўйганда қони чиқадиган ҳамма жонивор еб тугатилди. Кўчага ҳайдаб юборилган эшаклар ҳам сийракланди. Йўлларда одамларнинг оёқ излари камайди. Ҳамма ин-инига кириб, ахён-ахёнда дарёдан ярим челак-ярим челак сув олиб келаётган аёллар бўлмаса, эркакларнинг қўли ишга бормай қолди.

Очарчилик қишлоқни қишлоқ, шаҳарни шаҳар, кексани кекса, ёшни ёш демай барчага баробар ёпирилган эди. Уйлардан қут-барака қочиб, кўзга нима илинса ҳаммаси бир ҳовуч дон-дунга алмаштирилди. Сиқимлаб ишлатилган ун ҳам охири тугаб, гуруч кўрмаган хонадонларга туздони бўшаган қўшнилар қўшилиб борарди. Тобора хонадонларнинг ўчоғи, қарияларнинг қучоғи совий бошлади.

Очарчиликда одам ерга, ер одамга тобора қапишиб қолар экан. Ҳовлида бир туп бўлсаям олма ўссин экан, унинг пўстлоғини шилиб қайнаган сувга солса кўк чойга ўхшаш ранг беради. Икки-уч дона ёнғоқ мағизи ҳовончада янчилиб, қозонда қовурилса, шилдир-шилдир шўрва бўлади.

Шу йили қишлоқда анча одам қирилиб кетдию қабристонда гўр қазилмади. Қабристон гўрковсиз қолди. Тинкамадори қуриган қўни-қўшниларнинг йиғи чиққан хонадонга киришга ҳоли йўқ эди. Ҳамма ўз бошига тушган қорни ўзи кураш билан овора. Бир чуқурга икки-уч ўлик эгнидаги кийими билан кўмиб юборилган ҳоллар ҳам бўлди.

Суяр аканинг хонадонига барчага баробар кириб келган очарчилик кун аро ютоқиб борарди. Биринчи бўлиб Суяр аканинг ўзини ютди.

Маржон эрининг ҳе йўқ, бе йўқ, индамай кўз юмиб кетишини кутмаган эди. Эл қатори ҳамма нима бўлса биз ҳам шуда, деб ўйлаган Маржон эрининг дабдурустдан ётган жойида қимирламай қолганидан аввал ўтакаси ёрилгудай эсанкиради, кейин ўзини қўлга олди.

У кор эритиб тоғора, челакларни илиқ сувга тўлдирди. Ҳамма нарса тайёр бўлдию, аммо эрини ечинтира бошлаганда боши қотиб қолди. Тириклигида кетидан кўзичоқдай эргашиб юрадиган эри зилзамбилдай оғирлашиб, уни на у ёнига, на бу ёнига ағдариб бўларди. "Эй, худойим-эй, не кунларга қолдим", — деди ўпкаси тўлиб. Болаларини чақирай деса, кўнгли чопмади. "Йўқ, йўқ, отасига сув қуйишадими, худо асрасин бунақа кўргуликдан", — пичирлади у.



Суратни Рустам ЭРМАТОВ чизган.

Лекин эрини ювиш керак, уйда совун бўлмаса ҳам ҳовуз лабида ёз бўйи ўсадиган, ғуж-ғуж очиладиган гул бўларди. Шуни юлиб қўлга ишқаласа ҳар қанақа доғни ювиб кетарди, бир кун керак бўлиб қолар деб ёзда уни қуритиб халтага солиб қўйган эди. Бир сиқим совунўтни челакдаги сувга ташлаб қўли билан аралаштирган эди, сув кўпириб уй ичига янги ўрилган бедапоядан тараладиган ҳид сингари ёқимли ис таралди.

Ҳамма нарса ювишга тайёр бўлдию, эрини ечинтиришга келганда юраги дов бермади. Умр бўйи ўзи ечиниб, ўзи кийинган Суяр ака қимирламай ётарди. У токчадаги жинчироқ шуъласида бирам кўркам бўлиб кўриндики, ҳатто ўсиб кетган соқоли, танглайига боғланган саллачадан сиқилган лаблари чўччайиб турарди.

Маржон эрининг бошини аста тиззасига олди. Сочларини силади, кўзларидан оққан шашқатор ёш эрининг пешоналари оша юзини ювди, худди эри ҳам йиғлаб кўзларидан ёш сизаётгандай туюлди. "Кўзингизни очинг, болаларни, мани кимга ташлаб кетасиз, жоним тасаддуқ", деди ўкириб.

У қанча вақт шу ҳолда ўтирди, билмайди. Ҳушини йиғиб, жасадни ювиш талвасасига тушди. Қани энди эрини ағдариб-ўгириб бўлса. Ўликни битта одам ювa олмас экан, деган хаёлга борар-бормас бурчакдаги эру хотин ётадиган темир кроватга кўзи тушди. Апил-тапил унинг устидаги кўрпа-тўшакни олиб ташлади. Кроватни суриб-суриб эри ётган жойга яқинлаштирди. Қипяланғоч эрини қандай қилиб кроват сеткаси устига олиб қўйганини билмайди. Кроват тагидаги кигизни йиғиб сетка бўйи узун ариқча қилди. Сув шу ариқчага тушадиган бўлди. У ёқимли бўй таратган оппоқ кўпикли сувда эрини тозалаб ювинтирди. Эрини сетка устида ағдариб ётқизаётганда баданидаги сетка изларини кўриб хўрлиги келди. Сетка устида эри узоқ ётса баданига темир симлар ботиб озор бераётгандай, ҳаракатини тезлаштирди. Сетка орасидан сув ерга шариллаб тушган сари эрининг бадани ойдай оқариб кетди. У эрининг муздек баданини охирги бор иссиқ бағрига босди, артиб-артиб кўрпа астарига ўради. Ўтириб, тиловат қилди.

У эрталаб болалари уйғонгунча боғнинг бир четидан чуқур қазиб шу ерга Суяр акани кўммоқчи эди, улгуролмади. Музлаган ерни кўчиришнинг ўзи бўлмади. Ўзи ҳам тирик мурда эди.

Ярим метрча ерни пайраха кўчиргандай кесиб-кесиб тушди. Кейин белкурак ботадиган бўлди. Қушлар уйғонадиган пайтда у нам тупроқ устида тўрт бурчак чукурга тикилиб ўтирганда Гулбаҳор уйдан чиқиб онасининг ёнига келди. У қизини бағрига босиб, бу ҳовлида ҳам тирик жон борлигини билдирмоқчи бўлдими, ё шундай одам ўлиб кетсаю уни йиғи-сиғисиз кўмиладими, деган хаёлга бордими, овозини борича айтиб-айтиб йиғи берди.

Гулбаҳор онасининг пинжига кириб пиқирлар, овоз чиқаришга мадори йўқ эди...

Маржоннинг ўғли отасидан кейин ўрнидан турмади. Кун сайин шиша бошлади. Ҳатто кўзлари юмилиб қолди. Гулбаҳор бир куни ўкловдай таёқни кириб-кириб майдалади ва айвонга сепди-да ёзда акаси қилган ишни қилди. Кир ювадиган тоғоранинг бир қулоғига арқон боғлаб тоғора оғзини қириндиларга қаратиб, арқоннинг учини эшик орқасида ушлаб турди. Бир гала чумчуқлар айвонга сепилган қириндиларни чўқиб-чўқиб ҳеч тоғорага яқинлашмас эди. Гулбаҳорнинг қўллари титради, нафас олиши тезлашди. Шу пайт икки-учта чумчуқ тоғорага яқин келиб чирқиллай бошлади. Энди қириндиларни чўқишаётганда Гулбаҳор арқонни тортиб юборди. Тоғора ичи чумчуқларнинг пата-патларига тўлди. У бемажол ётган акасининг олдига кириб чумчуқларни тоғора тагига қамаганини, у ердан қандай олишни билолмаётганини айтиб, акасини хурсанд қилмоқчи бўлди. Акаси аранг кўзини очиб, ҳатто ўрнидан туришга уринди. Охири "Дераза пардани олиб тоғора устига ёпгин-да, кейин тоғорани ағдариб чумчуқларни тутасан", деди эшитилар-эшитилмас.

— Чўқимайдими?

Акасининг бошини қимирлатиб "Қўрқма" деган ишорасидан сўнг Гулбаҳор дераза парда топишга кетди...

Эри кўчадан бирор нима топиб келмаса ҳам тирик юргани далда экан, Суяр ака ўлимидан кейин Маржон бир бўшашди, бир таранг тортилди. Болаларининг кун сайин сўлиб бориши уни тобора довдиратиб қўйди. Суяр аканинг этигини икки ҳафта қайнатиб болаларининг оғзига тутди. Навбат камарга келди, уни ҳам нимталаб-нимталаб кунни узайтирди.

Эрининг ўлимини бир амаллаб кўтариб юрган Маржон ўғлини ҳам эрининг ёнига кўмгач, бутунлай эс-ҳушини йўқотди. "Эй, худо, нима гуноҳ қилдим, бунчалар қаҳринг қаттиқ бўлмаса, энди нима қиламан", дея сочини юлиб зорланди...

Ҳали тоғ елкаларидаги қорлар эриб кетмаган, кунгай жойларда ўтлар астасекин ниш ура бошлаган, эрта баҳор нафаси яқинлашиб қолган кунлар келди.

Маржон Мингбулоқнинг ёнбағридан "ожит", "олғу" деб аталадиган ўсимликларнинг илдизини қазиб олиб келган эди. "Ожит"нинг илдизи кавлаб кетила берилади-кетила берилади, бир суям, бир суям кесиб қопга солина берилади. Илдизнинг йўғонлиги аввал билакдай, бора-бора бармоқдай-бармоқдай кичраяди. Шунақа ўтлардан беш-ўнтаси қазилса бир қоп илдиз йиғилади. Бу илдизларни олиб келиб кечқурун қозонга саржин қилиб терилади-да, бир-икки коса сув қуйилади ва ўчоққа тўнка ёқиб эрталабгача димлаб қўйилади.

Эрталаб қозоннинг қопқоғи очилганда димланган катта-кичик илдизлардан жуда хушбўй ҳид таралади. Маржон қозондан "ожит" илдизларини олиб лаганга теради, бироз совутиб қизининг олдига қўяди.

Агар қозондаги сув камлик қилиб айрим йўғонроқ илдизлар етилмай қолса, ўрта бармоқдай ё пичоқ сопидайлари хил-хил бўлиб кетади. Тўйимли илдизларни Гулбаҳор қанчалик қимтиниб, кўзларини юмганча роҳатланиб чайнаса, онасининг томоғи хиппа бўғилади. У қанча кам еса қизига шунча кўп қолишини билади.

"Ожит" мазали бўлгани билан нонниг ўрнини босолмас эди. Маржон қишлоқ аёллари қаторида тоғ пиёзига ўхшаш "олғу" деган ўтнинг пиёзига борадиган бўлди. "Ожит" нечоғлик ширин бўлса, "олғу" шунчалик тахир эди.

"Олғу"нинг пиёзи ҳам қазиб олинади. Ярим қоп пиёз кечгача терилади. Уни тегирмон тошига ўхшаш ғадир-будур ялпоқ тош устида ишқалаб-ишқалаб унга айлантирилади. "Олғу"нинг меҳнати жуда оғир. Ярим қоп "олғу" пиёзидан кичкина тоғорача тўлар-тўлмас суюқ ун олинади. Уни қайта-қайта ювиб, чайиб тинитилади. Тиниган оппоқ унсимон "олғу" қуритилиб, ундан атала, кўмач пиширса бўлади. Ўчоққа ёпиб бўлмайди, оқиб тушади. Мис тоғорача ёки товага солиб қўрға кўмилса, зоғорага ўхшаш кўмач нонниг ўрнини босади.

Илик узилди кунлари Хумсон қишлоғининг аёллари ана шу "ожит", "олғу"ларни қазиб келиб, уйдаги тирик жонни омон сақлаб қолишган эди.

Эрта саҳарда Мингбулоққа оч-наҳор кетган Маржон кечга яқин бир аҳволда қайтиб келди. Силласи қуриганидан қопидаги "олғу"нинг чўғи ҳам камроқ эди. Ҳовли жимжит. Гулбаҳор эрталаб қандоқ ётган бўлса, шундоқ жойидан қўзғалмаган. Гулдай юзи сўлиб, кўрпанинг устидаги қўллари суяк-суягига ёпишиб кетган. Кечгача туз татимаган қиз онаси қайнатиб келган иссиқ чойдан бир-икки ҳўплаб, кўзини очди...

Маржон бирдан ғалати бўла бошлади. Қизининг қирқ кокил сочларини силаб-силаб "Бўйларингга онанг гиргиттон, бироз сабр қил болам, ҳозир "олғу"ни янчаман, дарёда чайиб чиқаман, кейин-чи атала пиширибераман, хўп-ми, Гулбаҳорим, баҳоринг бунча аччиқ келмаса, жоним", деди ўрнидан зўрға туриб ташқарига чиқар экан.

Маржоннинг ўзи ҳам тамом бўлаёзган эди. Уни фақат аллақандай куч, ноаниқ бир қоронғулик қаъридаги милтираган умид етаклаб юрган эди.

У ялпоқ тош олдига чўккалаб "олғу" пиёзини жон-жаҳди билан тошга ишқалай бошлади. Бир маромда тош устида бориб келаётган ўнг қўли толикди, тухумдай пиёзни икки қўллаб тошга ишқалади, гавдаси билан тош устида силкинган сари боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлди. Кўз олди қоронғулашиб, ёнига секин йиқилганда у номозшом бўлди, деб ўйлаган эди. Бир маҳал кўзини очиб қараса ҳали кун ботмаган, "олғу"ни янчиб, ювишга улгуради.

Силласи қуриган Маржон тоғорага янчилган "олғу"ни солиб секин-секин дарё бўйига тушиб кетди. Ургам дарёси уларнинг боғ этагидан оқиб ўтар, дарёнинг гоҳ пишкириб, гоҳ шовуллаб оқиши шундоқ эшитилиб турарди. Дарёнинг қирғоғи ҳар йили ё кенгайиб, ё торайиб қолар, Маржон кир ўчоқларини доимо янгилаб турарди. Боғ қиялигидан сизиб чиқадиган булоқ сувлари тип-тиниқ бўлсаям Маржон лойқароқ дарё суви ширин деб ундан чой қайнатар, кирларини ҳам дарё сувида тез очилади, деб ўйларди.

Маржон дарё қирғоғидаги ялпоқи тошлардан бирига ўтириб тоғорадаги "олғу"ни чая бошлади. "Олғу"нинг ҳам бир-икки чайишда тахири кетмас, камида бир-бир ярим соат сувини алмаштириб туриш керак эди. У муздек сувни янгилаб турганда қияликдан зўрға-зўрға қадам ташлаб, гоҳ орқаси билан ерга сирғалиб тушиб келаётган Гулбаҳорни кўриб қолди.

"Хайрият" деди кўнглида. Гулбаҳорнинг рангида ранг йўқ, худди арвохдай судралиб келарди. У онасидан пастроқдаги тошга чўккалади.

Қизининг "ожит" еб оёққа турганидан кўнгли бироз жойига тушган Маржон тоғорадаги "олғу"ни икки қўллари билан гуруч ювгандай ишқалаб-ишқалаб, сувини тез-тез алмаштираётганда кўз ўнгида дарё тескари оқаётгандай туюлди. Кўзини бир зум юмиб, очганда оёқ остидаги тоғора ҳам дарё оқимига тескари кетаётгандай бўлди. У тезлашиб бораётган тоғорани жон-жаҳди билан ушлайман деб қимтилган эди, "олғу"ли тоғорани қучоқлаганча икки харсанг тош биқинида кўпириб турган гирдоб ичига тушиб кетди...

Маржон қутуриб шовуллаган дарё тўлқинлари устида бир бошини чиқариб, бир сувга шўнғиб, олма гулли кўйлагининг этакларини дарё бетига ёзиб Гулбаҳорнинг ёнидан селдай оқиб ўтиб кетди.

Гулбаҳор дарё томон қўлларини чўзганча "Ая"лаб қолди...



Кутубхона директори Вазира СОБИРОВА

Китобдорнинг бугунги ўйлари

Китоблар замонларни боғловчи тафаккур кемаларидир. Маънавий бойлигимиз сақланувчи кутубхоналар ҳақида ўйлаганимда хаёлимдан буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомийнинг "Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда..." деган доно сўзлари ўтади. 70-йилларнинг ўрталарида, мактабда ўқиб юрган кезларимизда ҳам байрамларда, туғилган кунларда бир-биримизга китоблар совға қилардик. Энди билсам, китоб беназир туҳфа, онг ва қалб ёғдуси экан. Баъзан ўша китобларни бир-бир варақлаб, синфдошларимни, қадрдон ўқитувчиларимни миннатдорчилик билан эслайман.

Бекорга донолар кутубхона – нурхона дейишмайди. Тошкентнинг Эски шаҳари қоқ биқинида жойлашган Тошкент вилояти маданияти дурдонаси бўлмиш "Турон" кутубхонасига қачон борманг, ҳар доим китобхонлар билан гавжум бўлади. Бу ерда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Тўхтасин Жалолов, Миркарим Осим каби атоқли адиблар, шоирлар китоб ўқиганлар. Ушбу кутубхонада 400 мингдан ошиқ китоб фонди бор, 1918 йилдан буёнги газета ва журналларнинг тахламлари кўз қорачиғидек сақланади. Кутубхона директори Вазира Собирова билан суҳбатимиз мазкур хазинагоҳнинг ҳозирги кундаги ишлари, ташвишлари ҳақида бўлди.

– *Вазира опа, Сиз билан суҳбатларимизнинг бирида қани энди биз ҳам компьютер олсак, кутубхона компьютерлаштирилса, деган эдингиз.*

– Ҳа, ҳақиқатан, ҳаракатда баракат деганларидек, Сорес фонди – Очиқ жамият институти ўтказган танловда қатнашиб 2500 доллар ютдик ва компьютерлик бўлдик.

Барча ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бизда ҳам замонавий кутубхоналар бўлиши, аҳолини керакли ахборотлар билан тез ва сифатли таъминлаш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, компьютерлаштириш давр талаби, ахир. Компьютерда Интернет тизимидан фойдаланиб, Халқаро Амир Темур жамғармаси ходимлари, тарихчилар, шифокорлар, филологлар, журналистларни қизиқтирган кўплаб маълумотларни олаяпмиз.

– *Ҳозирги кунда мамлакатимизда 17 мингдан ортиқ кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Лекин кўпларининг иш фаолияти кишини ранжитади. Мана шундай кутубхоналар қандай ишларни амалга оширсалар китобхонлар кўпаяди деб ўйлайсиз?*



Ўқув залида

– Биласизми, инсон ҳеч қачон бир жойда қотиб турмайди, у ҳар доим ўз устида ишлаши, изланиши керак. Китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш лозим. Масалан, айтайлик, мен яқинда "Ўқитувчи" нашриётига мактаб дарсликлари учун пул ўтказдим. Шу ишни қилмаслик ҳам мумкин эди, лекин чуқур ўйлаб ўрганилса, зарурият бор экан. Ҳозир, тан олиб айтиш керак, иқтисодий жиҳатдан қийналаётган оилалар бор. Ана шундай оилаларнинг болалари, ота-оналар шу китобни ололмаган эдик, эртага шеър ёдлаши керак экан, зарур эди, деб келса, йўқ дейишдан ёмони йўқ. Бу ер кутубхона. 7 ёшдан 70 ёшгача китобхонларимиз бор. Кейин китобхонларни жалб қилишнинг яна бир йўли китоб фондини янги китоблар билан бойитиб боришдир. Турли тадбирлар – китобхонлар конференцияси, янги китоб тақдимоти, машҳур ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ҳам китобхонларни қизиқтиради. Биз яқинда ана шундай учрашувни Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи Саид Аҳмад билан Халқаро дипломатия университетида ўтказдик.

– Айни кунда кутубхона ва нашриётлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилган экан. Бу иккала томонга фойдалидир?

– Тўғрисини айтсам, кутубхона ва нашриётлар ўртасидаги алоқалар яхши эмас, деб ўйлайман.

– Бир пайтлар Китобсавдо деган ташкилот ҳам бўлгувчи эди.

– Ҳа, лекин ҳозир нашриётлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб иш олиб борган маъқулроқ. Бундан ташқари, бизнинг китоб фондимиз кўплаб ёзувчи ва шоирларимизнинг бевосита ўз асарлари совға қилишлари ҳисобига ҳам бойийди. Масалан, яқинда Дадахон Ёқубов раҳбарлик қилаётган "Наврўз" хайрия жамғармаси ҳам 244 минг сўмлик китоб совға қилди. Бундай саховат инсонларга хос бўлиб, халқимиз албатта уни эъзозлайди.

– Баъзан кутубхона мутасаддиларидан "Янги китоблар олиш учун маблағ йўқ" деган сўзларни эшитиб қоламиз.

– Бундай гапларга ишонманг. Тўғри, бошида бизга пул ажратадиган ташкилот шундай деб туради, лекин вақти келиши билан, қани бўла қолинг, тезроқ китобларингизни ола қолинг, деб шоширишади. Ҳар кварталда икки миллион сўмлик китоб олаяпмиз. Ахир бу оз маблағ эмас!

– Жамият тараққиёти, аҳолининг маданияти, маънавияти даражаси унинг ўқиш маданияти билан белгиланади. Одамлар қанча кўп ўқиса, билса, шунча юқори маънавият эгаси бўлади. Негадир одамлар орасида ҳозир ёшлар ўқимай қўйишди, деган гаплар юради. Сиз шу фикрга қўшиласизми?



– Йўқ, мен бу фикрга бутунлай қўшилмайман. Биринчидан биздаги китобхонларнинг саксон фоизини ёшлар ташкил этади. Иккинчидан, олий илмгоҳларда ўқиётган, хорижий юртларда таълим олаётган ёшларни қаранг, бир неча хориж тилини билишади, ўз она тилларидек эркин муомала қила олишади. Ҳатто айтиш мумкинки, мактабга бормасданоқ ўқиш, ёзишни билиб оладиганлар қанчалар кўп ҳозир!

– Кутубхонада китобларнинг сақланишидан, умуман, ушбу "яшаб турган" биноларингиздан кўнглингиз тўладими?

– Албатта, йўқ. Жаҳон стандартларига тўғри келадиган бино бўлса қанийди! Лекин нолимоқчи эмасман, борига шукур. Вилоят ҳокимлиги бино томини созлаш учун 6 миллион сўм маблағ ажратди. Китобларнинг сақланиши, тўғриси, кўнгилдагидек деб бўлмайди, лекин бу бутунлай ёмон дегани ҳам эмас.

– Сўнгги йилларда бутун дунёда жумҳуриятимизга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, хориж олимлари Ўзбекистон ҳақида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Ана шундай олимлардан ушбу кутубхонага келувчилар ҳам борми?

– Ҳа, албатта. Туркия, Польша, АҚШдан келган тадқиқотчилар китоблар ва газеталардан фойдаланишяпти. Улардан бири америкалик Мария Камп "Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракати (1920-1932й.)" деган мавзу устида изланмоқда.


– Ҳозир қандай орзулар, изланишлар билан яшамоқдасиз?

– Бу ер маҳсидўзлар кўчаси, жадидлар маркази бўлган бир пайтлар. Қани эди кутубхона қошида "Турон" ҳаваскорлар театри фаолият кўрсатса. Ҳамма фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмайди. Ҳуқуқий кутубхона ташкил этиш учун изланаяпман. Бизга "Чорсу" бозори яқин. У ердаги тадбиркорлар билан суҳбатлашдим. Кутубхонага бир кун юрист, бир кун аудит келади, десам улар жуда хурсанд бўлиб кетишди. Келажакдаги энг катта орзуларимдан бири Тошкент вилояти кутубхоначилар ассоциацияси ташкил қилиш.

– Гўзал ниятларингиз рўёбга чиқсин.

– Раҳмат, янги китобларни ўқишга келиб туринг.

Суҳбатдош:
МОҲИНУР



Абдуқаюм Айритомийни зиёлилар даврасида журналист сифатида яхши билишади. Унинг тез-тез радиода бериладиган долзарб мавзулардаги "БУГУННИНГ ГАПИ" эшиттириши халқимиз эътиборини қозонган.

Кўпчилик Абдуқаюм Пардаевнинг фалсафа фанлари номзоди эканлигини, "Вафо – иймон меваси" китобининг муаллифи эканлигини билмаса керак.

Абдуқаюмнинг анча теран фикрлайдиган, ихчам, мазмундор шеърлар ёзадиган шоирлиги мен учун ҳам янгилик бўлди. Журналхонлар учун ҳам янгилик бўлади деб ўйлайман.

Мен бу шеърлардан хаяжонланиб турганимда Абдуқаюмнинг "Қашқарлик аёл" каби бир неча киссалари, ҳикоялари борлигини эшитиб яна ҳам ҳайратим ошди.

Бу ёш йигит учун кўп эмасми?

Худо севган бандасидан саховатини аямайди.

Доим шошиб, куйиб-пишиб юрадиган, ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг ҳожатини чиқармагунча тиниб-тинчимайдиган укамга яна ҳам мўл ва жўшқин илҳом тилайман.

Маъруф ЖАЛИЛ

Абдуқаюм АЙРИТОМИЙ

БИР КУН...

Бир кун Қодирийдан биз ёздик баён,
Даҳонинг сиймоси ҳаммага аён!
Асарни нимага — "Меҳробдан чаён?"
Дея номланганин сўради Поён...
Муаллим чайналди, бўлмади алҳол,
Ўрнидан турғазди Поённи дарҳол.
Бир мисол келтириб, чалғитди уни,
Жавобсиз қолганди аслида савол.
Шундан сўнг ўтди қиш, ўтди неча ёз,
Жавобсиз саволлар эмас экан оз.
Чидаркан ёлғонлар ўтига қоғоз,
Булбулдан тўтилар экан хушовоз.
Кўрлигу, хўрликлар тугасин дўстлар,
Энди алдамайлик бир-биримизни.
Тугасин ҳаётда бор каму кўстлар,
Аввал тушунайлик ўз-ўзимизни.
"Меҳробдан чаён"ни ўқиди Поён,
Энди унга "Ўтган кунлар" ҳам аён...

ЭЗГУЛИК

Ўтмишда фозиллар, олимлар ажаб,
Эзгулик ишқида қолдирган асар.
Ҳаётда ҳар инсон бўлур нозиктаъб,
Эзгулик қалбида жўш урса агар.
Шу кекса дунёнинг беш қитъасида,
Гоҳида орзулар чиқмас рўёбга...
Эзгуликка ҳамон ўқиб қасида,
Ғамли дил интилар сирли зиёга.

* * *

Орзулар йўлида йиллар ўтади,
Қайнаган ҳаётнинг ташвиши ортиб.
Кимлардир дунёдан нолиб кетади,
Ишонч аравасин жимгина тортиб.

* * *

Шамоли ўзгача туташ қирларда,
Садпора қалбимга таскин бор, бироқ.
Бундан бошқа йироқ ерларда
Эй Соний, билмадим, яшайман қандоқ?!

* * *

Тангри карамидан умидвор яшаб,
Кўзларим ўтидан дарё қайнайди.
Зардоблар сочилган катакда қишлаб,
Талпинган юрагим ҳануз бўзлайди.

ОШИҚЛИК

(Ҳазил)

Лўли қизни севиб, Мажнун мисоли
Сарсонлик йўлини танладим, майли.
Икков ёлғиз қолсак гоҳида ҳоли,
Мени ёндирарди лўли қиз — Лайли.
Кўзларим ўтидан лўли қизгина,
Қалбим истагини сезарди ҳар он.
Ёнимда турарди маъюс, жимгина.
Мен бир дарвешмисол боқардим ҳайрон.
Лўли қизларига бўлсангиз ошиқ,
Дўстларим, тилини билингиз аввал!
Аслида севгида бўлмас миллат, ирқ,
Қаюмдек тил билмай бўлмангиз ўсал!

* * *

Юсуф ЖУМАЕВга

Бўри йўлдошини судраса дўстим,
Шер кўрса кўрибди, яна не керак?
Одамлар султони ҳали бедарак
Гувоҳ бунга ўзи бу кўҳна фалак.

* * *

"Пойлоқчилар пойлаб юрса, йўлингни,
Эҳтиёт бўл, ёвга ҳам тилинг қилгин бол.
Сўзлар бўлсанг катта очиб кўзингни,
Айтар сўзинг ўткир қилиб қайраб ол".

Бу гапларни кейин чунон англадим,
Кечиктирмай дўстлар сизга айтаман.
Яхшилар сўзини ҳақиқат билиб,
Бобом ўгитига энди қайтаман.

* * *

Тунлар туриб кўздан ёшим тўкаман,
Ўн саккиз минг олам шоҳи ҳақни деб,
Дардларимни айтиб боғлар кезаман,
Хаёлимга минг хил ўйлар берар зеб.

Воҳ, бу ўтда ёнди қанча сўнгаклар,
Гуноҳлардан ўзинг асра кунлар боттунча.
Мен ўзимни ахтараман ўзимдан
Ер юзида оппоқ, тонглар отгунча.


* * *

Хайр энди, алвидо деб йўлга чиққандим,
Тополмадим меҳр излай, муҳаббат излай.
Мен билмаган кимлар қолди кўчада яна,
Айтгин яна мен кимларнинг итини сизлай...

* * *

Тунлар...
Мен бир қўшиқ айтмоқ бўламан,
Олисларга кетмоқ бўламан гоҳи.
Йўл ярмидан яна қайтмоқ бўламан,
Яна чорлайверар нури илоҳий...

Ассалом дейман мен, саломимда сен
Зулжалол — юрагим, каломимда сен.
Мен бир йўловчиман, хуржунларим бўш,
Туну кун орзуим, хаёлимда сен...



ОИЛАДА ТЕЖАМКОРЛИК

«Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак».

Ислом Каримов.

Мустақил Ўзбекистонда истиқлол йўлига қадам қўйилган дастлабки лаҳзалардан бошлаб оила фаровонлиги ва унинг равнақи борасида бир қанча амалий чора-тадбирлар олиб борилди. Ана шу муқаддас маскан бўлган оила фаровонлиги миллий хусусият ва асосларга ҳам боғлиқдир. Бу тўғрида Президент И.Каримов таъкидлаганидек: "Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин маҳалла — юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир".

Оиланинг фаровонлиги энг аввало оиланинг, унинг ҳар бир аъзосининг ўзига боғлиқ бўлган узлуксиз жараёндир. Айниқса, мустақил диёримизда бозор иқтисодиётига ўтилаётган ва у тобора қарор топаётган ҳозирги даврда оилавий тежамкорлик тўғрисида фикр-мулоҳаза юритиш айни муддаодир. Чунки, бугунги кунда — иқтисодиётдаги бу янги тизим туфайли ҳар бир оиланинг фаровонлиги, ундаги турмушнинг яхшиланиши — тежамкорлик орқали эришилишига кўпроқ иқрор бўлмоқдамиз.

Ҳаётимиздаги баъзи қийинчиликлар ёшу қарини ҳар бир оилада тежамкор бўлишга даъват этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодий масалаларни ўрганишда, барчамиз ота-боболаримизнинг ҳаётий тажрибаларига асосланиб иш юргизсак, фойдадан холи бўлмайди: «Иқтисод, — деб ёзганди Абдулла Авлоний, — пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоқда айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин ҳам сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас. Саховатнинг зидли бахиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исрофдур. Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни суймас. Иқтисодга риоя қилган кишилар ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшарлар, арилар қиш кунида емак учун бол йиғганидек, бошларига келадурган қора кунларни ўйлаб, оқ пул йиғурлар. Тома-тома кўл бўлур, демишлар. Ҳар нарса оздан кўпаюр».

Ушбу фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ҳар бир оилада ҳалол меҳнат эвазига бунёд этилган барча нарсаларга тежамкорлик ва жонкуярлик орқали оила фаровонлигига эришиш мумкиндир. Бунинг учун эса ота-оналар уй-рўзғорни тежамли юритишга эришмоқлари, шунингдек, ҳамма оила аъзоларида, айниқса, фарзандларга иқтисод ва тежамкорликдан етарли ва керакли даражада мунтазам сабоқ бериб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Агарда тежамкорликнинг зарурлиги ва керaклигини ёши катталар ёшларга ўргатиб борсалар, уларда аста-секинлик билан бўлсада оиладаги озиқ-овқатларга, кийим-кечакларга, уй жиҳозларига ва умуман рўзғордаги ҳар бир нарсага нисбатан ҳурмат ва эъзоз шаклланаборади.

Одатда тежамкорлик хусусиятлари шаклланган оилаларда турмуш фаровонлигига эришилади, бу эса ўз навбатида жамиятимиз аъзоларида ҳақиқий инсоний фазилатларни вужудга келтиради. Шунинг учун халқимиз "Тежоғлик уй – бежоғлик уй" деган гапни бежиз ишлатмайди.

Барчамизнинг оилавий тажрибаларимиздан аёнки, оиладаги тежамкорлик ва саранжом-саришталик ҳамда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳар бир оилага ризқу барака келтиради. Дастлаб, ёш болаларга ҳам оз-оздан пул бериб, бозорга чиқиб у ёки бу нарсани оила учун харид қилишга ўргатиб бориш фойдадан холи бўлмайди. Ёш бўғинда пулнинг қадрини, уни топишнинг машаққатли томонларини ва, энг асосийси, оилавий пулдан моҳирлик ва тежамкорлик билан фойдаланишга кўникмалар ҳосил қилиб борилсагина, келажакда бундай фарзандлардан яхши хусусиятларга эга бўлган оила соҳиблари ва соҳибалари чиқиши муқаррардир.

Ҳаётий кузатишлардан шу нарса равшанки, сиз билан биз яшаётган оламда уч нарса алоҳида эътиборга моликдир, яъни озиқ-овқатлар, уй-жойлар ва энг асосийси, ширин сўз. Тежамкорлик ва ҳалол меҳнат эвазига яшашни қуруқ панду насиҳатлар билан эмас, яхши амал ва ширин сўз ила фарзандлар қалбига жо айламоқ зарур. Кесатиқ, дўқ-пўписа билан ёшларда яхши фазилатлар тарбиялаб бўлмайди, ўрнак ва ширин сўзгина инсон қалбига малҳам бўлиб киради.

Оилада тежамкорлик шу қадар улуғ неъматки, бунга халқимизнинг "эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин" деган мақоли уй бекаларининг оиладаги ўрнини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, бугунги озод ва обод юртимиздаги ҳар бир оиланинг фаровонлигида тежакорликнинг ўрни алоҳида эътиборга лойиқдир.

М.ТУРСУНОВ,
фалсафа фанлари номзоди



Зулайхо АСРОРОВА

ЭҲТИЁЖ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларнинг негизида инсоннинг оқилона эҳтиёжларини қондириш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш ва такомиллаштириш вазифаси туради.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан мустақилликнинг илк йилларида баён этилган фикрлар бу соҳадаги ишимизнинг моҳияти ва мазмунини, стратегик йўналишини белгилаб берганлигини таъкидлаш жоиздир: "Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гунох бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ".

Демак, иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлиши зарурлиги тўғрисидаги ғоя миллий тараққиётимизнинг асосий негизларидан ҳисобланади.

Маълумки, шахсий эҳтиёж деганда одатда ҳар бир одамга хос эҳтиёжлар мажмуи назарда тутилади. Шахсий эҳтиёжлар кенг маънода таркибан моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларнинг узвий бирлигидан иборат бўлади.

Шахснинг моддий эҳтиёжлари нафақат жамият томонидан яратилган нарсалар олами билан, балки бу эҳтиёжларни қондиришнинг меъёрлари орқали ҳам бошқариб турилади.

Бошқача айтганда, шахснинг моддий эҳтиёжлари ўз фаолиятида у муносабат ва алоқага киришган предметлар асосида шаклланади, амал қилади ва қондирилади.

Бу ерда бизни қизиқтираётган нарса иқтисодий омил билан шахснинг маънавий эҳтиёжлари ўртасидаги ўзаро уйғунлик масаласидир. Моддий эҳтиёжларни тўлароқ ва ҳар томонлама қондириш маънавий омилга ҳам боғлиқми, йўқми? Аниқроқ айтганда, иқтисодий тангликдан чиқиб олиш, жамиятни ривожланиш йўлига бориб олиш, илмий-техника тараққиёти маънавий омилга ҳам боғлиқми, йўқми? Албатта, бу саволга ижобий баҳо бериш мумкин. Лекин бу фикрни тасдиқлаш билан уни амалга ошириш ўртасида катта тафовут мавжуд.

Сўзда маънавий эҳтиёжларнинг аҳамиятини тан олиб, амалда уни менсимаслик ёки инкор этиш ҳолларига тез дуч келиш мумкин. Бундай одамларнинг кўз олдига катта-катта режалар, хом ашё заҳиралари, техник-асбоб ускуналари, транспорт воситалари ва бошқа кўплаб ҳодисалар келади-ю, аммо уларни яратувчи, уларни ишга солувчи одамлар эътибордан соқит қилинади ёки, ҳеч бўлмаганда, улар ишлаб чиқариш кучлари сифатида намоён бўлади-ю, аммо уларнинг ички ва ташқи олами, билими, савияси, маданияти, онг, тушунчаси, дид-фаросатининг аҳамияти эътироф этилмайди.

Ҳар қандай ривожланган техника, асбоб-ускуна, моддий ашёлар, бойликлар, кўрсаткичлар ортида инсон турганини, инсон иқтисодий ривожланиш учун ҳам бош омил ва асосий куч эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Инсонларни шунчаки тасаввур қилиш билан чегараланмасдан, балки ишлаб чиқаришни ишга солувчи муайян даврнинг аниқ, ўзига хос дунёқарашга, ҳаётий тушунчага, маънавий ички оламга эга бўлган яхлит одамлар сифатида идрок этиш зарур. Иқтисодий омил маънавий омилсиз мавжуд бўлолмайди, билъакс маънавий омил иқтисодий омилни ҳаракатга солувчи бир куч сифатида амал қилиши ҳақида Президентимиз асарларида илмий жиҳатдан асослаб берилган фикрларни унутмаслик керак.

Моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши ва қондирилиш жараёни, албатта, моддий ва маънавий фаолият жараёнидан бирмунча фарқ қилади.

Гап шундаки, қайси фаолият тури билан шуғулланишдан қатъи назар ҳар бир одамда моддий эҳтиёжлар билан бирга маънавий эҳтиёжлар ҳам мавжуд. Маънавий эҳтиёжлар инсонни чинакам инсонийликка, етукликка, бағрикенгликка, олижаноблликка етаклайди.

Маънавий эҳтиёжларни шакллантириб, уларни қондиришга интилиб яшаган одамнинг ҳаёти мазмунли, қизиқарли, эҳтиросли ўтади. Маънавий эҳтиёжларга бефарқ қараган, фақат моддий эҳтиёжларни қондириш билан чекланиб яшаган ҳаёт нурсиз, мазмунсиз, ғарибдир.

Маънавий эҳтиёжларнинг муҳим кўринишларидан бири бахтли ҳаёт орзусидир.

Бахтга интилмайдиган, бахтли яшашдан юз ўгирадиган одамни топиш қийин. Лекин бахтли яшашни ҳар ким ҳар хил тушунади. Юксак ахлоқий фазилатларсиз бахтли бўлиш мумкин, деб фикрлайдиган одамлар, хусусан, ёшлар орасида оз бўлса-да, учраб туради. Бундай ёшлар бахтли бўлиш — бу тўкин-сочин, мўл-кўлчиликда яшаш, деб тушунишади. Тўғри, бахтли яшаш яхши еб-ичиш, яхши кийиниб, иқтисодий мўл-кўлчилик билан яшашни ҳам ўз ичига олади, аммо фақат шундан иборатгина эмас. Бахтли инсон кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган инсондир. Тўкин-сочин яшаса-да, аммо одамлар уни ҳурмат қилишмаса, ундан жирканишса, уни кўрганда тескари қараб ўтишса, бундай одамни бахтиёр деб бўладими?

Ахлоқий эҳтиёжнинг туғилиши, шаклланиши ва рўёбга чиқишида ахлоқий ва эстетик туйғуларнинг аҳамияти каттадир. Бу, биринчидан, гўзаллик билан фойдалиликнинг қўш эгизаклиги, иккинчидан, ҳалоллик, софлик, виждонийлик, меҳнатсеварлик, номуслилик ва бошқа шулар сингари ахлоқий меъёрлар ҳаяжонсиз, завқсиз, ҳиссиётсиз тўла-тўкис намоён бўлолмайди.

Эҳтиёжларнинг энг таъсирчани, энг самарадори эстетик туйғу сифатида намоён бўлади. Бунга сабаб турли-туман таъсир қилувчи воқеалар, нарсалар, ҳодисалар орасида эстетик омиллар ҳаммадан кучли таъсир қилиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам эстетик туйғулар эҳтиёжларини тез ва кучли таркиб топтиради.

Эстетик туйғу ривож топмаган одамларда эҳтиёжлар мазмунсиз, ноизчил бўлади, хусусан, улар ўз эҳтиёжларини қондириш учун фаоллик кўрсата олмайди.

Демак, инсон ҳаёти моддий ва маънавий омилларнинг узвий алоқадорлиги, ўзаро таъсир этиб туриши натижасида реаллик касб этади.

Маънавий эҳтиёжлар инсонийликнинг моҳияти, унинг шахс сифатида фаолият кўрсатиши билан узвий боғлиқ. Чинакам инсонийлик маънавий эҳтиёжларсиз намоён бўла олмайди. Инсонийликни тушуниш ва унга интилишга қараб, маънавий эҳтиёжлар турли даражада шаклланади. Айтиш керакки, маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши ва қондирилиши моддий эҳтиёжларнинг шаклланишига нисбатан анча қийин ва мураккаб кечади.

"Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмасалар керак, — деб кўрсатади Президентимиз, — маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди."

Маънавий эҳтиёжларнинг ўзига хос томонларидан бири уларнинг моддий эҳтиёжларга нисбатан инсонларда турли даражада намоён бўлишидир.

Гўзалликка интилиш, ҳаёт ҳақида чуқур фикр юритиш, дўстлар даврасига интилиш, ҳаяжонланиш, хурсандчиликни изҳор этиш, шунингдек, омадсизликлардан зорланиш, китоб мутолаа қилиш, бадиий ижод билан шуғулланиш — бундай кечинмалар ҳаммада бир хил тарзда намоён бўлмаслиги аниқ. Бу ерда ҳар бир алоҳида инсонга хос такрорланмас кайфият, у ёки бу маънавий эҳтиёжни нечоғлик даражада идрок этиши, унга нисбатан шахсий интилиши ўзгача намоён бўлади.

Маънавий эҳтиёжлар (эстетик, ахлоқий, ақлий, илмий, сиёсий, диний)нинг айримлари инсон сезгиларини, туйғулари асосида шаклланса, бошқалари тафаккур жараёнида қондирилади. Эстетик ва диний эҳтиёжлар ҳиссиёт билан, сиёсий, илмий, ақлий эҳтиёжлар эса кўпроқ тафаккур билан, ахлоқий эҳтиёжлар эса айни вақтда ҳам ҳиссиёт, ҳам ақлий жараёнда узвий бирликда юз кўрсатади.

Агар маънавий эҳтиёжларни ижтимоий нуқтаи-назардан таснифласак, улар мафкура ва маданият шаклида кўзга ташланади.



«ЎЗБЕКИСТОН – МАФТУНКОР ДИЁР»

Республика Давлат Санъат музейида Эрон Ислом Жумҳуриятида яшаб ижод этаётган мусаввира Париюш Ганжи билан бўлган учрашувда рассомлар, санъатшунослар, эроншунос олимлар, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва республика Тадбиркор аёллари уюшмаси фаоллари иштирок этдилар.

Худди шу кунлари музей залларида ўн нафар эронлик мусаввирнинг 70 дан зиёд асарлари кўргазмаси бўлаётганди. Бу кўргазма Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги маданий алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганлиги исботидир.

Ўзбекистонлик кенг жамоатчилик вакиллари Париюш хоним билан қизиқарли ва самимий суҳбат қурдилар. Учрашув қатнашчилари санъат тили таржимасиз ҳам тушунарли эканлигини, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликлар янада кенгаяётганлигини таъкидладилар.

Париюш Ганжи Лондоннинг санъат коллежида (1973) манзара ва дизайнерлик мутахассислиги бўйича таълим олган, сўнг магистрлик унвонига Сорбоннда эришган. Унинг шахсий кўргазмалари Япония, Буюк Британия, Германия, Саудия Арабистонида бўлиб ўтган. Ҳозир у Теҳрон университетининг расм ва дизайн бўлимида муаллимлик қилмоқда.

Париюш Ганжи она-юртимиз ҳақида тўлқинланиб қуйидаги сўзларини айтди: "Мен кўпгина рассомлар сингари гапга чечан эмасман, фақат кўнглимдаги ўйларни бўёқларда ифодалай оламан. Мен дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман, лекин ўзбекистонликлардай самимий, қалби тоза одамларни ҳеч ерда учратмаганман. Уларнинг кўнгилларида ҳеч қандай ғараз йўқ. Бу ерда кўрган энг муҳим нарсам – ҳамма нарсанинг табиийлигидир. Саноатлашган дунёни самимият тарк этади. Кўчакўйда бирон нимани сўрасангиз ҳамма ёрдам беришга интилади. Ҳали бизнинг асарларимиз кўргазмалари бутун Ўзбекистон бўйлаб давом этади, лекин мен дастлабки кўргазмам қисқа фурсат ичида суйиб қолганим – азим шаҳар Тошкентда бошланаётганидан ниҳоятда хурсандман. Келажакда ўзбекистонлик рассомларнинг Эронда яна кўргазмалари бўлади деб умид қиламан. Мен ўз юртимга борганимда барча-барчага Ўзбекистон – мафтункор диёр, деб баралла айтаман".

Париюш Ганжи асарлари ғайри табиий, одатдан ташқари усулда, ўзининг айтишича, "абстракт-импрессионизм" манерасида ишланган.


– Менинг реалистик асарларим ҳам бор, – дейди мусаввира, - аммо мана бу асарларимни ижод қилишда мен Умар Ҳайёмнинг ўлмас байтларида ифодаланган инсоннинг бу дунёга нима учун келиши, унинг мақсад ва бурчлари ҳақидаги ғояларидан илҳом оламан.

– Рассом асарларида безовта ҳаёт нафаси, замон долғалари ва тўфонларнинг турли ранглари ва оҳанглари ифодаланган,– дейди шоир Раим Фарҳодий рассом ижоди ҳақида сўзлар экан. – Азиз умрнинг қадри, ҳаётнинг омонат шами ана шу бўрон ва тўфонларда ҳам ўчмасин!

Ҳа, ўлмас санъат асарлари, юракни аллаловчи сеҳрли мусиқа, жозибали қўшиқ дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.

М.ДАВЛАТОВА

ЖАНГЛАРДА ЧИНИҚҚАН АЛЛОМА



Ўзбекистон Фанлар Академиясининг катта ва кичик йиғинларида электрон ҳисоблаш механизми ҳақида ёниб-куйиб гапирадиган алломага кўпдан бери кўзим тушарди. Унинг сўзларини диққат билан эшитардим. У ҳар гал гапирганда жамиятнинг тараққиёти шу даражага бориб етдики, энди ликда ҳисоблаш механизмининг сир-асрорини эгаллаб, ундан фойдаланмас эканмиз, йўлимиз боши берк кўчага бориб тақалаверади, деган маъно чиқар эди.

Алломанинг нутқларини эшитиб, "энди бу соҳанинг ҳам жонкуяри пайдо бўлибди-да", деган хулосага келардим ўзимча.

Бу жонкуяр академик Восил Қобилов эди. У ўрта бўйли, буғдойранг юзли, назари теран, қарашлари ўйчан. Муомалада ўта вазмин. Суҳбатлар сабабми, орамизда яқинлик пайдо бўлди. Баъзан умумҳаёт муаммолари, адабиёт ва санъат сирлари ёки у бошқараётган ҳисоблаш механизми хусусида фикрлашадиган бўлдик.

Илм-фаннинг тараққиётида бирор янги соҳа йўққи, у ўзидан ўзи, осонгина ҳаётга кириб келсин. Ва жамиятга хизмат қилсин. Бундай пайтларда янгиликнинг моҳиятини ҳис қилиб, ҳаётини унинг ривожига бағишлайдиган, жон-жаҳди билан шу ишнинг бошида турадиган матонатли шахслар керак бўлар экан. Восил Қобулов шу хилдаги шахслардан бўлиб кўринди менга.

Республикада ҳисоблаш механизми тарихига назар ташласангиз, Восил Қобулов ўша пайтларда Фанлар Академиясининг президенти, машҳур геолог олим Ҳабиб Абдуллаев билан бўлиб бўлиб ўтган бир суҳбатни эслайди.

– Икки нарса бизнинг ихтиёримизда эмас. Улардан бири олтин, иккинчиси – ахборот.

– Мен бу гапларни тўғри тушунгандим, – деди Восил Қобулов, – Москва ихтиёрисиз олтиннинг бир грамми ҳам, ахборотнинг бирор зарраси ҳам четга чиқмаслиги керак эди.

– Мен ўша пайтларда Тошкент, Бишкек, Мари шаҳарларида Метеорология станцияларида хизмат қилганман, – дейди у. – Бирор парча булутнинг қаердан чиқиб, қайси томонга бориши, унинг тезлиги ёхуд шамолнинг қай даражада эсиши ва қаерга борганда қандай кучга эга бўлиши – булар ҳаммаси ҳисоб билан боғлиқ.

Демак, аллома ёшлик пайтларидаёқ ўзини ҳисоб муаммоларига бағишлайди.

Бирор жойда ёзилмаган, бироқ одамлар қисматини, касб йўналишини белгилаб берадиган қандайдир қонуниятлар бордек кўринади ҳаётда.

Восил Қобулов 1942 йилда кўнгилли сифатида жанг майдонига отланади. Ўзим биринчи гал жанг майдонига тушганларни кўпини кузатганман. Янги жангчиларни фронт майдонига олиб чиққанларида қўлига милтиқ ёки автомат тутқазиб, баъзан умуман қурол ҳам бермасдан жанг майдонига томон сурардилар. Восил Қобулов ҳам шундай оқимга тушиб қолиши мумкин эди. Бироқ унинг қисмати бошқача бўлди. Уни артиллериячилар сафига ўтказишди. Бу ерда ҳам хизмат ҳар хил. Тўрт-беш чақирим масофага фронт ортида туриб, 20-30 килограмм келадиган снарядни замбаракка жойлаб, тепкини босиш бошқа, у снарядниг қаерга бориб тушиши ва душманга қай даражада талофат келтиришини белгилаб бериш бошқа. Восил Қобуловнинг чекига артиллерия вазифасига тегишли кейинги бурч тушади. Бу артиллерия разведкаси демакдир.

Иккинчи жаҳон урушининг бошидан охиригача Восил Қобулов шу жанговар касб билан банд бўлди.

Қайси жангларда иштирок қилгани ҳақида қизиқиб қолсангиз, у мухтасар равишда жавоб қилади: "Сталинград яқинида Майнштейн армиясига зарба бериш; Харьков атрофидаги жанглар; Кримдаги фашист қўшинларини тормор қилиш; бундан кейин Болтиқбўйида ўрнашиб олган Курляндия гуруҳига қарши курашиш ва ниҳоят шарқий Пруссия жанглари – мана менинг жанговар йўлим", – деб қўя қолади.

Оғир урушнинг барча мушкулотлари Восил Қобуловнинг ҳам бошидан ўтган. Бир неча бор ярадор бўлиб, яна ўз дивизиясига қайтиб келиши, дивизиянинг бир неча бор жангларда толиқиб, янги кучлар билан қайта тўлдирилиши, айрим ҳолларда қуршовда қолиб оч ва афтода қолишлар, 30-40 градус совуқ ва изғиринларда юзлаб чақирим йўл босишлар, ҳоказо ва ҳоказолар...

– Эндиликда ўйлаб қарасам, бу машаққатларга фақат ёшликкина чидам бериши мумкин экан, – дейди Восил Қобулов. Ва қўшиб қўяди:

– Бирор жангдан омон чиқиб, яна элимга қайтиб келиш хаёлимга ҳам келмас эди. Жангга кирганда ҳар лаҳза, ҳар дақиқа ўлимни кутардик. Қанчадан қанча дўстлардан ажралдик. Ҳатто уларни дафн қилиб кетишнинг ҳам иложи бўлмасди.

– Иккинчи жаҳон уруши жангларидан кейинги менинг ҳаётим бир жангни тугатиб, иккинчи жангга киргандек гап. Кейингиси илм "жанги" – илм сирларини эгаллаш. Бу "жанг"да менга академик Муҳаммаджон Ўрозбоев "командирлик" – раҳнамолик қилди. "Бундан кейин тараққиёт электрон ҳисоблаш механизми билан боғлиқ. Сиз бу соҳани эгаллашингиз лозим", деган эди у.

Восил Қобулов бу соҳадаги ҳаёт йўлини шундай таърифлайди:

– Математика институти қошида лаборатория мудири, Политехника институтида кафедра мудири, Механика институтида катта бўлим мудири ва Кибернетика институти директори, ундан кейин 2-3 минг штатга эга бўлган бирлашма – буларнинг ҳаммасини янгидан ташкил қилиш, уларнинг моддий ва техник асосларини яратиб, ишга солиш. Булар ҳаммаси зиммамга тушган.

Кибернетика – ҳисоблаш механизми сирларини ўзлаштириш, бу соҳага тегишли кадрлар тайёрлаш республикамиз учун том маънода янгилик эди. Восил Қобулов ҳаётини ва бор

иш фаолиятини мана шу янгиликни ўзбек илмига киритишга бағишлади.

У катта олим сифатида республика халқ хўжалиги, илм-фани учун янгилик ҳисобланган кибернетикани босқичма-босқич тараққиёт йўлига солди. Бироқ олимнинг фаолияти ҳақида турли-туман гап-сўзлар тарқала бошлади. Ниҳоят бу гап-сўзлар ривожланиб, тергов ишлари бошланиб кетди. Бирлашма устидан комиссиялар ажралмай қолди. Текширишга ҳуқуқи бор бирор ташкилот қолмадики, бошқармага комиссия юбормаган бўлсин. Собиқ ҳоким – партиянинг район, шаҳар, марказий комитетлари, халқ контроли, ҳар хил тафтиш ташкилотлари бу ишда бош-қош эди.

Бу хилдаги тергов ва тафтишлар қисман менинг бошимдан ҳам ўтган бўлгани учун Восил Қобуловга ҳамдард бўлдим. Баъзан тергов ва тафтишларнинг боришини назарда тутиб, ҳол-аҳвол сўраб қолсам:

– Баъзан ўзимча жумбоқ учини топгандек, бу хатти-ҳаракатларнинг сирини англагандек бўламан. Бу ишга биринчи қадам қўйганимда Ҳабиб Абдуллаевнинг тилло билан ахборот Москва ихтиёрида бўлиши керак деган сўзлари эсимга тушади-да, бу воқеаларнинг сири шунда эмасмикан, деган фикрга келаман. Ахир кибернетика – ҳисоблаш механизми фақат ишлаб чиқаришни автоматлаштириш воситаси эмас, балки ахборот воситаси ҳам-ку. Ахборот воситаси сифатида илмдаги бу янгиликнинг алоҳида бир республикада тараққий этиши хатарли ҳисобланар балки.

Учрашувларнинг бирида Восил Қобуловни мен бутунлай бошқа кайфиятда кўрдим. У сезилар-сезилмас жилмайди ва чўнтагини ковлаб, папиросни лабига қистирди-да, ёндириб, бир-икки тортди. Ўта хотиржамлик билан гап бошлади.

– Хабарингиз бўлса керак, республикага раҳбар бўлиб сайланган Ислом Каримов академияга махсус ташриф буюриб, Кибернетика бирлашмаси устида 3 йил давом қилган "текшир-текширув"лар бекорчи гап эканлигини эълон қилди. Республика кибернетикларига муваффақиятлар тилади. Бу кунни мен иккинчи жаҳон урушидан омон-эсон чиққан куним билан баробар деб ҳисоблайман ўзимча. Бу Ислом Каримовнинг кибернетикага иккинчи марта назар ташлаши эди. Биринчи гал у Госпланда ишлаётган пайтда зарур маблағ ажратиб, кибернетиканинг оёққа туришига сабабчи бўлган эди. Энди эса иккинчи марта назар ташлаб, ҳасадгўйларнинг бадниятларидан сақлаб қолди.

Эндиликда Восил Қобулов бирлашмани ўз шогирдларига топширган. Улар устоз бошлаган ишни давом эттиришяпти. Бу хусусда гап борадиган бўлса, Восил Қобулов мамнуният билан ўз ишларининг натижасини шундай таърифлайди:

– Яхшиям шу ишни бошлаган эканмиз, қарийб қирқ йил давомида ҳисоблаш механизмининг сирларини англайдиган минглаб кадрлар етишиб чиқди. Юзлаб фан номзодлари, ўнлаб фан докторлари, академиклар бу сафни тўлдирди. Бу кадрлар мустақилликка эришганимиздан кейин республикамиз учун қўл келди. Бугун ҳисоблаш механизми талаб қилинадиган ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида кибернетика бирлашмаси тайёрлаган ёки тайёрлашга бош қўшган кадрлар ишбоши бўлиб турибди.

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси

КАТТА ЙЎЛ БОШИДА

Аввал хабар қилганимиздек, Тошкент Давлат консерваториясида Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочиларининг анъанавий V кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Сўнгги йилларда маънавият ва маърифат, миллий қадриятларга катта эътибор берилмоқда. Асосийси ёшлар орасида уларга бўлган қизиқиш, эътибор ортиб бормоқда. Шу маънода республикамиз миқёсида амалга оширилаётган турли тадбирлар, хусусан, санъат соҳасидаги танловлар бунга мисол бўла олади. Жумладан, "Асрлар навоси" ҳамда Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов хотираларига бағишланган танловларда ўнлаб ёшлар фаол иштирок этиб, ўзларининг истеъдод, лаёқатларини илк бора намоён қилиб, катта саҳна сари қадам қўймоқдалар. Танловларнинг афзаллик томони шундаки, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш, маънавий дунёқарашларини шакллантириш, устоз санъаткорларнинг ижодий анъаналарини давом эттириш уларнинг асл моҳиятини ташкил этади.

Бу йилги мақом ижрочиларининг навбатдаги танловида вилоятларимиздан келган кўплаб созанда, хонанда ва мақомчилар дасталари ўзгача руҳда иштирок этдилар. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги нуфузли ҳайъат аъзолари Бухоро, Самарқанд, Андижон вилоятларидан келган вакиллар катта тайёргарлик кўрганликларини эътироф этишди. Танлов шартлари бирмунча мураккаб бўлишига қарамасдан ҳар бир иштирокчи ўз маҳорати ва истеъдодини очиб беришга ҳаракат қилдилар. Ҳайъат аъзолари дастур талабларини янада мукаммалроқ қилиш мумкинлигини ва бу ҳаракат ижрочилик савиясини ҳар томонлама ривожланишига олиб келишлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бунинг учун ҳар бир мутахассис ўз соҳаси бўйича дастурларни чолғу сози имкониятларини янада кенгроқ кўрсатиб беришга тўғри келади.

Шундай қилиб: I даражали диплом Бухоро санъат билим юрти ўқитувчиси Малоҳат Раҳматовага (ашула), ТДК толиби Комил Мўминовга (қўшнай), ТДК талабаси З.Юсуповага (чанг) ҳамда ТДК созандалар дастаси ва Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти созандалар дасталарига насиб этди.

II даражали диплом билан С.Усмонов (чанг), С.Рашидов (ғижжак), Т.Мўминова (дутор), Ш.Матёқубов (қўшнай, сурнай), Х.Орипов (най), У.Расулов (танбур, сато), Т.Мамазоитова (ашула) ҳамда Бухоро ва Фарғона санъат билим юртлари созандалар дасталари тақдирланди.


III даражали дипломга А.Собиров (танбур), З.Акбарова (ашула), Андижон "Мерос" ансамбли, А.Насуллаев (ашула), А.Тошпўлатов (қўшнай), А.Жалилов (ашула), Р.Тоғайқулов (доира), Д.Жўраев (ғижжак) сазовор бўлдилар. Шунингдек С.Юсупов, О. Матжонов, Ш.Холхўжаевлар "Умид" совринни ва дипломи билан тақдирландилар.

Танловнинг энг катта ютуғи нимада деб берилган саволга ҳайъат аъзоси Руфатилла Қосимов шундай деб жавоб берди:

— Мумтоз мусиқий меросимиз ижрочиларининг ёши борган сари навқиронлашиб бораётганлигидадир.

Мен ғолибларни муборакбод этиб, катта йўл бошида турган умидли санъаткорлардан дилбар қўшиқлар, шўх мусиқалар кутиб қоламан.

И.ТОШПЎЛАТОВА



Тошпўлат ТУРСУНОВ,
санъатшунослик доктори

Муқимий номидаги театр 60 ёшда

ТЕАТР ТАРИХИГА ЙЎЛГА ЧИҚҚАНДА

(Тараққиёт тамойиллари)

Муқимий номидаги мусиқали театрнинг қарор топиши ўзбек саҳна тараққиёти жараёнида тарихий заруратдек юзага келди. Маълумки, мусиқали драма ўзбек томошабинининг севимли театр жанри сифатида туғилди. Мазкур жанрда илк бор яратилган Ғулом Зафарийнинг "Ҳалима" асари томошабинга чипта (билет) топиб бўлмаслик "аншланг" тушунчасини мусиқали драма жанрларига одат, анъана сифатида жорий қилиб берди. "Ҳалима" спектаклининг ўзи премьера кунидан бошлаб (1920 йил 14 сентябрь) унинг муаллифи ҳибсга олиниб, асари саҳнадан олиб ташлангунига қадар (1937 йил) 17 йил мобайнида саҳнадан тушмади.

"Ҳалима"дан ташқари "Лайли ва Мажнун","Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмалари, озарбойжончадан таржима қилинган "Аршин мол олон" комедияси сингари асарлар ҳам томошабинларнинг севимли спектакллари бўлиб, мустақил ўзбек мусиқали театрига бўлган эҳтиёж ортиб борди. Шу сабаб 1929 йили Ўзбекистоннинг бош театри, ҳозирги Ҳамза номидаги академик драма театридан мусиқали драма жанрига мансуб ижодий жамоа ажралиб чиқиб, мустақил "Ўзбек давлат мусиқали театри" қарор топди. Шу даврдан бошлиб мусиқали драма жанрининг ҳамма талаблари – оркестрнинг мукаммаллиги, хор, балетни мусиқали драманинг ажралмас қисми сифатида жорий қилиш, вокаль ва рақс машқлари ва жанрга хос бошқа аломатларни амалга оширишнинг имконияти туғилди. Театр шу йўл билан ривожлана бориб, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" мусиқали драмаларини мукаммал – хор, рақс, дуэтлар билан бойитилган шакллари, янги қолипда ёзилган "Ўртоқлар", "Гулсара" каби пьесалар ва улар заминида нодир мусиқали драма, комедия спектакллари ишланди. Айни замонда мазкур мусиқали драма ва комедиялар асосида ўзбек миллий операсини, ўзбек рақси заминида миллий балет санъатини яратиш юзасидан тажрибалар бошланиб, "Пахта" (1933), "Шоҳида" (1939) балетларини, классик Оврупо операси йўлида куч синаш тарзида "Бўрон" операсини (1939) саҳналаштириш билан якунланди ва "Ўзбек давлат мусиқали театри" 1939 йили "Ўзбек давлат опера ва балет театри" тариқасида қайта ташкил этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг мусиқали драма ва комедия жанрида махсус фаолият кўрсатувчи етакчи янги театр жамоасини ташкил этиш замон тақозоси бўлиб қолди. Мазкур иш икки босқичда амалга оширилди. 1939 йили Тошкент шаҳрида комедия театри ташкил этилиб, 1940 йили Ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри сифатида қайта тузилди. Театрга Муқимий номи берилди. Театрнинг бадиий раҳбари лавозимига бастакор ва созанда, мусиқали драма жанрида мусиқа сирлари ва унинг ўрнини усталик билан ҳис этувчи Тўхтасин Жалилов тайинланди. Бу даврга қадар Тўхтасин Жалилов Андижон мусиқали драма театридан (1929-34), "Ўзбекистон мусиқали театри"да (1934-36); "Ўзбек давлат филармонияси"нинг ашула ва рақс ансамблида созанда, бадиий раҳбар ва бастакор сифатида фаолият кўрсатиб, мусиқали театрда "Ўртоқлар" (1930), "Кимга?" (1932), "Ичкарида" (1933), "Гулсара" (1935) мусиқали драма ва комедияларини яратиб, мазкур жанр билан махсус шуғулланувчи республикадаги етакчи бастакор бўлиб қолган эди. Театр 1939 йили (30 ноябрь) Республика

комедия театри сифатида ташкил топиш даврида Миршоҳид Мироқилов жамоанинг бадиий раҳбари сифатида унга ижрочиларни жалб этар экан, биринчи навбатда республика вилоят театрларида фаолият кўрсатаётган таниқли кулгу усталарини таклиф этди. Буларнинг орасида Андижон театридан Сойиб Хўжаев, Самарқанд театридан Абдурауф Болтаев, Наманган театридан Собир Раҳмонийлар бор эди. Аёллардан "Ҳамза номидаги академик драма театри"дан Мария Кузнецова, "Ўзбек давлат мусиқали театри"дан Марям Ёқубова, "Ёш томошабинлар театри"дан Омина Фаёзова, санъатга энди қадам қўяётган Маҳмуджон Ғофуров, Анвар Юсупов, Мирвали Миртолипов сингариларни кўрсатиш мумкин.

1939 йилнинг 30 ноябрида "Майсаранинг иши" спектакли билан очилган театр "Қизғанчиқ ит", "Ошиқлар", "Қозихона" асарларини саҳналаштириб, томошабинга тақдим этди. Театр мусиқали драма ва комедия жанрига кўчирилгач, унга Опера ва балет театрига айлантирилган собиқ мусиқали театрдан Лутфихоним Саримсоқова, Шаҳодат Раҳимова, Андижон театридан Машрабжон Юнусов, Наманган театридан Турсунхон Жаъфарова, Абдуғофир Абдураҳмонов сингари республикада кўзга кўринган овозли ижрочи артистлар билан бирга Жамол қори Ғиёсов, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ҳожиакбар Аҳмедов каби ҳофизлар ҳам таклиф этилди. Театр оркестрини ташкил этиш жараёни бошланиб, унга тажрибали созандалар, халқ мусиқа мероси билимдонларини жалб этишга, янги "Мусиқали драма ва комедия театри"нинг биринчи спектакли "Тоҳир ва Зуҳра"ни яратишга киришилди.

Собир Абдулла ва Тўхтасин Жалиловлар ҳамкорлигида яратилган бу асар мусиқали драма юзасидан шу чоққача ўзбек театри эришган ютуқ ва анъаналарнинг давоми бўлиб, халқ достони руҳида битилган ишқий романтик фожиа сифатида 1941 йили дунёга келди. Асар таъсир кучини белгиловчи омиллар – ария, дуэт, хор, рақсларга басталанган мусиқа, уларнинг драматик воқеа руҳига уйғунлиги, таъсир кучининг ўткирлиги билан томошабин эътиборини тортди. Муқимий номидаги театрдан ташқари қайси бир мусиқали театрнинг томошабинлари бўлмасин, ўз театрлари саҳнасида "Тоҳир ва Зуҳра"ни кўришни орзу қиладиган бўлиб қолдилар. "Тоҳир ва Зуҳра" Муқимий номидаги театрнинг ҳам илк, ҳам бир умрга шуҳратли спектакларидан бирига айланди. Спектаклда бирин-кетин Зуҳра ролида Шаҳодат Раҳимова, Турсуной Жаъфарова, Эътибор Жалилова, Тоҳир ролида Жамолқори Ғиёсов, Маъмуржон Узоқов, Машрабжон Юнусов, Маҳмуджон Ғофуровлар ўз имконлари даражасида кетма-кет иш кўрдилар.



Зуҳра роли ижрочилари Шаҳодат Раҳимованинг эртакнамо чиройи, Турсунхон Жаъфарованинг ўтли ва сирли сийрати, Эътибор Жалилованинг жозибали хониши театрнинг бахти ва шуҳратининг гарови бўлди. Машрабжон Юнусов билан Маҳмуджон Ғофуровнинг ҳар иккаласи Тоҳир қиёфасини романтик қаҳрамонга хос сифатлар билан таърифладилар. Хусусан, Маҳмуджон Ғофуров томошабин тилида достон, дилида меҳр тўла севимли артистига айланди. Зотан артистнинг келишган қомати, кўтаринки руҳга тўла иқтидори, ўзига хос ижро маҳорати, равон нутқи, ҳар бир сўзни томошабинга етказиш лаёқати, ҳаётда одамлар орасида, жамиятда ўзини сипо ва ғурурли тута билиши театрнинг обрў-эътиборини баланд кўтарди. Маҳмуджон Ғофуров ўз санъатини бир умрга ўзи ишлаётган саҳнага, катта санъатга бағишлади. Бошқа бирон ерда, ҳатто тўй-гаштакларда куйламади. Бу унинг ҳаёт йўли бўлиб қолди.

"Тоҳир ва Зуҳра" спектаклидан кейин, 1942 йили мусиқали драма жанрида катта воқеа, театр репертуарида ижрочилик мактаби, томошабиннинг севимли ва кўримли спектакли бўлиб Т.Жалилов ва К.Яшиннинг "Нурхон" асари вужудга келди. Ушбу тарихий санадан то шу кунгача бу асар саҳнадан тушмади, ижрочиларнинг барча авлодларига имкон ва етукликка синов мактаби бўлди.

Мусиқали драма жанри кўтаринки, романтик, эртакнамо мавзуни кўпроқ хуш кўради. Шунга амал қилиб яратилган асарлар одатда ҳам умрбоқий, ҳам томошабин эътиборини тортадиган бўлди. Театр бу ҳақиқатга амал қилган ҳолда мазкур мавзу йўналишини қунт ва меҳр билан давом эттиришга ҳаракат қилди. Ана шу ҳаракатнинг натижаси ўлароқ, 1949 йили Т.Жалилов, С.Абдулланинг "Алпомиш" мусиқали драмаси саҳналаштирилди. Алпомиш ролини Маҳмуджон Ғофуров, Ойбарчинни Фароғат Раҳматова ижро этдилар.

Фароғат Раҳматова Муқимий номидаги театрда 1942 йилдан эътиборан фаолият кўрсатиб, бош ролларни ижро этувчи артистлар қаторидан ўрин олди. Унинг бу жамоа саҳнасидаги илк роли Гулойим ("Муқанна", 1943) бўлиб, бир вақтда Зуҳра, Нурхон рольларида ҳам чиқа бошлади. Театрнинг бош қаҳрамонлар ролини ижро этувчи актрисаси яна битта истеъдод ҳисобига кўпайди.

1949 йили театр Уйғун билан М.Левиевнинг замонавий мавзудаги "Олтин кўл" мусиқали драмасини саҳналаштирди. Бу асар М.Левиевнинг мусиқали драма жанрида яратган биринчи асари эди. Пьеса театр репертуарида узоқ умр кўрди ва қайта-қайта постановка қилинди (1949-1952, 1958). Бу спектакль Р.Ҳамроевнинг режиссурадаги самарали ишларидан биридир. Спектаклнинг асосий фазилати театрнинг етакчи артистлари (Шоҳиста – Э. Жалилова, Турсунали – М.Ғофуров, Жамол опа – Л.Саримсоқова, Сарви – Ф.Раҳматова, Қобил – А.Болтаев, Ғани – Т.Хўжаев, Қамбар – Т.Валиев) талқин санъатининг етук гулдастасини яратиб, театр ижодий жамоасининг нималарга қодир эканлигини намойиш этганлигида эди.

Мусиқали драма театри спектакларининг асосий фазилати жанрнинг ҳамма шартлари асосида мусиқасининг мукаммаллиги — умумий руҳи-

нинг мелодик оҳангларга бойлиги, хор, рақс, дуэт, айниқса, арияларни тўла-тўкислиги-ю, тингловчи қалбини тўлқинлантира оладиган, уни қайта-қайта тинглашга эҳтиёж туғдира оладиган бўлишида. Ниҳоят, мусиқали драма театрининг спектакли томошавий ва томошабин учун алоҳида руҳият ҳамда ҳиссиёт байрами бўлиши лозим. Ана шу алоҳидалик мусиқали драма театрига хос аломат. Ушбу алоҳидалик асосларини муаллифлар, ижрочилар ва ниҳоят, томошабинлар халқнинг ижодий мероси — достонлар, мумтоз адабиёт ва мусиқа анъаналаридан кўпроқ топадилар. Муқимий номидаги театр бу ҳақиқатга оғишмай амал қилган ҳолда 1954 йили Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони асосида К.Яшин билан Ю.Ражабийнинг шу номдаги мусиқали драмасини саҳналаштирди. Мазкур асар Хуршид инсценировкаси асосида 20-йиллардан эътиборан Турон, Давлат мусиқали, ниҳоят Опера ва балет театрида турли таҳрир билан оғишмай кўрсатиб келинишига қарамай, Муқимий номидаги театр спектакли ҳам томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди; репертуарда узоқ сақланиб, қайта-қайта саҳналаштирилди. 1954 йил спектаклида Фарҳод ролини М.Ғофуров, Ширин ролини Ф.Раҳматова, Ёсуман ролини Л.Саримсоқова ижро этар экан, М.Ғофуров Фарҳод образини достон қаҳрамонларига хос виқорли, олийҳиммат, мард, баҳодир ва жонфидо ошиқ қиёфасида талқин этди. Ф.Раҳматова эса Ширинни париваш малика сифатида таърифлар экан, бахти хаёлдаги ёрни ҳаётда кўргани, фожиаси унинг васлига эришолмаганида эканлигини ёркин ва изчил очиб берди. Л.Саримсоқова талқинида хиёнат ва разолат тимсоли Ёсуманнинг минг бир қиёфаси ақл бовар қилмайдиган маҳорат билан инкишоф этилди.

Спектакль олтмишинчи йиллари қайта қўйилди. Асарни А.Раҳимов саҳналаштирди. Ширин ролини Н.Пўлатова, Фарҳод ролини олдинма-кейин Х.Тоиров ва Т.Бадинов ижро этди.

50-йиллари театр мумтоз спектакллар анъанасини "Мавлоно Муқимий" (С.Абдуллаев, Т.Жалилов, Г.Мушель, 1953), "Равшан ва Зулхумор" (К.Яшин, Т.Жалилов, Г.Мушель, 1957) спектакллари мисолида давом эттирди. Собир Бобоевнинг драматург З.Фатҳуллин билан яратган "Ватан ишқи" асарининг мусиқаси ва унинг спектакли жанр имкониятларини ривожлантиришда янги босқич вазифасини ўтади (1958).

Профессионализм ва ижро маданиятини юксалтиришда бу ўн йиллик ниҳоятда самарали бўлди. Хусусан, ижрода Л.Саримсоқованинг Кимё, А.Юсуповнинг Ҳожи, Ф.Раҳматованинг Ширин, Барчин, Э.Жалилованинг Нурхон, Зулхумор, Обидахон ва Сурмахон, М.Ғофуровнинг Алпомиш, Фарҳод, Равшан, Турсунхон Жаъфарованинг Нарзи, А.Абдурахмоновнинг Субҳонқул, Ҳайдар сингари ролларининг талқини бир ролни, чунончи, Нурхонни Э.Жалилова, Ф.Раҳматова, Ширинни — Ф.Раҳматова билан Э.Жалилова, Т.Жаъфарова, Ш.Раҳимова ижро этиши ва ижодкорлик имкониятлари хилма-хиллигининг намойиши театрда мавжуд ва ўсиб бораётган артистлар маҳоратидан далолат эди. Айни вақтда Р.Ҳамроев, З.Қобулов, Р.Шокиров, А.Болтаев, А.Юсупов каби драма ва ярим драма йўналишидаги ижрочи кучлар спектакллар бадиий моҳиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Масалан, "Мавлоно Муқимий" спектаклида Р.Ҳамроев ижро этган Муқимий образи ана шундай ижролардан биридир.

Юқорида тилга олинган спектакллар Муқимий номидаги театрни халққа мусиқали театр сифатида танитган, томошабинларнинг ҳурмат-эътиборида бўлган спектакллардир. Лекин театрнинг етук, муҳими, театр сифатидаги ижодий жараёнини, репертуарининг хилма-хиллигини таъминлаган спектакллар, хусусан таржима асарларнинг сони улардан кўпроқ бўлиб, бу ҳолатни ҳам эътиборда тутмоқ лозим.

Театрнинг фаолияти ва тарихи давомида замонавий мавзуни жанр ва томошабин талабларига мос — томошавий, айниқса, мусиқаси кенг омма дидига мос, жанрнинг ҳамма таламлари — бус-бутун мусиқа драматургиясидан ташқари ария, дуэт, хор, балет сингари таркибий қисмларни ўзида жам этган тарзда яратилган бўлиши доимо долзарб бўлиб қолди. Бу соҳада илк ва самарали ютуқ "Нурхон" эди. Бундан кейин шунга яқин натижага "Олтин кўл", "Ватан ишқи", "Тошболта ошиқ" спектакллари мисолида эришилди.

"Тошболта ошиқ"нинг ҳазил, комедия руҳига мос ёқимли ва енгил мусиқаси, асар бош қаҳрамони ва унинг ижрочиси, бадиҳада тенгги йўқ Сойиб Хўжаев диди ва ижросига мос қилиб ёзилган пьеса, бошқа ижрочиларнинг ҳам кулги талқинларига ташналиги, спектакль режиссураси, ҳаммаси бир бўлиб спектакль ютуғини таъминлади. Асар 20 йил давомида саҳнадан тушмади. Тошболта ролини С.Хўжаевдан кейин Ҳ.Шарипов, Рисолат пари ролини Т.Жаъфаровадан кейин М.Ихтиёровалар ижро этдилар.

1964 йилдан эътиборан театрда бош ролларни ёш ижрочиларга топшириш расм бўлди. Бу ишни Н.Пўлатова "Нурхон" спектаклида Нурхон ролининг ижроси билан бошлаб берди. Бақувват, ёқимли овозга эга ва махсус мактаб кўрган актриса ўз қаҳрамони қалбига тўғри йўл топа билди. Шундан сўнг у кетма-кет иккита бош қаҳрамон — Муҳаббат ("Қалам қошлигим"), Алиман ("Момо ер") ролларини ижро этиб етакчи ижрочилар сафига чиқиб олди. "Фарҳод ва Ширин" спектаклида Ширин образининг ижроси актриса вокаль имкониятини тўла очилиши билан диққатга сазовордир.

Театрнинг иқтидорли актёри ва режиссёри Бахтиёр Ихтиёров самарали изланишлар олиб борди. "Хотинимнинг эри" (Г.Хугаев, Х.Плиев), "Хонума-хоним" (А.Цагарели, Г.Канчелли) спектакллари мисолида асарларнинг пластик ечими, образларни ўткир характерлар ва типлар даражасига кўтариш юсасидан яхши натижаларга эришди.

80-йилларнинг аввалида, 70-йилларнинг ўрталарига қадар театрнинг умумий фаолияти — ижодий жараённи бошқариш, репертуарни бойитиш, режиссёр кадрлар доирасини кенгайтириш, жамоага кўплаб ёш ижодкорларни, янги муаллифларни жалб этиш юсасидан талайгина ишлар амалга оширилди.

Ҳозир театрнинг томоша зали гавжум. Репертуар умри қисқа, томошабин кирмайдиган спектакллардан холи бўлиб қолди. Мана бир неча йилдирки, Ў.Ҳошимов, М.Маҳмудовларнинг "Тўйлар муборак", Ў.Умарбеков, Ф.Олимовларнинг "Фотима ва Зуҳра", Т.Минуллин, Н.Халиловларнинг "Дилафрўзга тўрт ошиқ" спектакларидан томошабин узилмайди. Р.Азизхўжаев, Ҳ.Раҳимовларнинг "Куёвлар конкурси", Р.Маъдиев, Б.Умидхонларнинг "Оқибат", Р.Маъдиев, Ф.Олимовларнинг "Девона" пьесалари асосида яратилган спектакллар ҳам ўшалар қаторидан ўрин олди.

Мусиқали драма жанридаги спектакллар талқинларини амалга оширишда дирижёрлар, концертмейстер ва балетмейстерларнинг хизматлари беқиёс. Театрнинг тарихи давомида дирижёрлардан Х.Тўхтасинов, Ф.Шамсиддинов, Н.Гинзбург, Э.Тошматов, Қ.Усмонов, Н.Халилов, Ж.Ортиқов, концертмейстерлардан Ф.Файзий, М.Фурман, Б.Цепеман,балетмейстерлардан Ш.Ахмедов сингарилар театр ижодий маданиятини шаклланиши ва равнақи йўлига ўз истеъдодлари, тинимсиз меҳнатларини сафарбар этдилар.

Олтмиш йиллик ижодий ва ишлаб чиқариш тажрибасига, замона сабоқларига эга жамоа ҳур, озод, келажаги порлоқ мустақил Ўзбекистон саҳна санъатининг янги саҳифаларини муносиб истеъдодлар ва асарлар билан бойитиш йўлида жўшқин ижод қилмоқда.

ЕТТИ ИҚЛИМ ТАЪРИФИ

Шарқнинг ўрта асрларда ёзилган тарихий ва бадиий асарларида "етти иқлим" ибораси кўп учрайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон адабиёти дурдонаси ҳисобланган буюк "Бобурнома" асарида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: "Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлиптур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жанубий сарҳади (Бадахшон) тоғлар" ва яна "Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камрокдур. Бешинчи иқлимдиндур" деб ёзади муаллиф. Яна бир бобида "Ҳиндистон аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учинчи иқлимдиндур" деб ёзиб, Ҳиндистоннинг ҳудуди уч иқлимга ёйилгани айтилади. Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" ("Етти сайёра") достонида ҳам етти иқлим ибораси ишлатилиб, у ҳақда кўп гапирилади. Жумладан шу асарнинг бир жойида ўқиймиз. "Шунда ровий тубандаги афсонани баён қилди. Етти иқлимни сайр-саёҳат қилиб, айланиб чиқдим. Дунёнинг қайси бурчагида қандай ғаройиб нарсалар бўлса, уни ўз кўзим билан кўриш менга насиб бўлди."

Бундан ташқари Навоий шу асарида "Баҳромнинг ўз париваши ҳажрида девона бўлгани ҳамда ҳукамо (ҳаким ва табиблар) унинг ошуфталикдан аҳволи ҳақида узоқ ўйлаб маслаҳатлашиб, муолажа чорасини кўрганлари ва буларнинг кўпгина заҳматлари шарофатидан у оз-моз даво топиб ўзига келгани ва савдойилигини даф этиш учун етти иқлим шоҳисалотинларининг етти гўзал қаср бино қилганлари" ҳақида ва бу қасрларга етти иқлим йўлидан келтирилган мусофирларнинг, яъни "Аввалги иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг афсонаси", "Иккинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир ҳикояти", "Учинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг айтган афсонаси", "Тўртинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг сухангузорлиги", "Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг достонорлиги", "Олтинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг сўз санъати" ва "Еттинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофирнинг айтган афсонаси" каби бобларни ўқиймиз.

Энди табиий савол туғилади. Иқлим деб нима назарда тутилган? Кўпгина асарларда зикр қилинган етти иқлим қайси мамлакатларни ўз ичига олган?

Жуғрофия фанида "иқлим" сўзи ер сатҳининг қуёш нурларига нисбатан 23 ярим градусга қия туришини англатади. Ана шу қиялик оқибатида ер юзида жойларнинг табиати ҳам ҳар хил бўлади, шунга кўра юнон олимлари дунёни 7 қисмга бўлганлар. Умуман дунёни 7 та табиий қисмларга бўлиш Ўрта Осиё ва Эронда кенг тарқалган.

Дунёнинг 7 иқлими ғарбдан шарққа қараб, горизонтал равишда параллеллар бўйлаб чўзилган турли географик зоналардан иборатдир.

Тарихий-бадиий асарларда келтирилган "етти иқлим"га қуйидаги мамлакатлар киради:

– Биринчи иқлимдаги мамлакатлар – Судан, Яман, Уммон, Жанубий Ҳиндистон, Ҳинди-хитой (Хитойнинг энг жанубий);

– Иккинчи иқлимдаги мамлакатлар – Мағриб (Марокаш ва бошқалар), Ифриқиё (Тунис, Ливия), Миср ва Асвон, Ўрта Арабистон, Макрон, Синд, Ўрта Ҳиндистон, Жанубий Хитой;

– Учинчи иқлимдаги мамлакатлар – Африканинг энг шимоли, Искандария ва Нил, Фаластин, Ўрдун-Иордания, Шом-Сурия, Ироқ, Форс (Жанубий Эрон);

– Тўртинчи иқлимдаги мамлакатлар – Зуқоқ (Гибралтар), Андалусия (Жанубий Испания), Греция ва унинг ороллари, Рум (кичик Осиё), Озарбойжон (Табриз), Дайлам ва Татаристон (Каспий жанубий), Хуросон, Балх ва Тохаристон (Термиз атрофлари), Бадахшон, Кобул, Кашмир, Тибет, Ўрта Хитой;

– Бешинчи иқлимдаги мамлакатлар – Галисия (Шимолий Испания), Шимолий Рум, Армания, Дарбант, Ҳазар денгизи (Каспий), Хоразм, Бухоро, Сўғд (Самарқанд), Шош (Тошкент), Фарғона, Исфижоб (Чимкент-Сайрам), Кошғар;

– Олтинчи иқлимдаги мамлакатлар – Франгистон (Ўрта Европа), Хазарлар (Волга этаги), Туркlар мамлакати;

– Еттинчи иқлимдаги мамлакатлар – Варанг (Балтика), Сақолиба (славянлар), Руслар, Булғор ва Сувор (Ўрта Волга), Бажанак ва Ғузлар ери.

Юқоридаги маълумотдан кўринадики, Қўқон хонлиги бешинчи иқлимда жойлашган экан. Агар иқлим тушунчасини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига нисбат берсак, бу ҳудуд тўртинчи ва бешинчи иқлимга тўғри келади.

Нурали СИДДИҚОВ

Мавлоно Ориф Деггарони

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган зотлардан бири мавлоно Ориф Деггарони (XIV аср) ҳазратлари ҳисобланадилар. Али Сафийнинг "Рашаҳоту айнул ҳаёт" китобида ёзилишича, бу зоти шарифнинг туғилган ва марҳум бўлган жойлари Бухоро шаҳридан тўққиз фарсанг узоқликдаги Хазора (Навоий вилояти) қасабасидир.

Мавлоно Ориф Деггароний Сайид Мир Кулолнинг халифаларидан бири. Ҳазрати Мир Кулолнинг 114 та халифалари бор эди. Улардан тўрттаси – Мавлоно Ориф, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Ёдгор Валий Фонсуруний, Шайх Жамолиддин Деҳқонийлар энг етуклари ҳисобланган. Сайид Мир Кулолнинг ўзлари муридларига баҳо бериб, Мавлоно Ориф Деггароний, Баҳоуддин Нақшбандга тенг келадигани йўқ, бу иккаласи ҳамма муридлардан ўзиб кетди, деганлар.

Сайид Мир Кулол ўғиллари – Амир Бурҳон, Амир Ҳамза, Амир Шоҳ, Амир Умарларни мана шу тўрт халифалари тарбиясига берганлари ҳам уларнинг катта салоҳиятидан далолатдир. Амир Бурҳонни Ҳазрат Баҳоуддин, Амир Ҳамзани Мавлоно Ориф, Амир Шоҳни Шайх Ёдгор Валий Фонсуруний, Амир Умарни Шайх Жамолиддин Деҳқоний ҳазратлари тарбият қилганлар.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Баҳоуддин Сайид Мир Кулолдан ижозат олганларидан кейин, яна етти йил Мавлоно Ориф Деггароний хизматларида бўлганлар, ул зотдан сабоқ олганлар. Ҳазрат Баҳоуддин дейдиларки, етти йил орасида доимо Мавлоно ҳурматларини сақладим ва таҳорат олар чоғи ҳеч қачон дарё лабида ул зотдан баландга ўтмадим. Ҳазрат Баҳоуддиннинг қуйидаги фикрлари ҳам Мавлоно Орифнинг тариқат аҳли орасида даражалари нечоғлик баланд бўлганини кўрсатади: "Икки бор ҳаж сафарига бордик, кўп мамлакатларда бўлдик, бисёр азизлар (яъни авлиёлар) суҳбатига етдик, лекин агар Мавлоно Орифдек кишини топганимизда эди, ҳаргиз бу ерларга қайтиб келмас эдик!" (Ҳазрат Баҳоуддин).

Мавлоно Ашраф Бухорий, Амир Ихтиёриддин Деггаронийлар ҳам Мавлоно Орифнинг шогирларидир.

Мавлоно Ориф улуғ тарбиячи, ўз даврининг буюк алломаси, соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Мавлононинг ҳаётларига доир воқеалар, айтган ҳикматлари, ривоятлар манбаларда келтирилган. Нақл этилишича, Мавлоно Ориф шогирдлари Амир Ҳамзага дейдилар: "Эй фарзанд! Агар юкимни кўтарсин десанг, юкингни кўтаргувчи ёру дўст топмоқ ниҳоятда душвордир. Ва агар юкини кўтаришни истасанг бутун жаҳондагилар сенга дўст бўлгай!".



Хўш, Мавлоно Ориф "юк" деганда нимани назарда тутганлар? Бу қандай "юк"? Бу – бировнинг елкасидаги юкни енгиллаштириш, ғаму кулфатига шерик бўлиш, камбағал-қашшоқ, бева-бечора, мусибатли, дардманд кишиларга ҳамдардлик изҳор қилиш каби инсоний гўзал фазилатлардан тортиб, то элу юрт, халқ ва дин йўлида фидойи бўлмоқни англатади. Мавлоно демоқчиларки, сенда бировнинг дардига шерик бўлиш, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш учун рағбат, холисанлиллоҳ, бетаъма хизмат қилиш фазилати бўлса, бутун бани башар сенга дўстдир. Зеро, бу хизмат Аллоҳ наздида ҳам, банда наздида ҳам ҳушдир. Аслида бу йўл пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассаллам равишлари ҳисобланади. Сарвари коинот Муҳаммад алайҳиссалом ҳеч қачон ҳеч кимга юк бўлмаганлар, балки доимо ўзгалар юкини кўтарганлар. Толиби илмларга илм, камбағалларга молу давлат, дардмандларга тасалли берганлар, адашганларга тўғри йўлни кўрсатганлар. Охиратни барбод қилгувчи – таъма, ҳасад, кину адоват, жаҳолат, шуҳратпарастлик, каби "юк"лардан одамларни шу дунёнинг ўзидаёқ халос қилганлар.

Жаннатий бўлиши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам томонларидан башорат қилинган ўн саҳобалардан бири Талҳа розийоллоҳу анҳунинг гўзал хислатлари ва улуғвор хизматларидан биттасини эсга олайлик. Уҳуд жангида бир тўда душман бутун кучлари билан пайғамбаримизга ёпирилган эди. Пайғамбар ҳаётлари хавф остида қолди. Шу пайт Талҳа пайғамбаримизни мудофаа қила туриб, саксонта жароҳат олди. Лекин чекинмади, қочмади.



Тариқат пирлари, инчунун, Мавлоно Ориф Деггароний ҳам Ҳазрат пайғамбаримиз ва у кишининг саҳобаларининг издошлари эдилар. Бу зоти шариф ҳам ўзгаларнинг юкини кўтариб яшадилар. Одамларни тўғри йўлга бошладилар. Нақл қилурларки, бир куни Деггарон қишлоғига сел келди. Кўҳак (Зарафшон дарёси)да тошқин содир бўлди. Уй-жойларни, биноларни сел оқизиш хавфи туғилди. Ҳамма фиғон этиб, кўчага чиқди. Шу он Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний ўзларини энг катта оқимга, кучли тошқинга отдилар ва "Агар қувватинг етса, мени оқизгил!" - дедилар. Шу дақиқадаёқ сел хомуш бўлди. Халқ бало-офатдан қутилди. Халқнинг бошига тушган бало юкини Мавлоно ўзларига олдилар.

Жомийнинг "Баҳористон" китобларида ҳам жавонмардлик ҳақида бир ажиб нақл бор. Бир гуруҳ кишиларни жиноятчиликда гумон қилиб тутадилар. Кимга қандай жазо берилишини билмаган подшоҳ варақчаларга "зиндонга ташлансин","ўлдирилсин","қамчи билан урилсин", "озод этилсин" деган ҳукмларни ёзиб, ўртага ташлабди ва ҳар кишини олган қуръасига қараб жазолашни буюрибди. Ҳалигилардан биттаси ўлим жазоси тушгандан қаттиқ қайғурибди ва ошносига қараб: "Мен-ку ўлимдан қўрқмайман, лекин ёлғиз қари онам бор. Унга мендан бўлак қарашадиган одам йўқ!" – дебди. Ошноси унга: "Кел, қоғозларимизни алмаштирамиз, менга "қамчин билан жазолансин" ҳукми тушган. Мени ўлдирсалар майли, чунки отаонам аллақачон марҳум бўлган. Сен эса онангга қарашиб, дуоларини ол!" – дебди. У дўсти учун ўлимга боribди. Бу иши ҳам бировнинг юкини кўтаришнинг олий даражаси!

Ба симу зар жавонмарди тавон кард,
Хуш он кас,ки жавонмарди ба жон кард.
Ба жон чун эҳтиёжи дўст бишнохт.
Ҳаёти худ фидойи жони у сохт.

Яъни, симу зарни дўстга бериб жавонмардлик қилиш мумкин. Лекин ҳақиқий жавонмардлик, бу дўст ҳаётини сақлаб, ўз жонини дўстга фидо айламакдур.

Мавлоно Ориф ўз даврининг етук донишманди, олими ҳам эдилар. Қуйидаги нақл ушбу фикримизга далилдир. Бир суҳбатда Мавлоно Ориф: "Таом истеъмол қилаётган пайтда ҳар бир аъзо бир иш билан банд бўлур. Хўш, дил не иш қилур?" - деган савол билан асҳобларига (суҳбатдошларига) мурожаат қилдилар. Асҳоб дедилар: "Дил Ҳақ субҳонау таоло зикри билан банд бўлур!" Мавлоно Ориф дедилар: "Оре, лекин бу вақтда дил "Аллоҳ" ёхуд "Ло илоҳа иллоллоҳ!" зикрини эмас, балки дастурхондаги неъматни бергувчи Аллоҳ таолони мушоҳада этур. Сабабдан мусаббибга келиш даркор, яъни Аллоҳ таолонинг қудратини фикрлаш керак. Мана шу тафаккур - зикр ҳисобланур!".


Мазкур нақл бизга ҳам ибрат, ҳам танбеҳ ҳисобланади. Айримлар ҳатто кўча-кўйда тасбеҳ ўгирадилар, фикр беҳуда ишларга банд, тил ғийбату ёлғон билан банд, кўз алақ-чалақ - қўлда тасбеҳ. Бу муддайиликдир. Шундайлар ҳам борки, ўнг қўли билан овқат еб, чап қўли билан тасбеҳ ўгиради. Бу ҳам манманлик, шуҳратпарастлик, фирибгарлик ҳисобланур. Хўжакўрсинга қилинадиган амаллардан Аллоҳ асрасин!

Келтирилган воқеалардан кўриниб турибдики, бу дунёда бандани бошига тушиши мумкин бўлган юк хилма-хил бўлиб, жазм қилган жавонмард бошқа бировнинг юкини кўтаришга қодир экан. Дарҳақиқат касалга ҳамдардлик қилиб, уни бу юкдан-азобдан қутқарса бўлади. Муҳтожга молу давлат берсанг, унинг юки енгиллашади, муҳтожлик азобидан қутқарилади. Жон хатарда қолганда ҳам ҳақиқий мардлар ўзгалар учун жонни фидо қилиб дўст ҳаётини сақлаб қолади. Лекин...

Яна бир юк борки, уни бандани бошидан кўтаришга биров қодир эмас. Бу – ГУНОҲ юки. Ушбу дунёда қилинган гуноҳлар қиёматгача бандани елкасида туради. "У КУНда (яъни қиёмат кунида) киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур!" ("Абаса" сураси).

Садриддин Салим БУХОРИЙ

Ёш китобхонлар



М.НУРИНБОЕВ сурати

ЎЗБЕКИСТОНДА АСОРИ-АТИҚАЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ

Ўзбекистон ҳудудида давлат ҳимоясига олинган 7200 та қадимий меъморий ёдгорликлар мавжуд. Бу тарихий, маданий ёдгорликларнинг аксариятини масжидлар ташкил этади. Улардан 31 таси жуда қадимий масжидлар бўлиб, тарихий-маданий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Бу меъморий ёдгорликларнинг бир қисми таъмирланиб, қайта ҳаёт бахш этилган бўлса, иккинчи қисми илмий жиҳатдан ўрганилиб, таъмирга тайёрланмоқда, қолганлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Ўрта Осиёда ислом динининг қарор топиши муносабати билан масжидлар кўп қурила бошланди. Бу жиҳатдан масжид қурилиши уй-жой қурилишига нисбатан халқнинг маънавий эҳтиёжларига хизмат қилади.

Ўрта Осиё шаҳарсозлигида масжид қурилиши асосий ўринлардан бирини эгаллайди. IX асрдан эътиборан ўз мақсад ва вазифасига кўра турли хилдаги масжидлар қурила бошланди. Энг асосий масжидлар (намозгоҳ, ийдгоҳ, мусалло) байрам кунлари жамоа бўлиб ибодат қилиш учун қурилган. Баъзилари эса, аксар шаҳар аҳолисининг беш вақт намозини адо этиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда қурилган. Улар кўпинча жомеъ масжиди деб аталган.

Маҳалла гузарларида ва қабристонлар қошида шакл жиҳатдан турли-туман масжидлар қурилган. Бу хил масжидлар у ёки бу маҳалла аҳлига беш вақт ибодатларини адо этиш учун мўлжалланган.


Ўзбекистон ҳудудида жойлашган илк ислом даври меъморий ёдгорликлари асосан, пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, қоришма тарзида ганч ҳок ишлатилган.

Ўрта Осиё иқлимининг табиати, об-ҳавоси, қолаверса зилзилабардошлик ҳолатидан келиб чиқиб, бу ҳудудда жамоат бинолари иморатсозлик анъаналарининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказган. Лекин, ҳозирги кун геологик, экологик шарт-шароит, қолаверса об-ҳаво ўзгаришлари қурилиш муҳандислари, айниқса, таъмиршунослар олдига ўзининг янгидан-янги таклифларини қўйди.

Қадимда иморатсозликда ғишт теришда ганч жуда кенг қўлланилган. Ганч цементга нисбатан майинроқ ва тез қурийди. Бу айниқса, иморатларнинг зилзилабардошлиги жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Лекин вақт ўтган сайин ганч ўз майинлиги ва бошқа моддий хусусиятларини йўқота боради. Натижада ганч билан терилган бинолар емирилишга юз тутади. Шунинг учун ҳозирги вақтда таъмирлаш ишларида кўпинча ганч ўрнига цемент қўлланилмоқда.

Кўп йиллик таъмирлаш тажрибасидан келиб чиқиб, таъмир жараёнида цементни фақат вазмин конструкцияларгагина (ёдгорлик пойдеворини мустаҳкамлаш, орқа ва пештоқларни боғлаш каби) қўллашга қарор қилинди. Ёдгорликнинг ташқи томонини таъмирлашда эса цементдан тамоман воз кечиб, ганчдан фойдаланиш лозим топилди. Таъмир ишларида замонавий қурилиш воситалари билан анъанавий воситаларни биргаликда қўллаш яхши натижалар бермоқда.

Маданий ёдгорликларга ер ости сизот сувлари жуда катта хавф туғдирмоқда. Сизот сувлари таркибидаги турли минерал моддалар, шўрхоклар нафақат ғиштин пойдеворларни, балки ҳозирги замон темир-бетон қурилмаларни ҳам емиришга қодир. Шу сабабдан ер ости сувлари Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарларидаги тарихий ёдгорликларга жуда катта хавф туғдирмоқда.



Маданий ёдгорликлар, айниқса масжидлар кўп жиҳатдан ўрганилди. Лекин, уларни бадиий безак билан жиҳозлаш нисбатан кам ўрганилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айнан масжидларда, мазкур ҳудуд меъморчилигига хос бўлган бадиий безакнинг ҳамма турларини учратиш мумкин. Масжидларнинг безакларида зарҳалли кундал, ислимий (ўсимликсимон) манзарали тасвирлар, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик, сиркор-ўймакор сопол, кандакорлик, зарҳал ва бошқа безак турлари учрайди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ёдгорликларни сақлаш Бош бошқармаси тизимида илмий-методик кенгаш фаолияти қизиқарлидир. 1979 йилдан эътиборан ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш илмий-тадқиқот лойиҳалаш институти, 1982 йилдан эса ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, меъморий осори-атиқаларнинг бадиий безакларини тиклаш бўйича махсус ташкилот иш олиб бормоқда.

Мазкур институт Ўзбекистондаги йирик масжид жомеъларда илмий-тадқиқот, лойиҳа ва таъмирлаш ишларини кенг кўламда олиб борди. Самарқанддаги Бибихоним (XV аср.); Тиллакори мажмуаси (XVII аср.), ҳазрати Хизр (XIX аср охири — XX аср боши); Шаҳрисабздаги Кўк гумбаз (XV аср.); Бухородаги Масжиди Калон (XVI аср.); Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси (XVII аср.); Хивадаги жомеъ масжиди (X-XVII аср.) бунга ёркин мисол бўла олади.

Айниқса Бухородаги Масжиди Калон, Арслонхон масжиди бўйича олиб борилган комплекс таъмирлаш ишлари диққатга сазовор. 1996-1997 йилларда бу ноёб меъморий ёдгорликни сақлаш ва

таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мазкур ишнинг асосий мақсади меъморий ёдгорликни имкони борича асл ҳолида сақлаш ва ибодат расм-русумларини амалга ошириш даражасига келтириш.

Илмий-таъмирлаш ишларининг услуби қуйидагилардан иборат:

— таъмирлаш ишларини бошлашдан аввал ёдгорликни илмий тадқиқ қилиш;

— илмий-лойиҳалаш ишларини амалга ошириш;

— илмий-амалий таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш.

Ўрта Осиёда энг катта жомеъ масжиди ҳисобланмиш Калон масжиди Бухоро шаҳрининг тарихий асосини ташкил этувчи Пои Калон мажмуасининг бир қисми ҳисобланади.

Бир вақтда 1200 намозхонни ўзида жамловчи Масжиди Калон ҳажман ҳам жуда катта (127х78м). Ҳайбатли масжид қурилиши Қорахонийлар сулоласига мансуб турк хоқони Арслонхон даврида 1121 йилда бошланган. XII асрда бундай маҳобатли иморатнинг бунёд этилиши бутун Мовароуннаҳр меъморчилигида катта воқеа ҳисобланган. Мўғуллар истилоси даврида вайрон бўлган масжид 1318-1326 йилларда қайта тикланган. Бу Кебекхон ҳукмдорлиги даврига тўғри келади. XV асрнинг биринчи ярмида бу масжид яна вайрон бўлади. Ана шу "иккинчи масжид" қолдиқлари бизнинг давримизга мехроб безаклари қисман сақланган ҳолда етиб келди. XV асрнинг биринчи ярмида вайрон бўлган масжид ўрнига янги масжид қурилган. Бунда XII аср масжидининг дастлабки шакл-шамойили сақланган.

Тарихий манбалар бу "учинчи" масжидни Темурий султонлар қурганлари, асосан Улуғбек даврида қурилганлиги ҳақида хабар беради. Улуғбекдан сўнг темурий шаҳзодалар Бухоро меъморчилигига кам эътибор бердилар.

Арслонхон масжиди таъмири билан XVI асрда шайбонийлар сулоласига мансуб Абдуллахон даврида кенг шуғулландилар. Масжидни ҳар жиҳатдан кенг ўрганиш ва таъмирлаш ишлари 1996-1997 йилларда олиб борилди (арх.Абдужаббор Яҳёев). Бу воқеа Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарига тўғри келгани нур устига аъло нур бўлди.

Бухоролик халқ усталари (И.Маҳмудов, А.Боймуродов, А.Абдинов в.б.) масжиднинг 37 устунини тиклаш ва таъмирлаш соҳасида ниҳоятда мураккаб ишларни амалга оширдилар. Тарихий ҳужжат асосида кошинлар ёрдамида гумбаздаги куфий хатида ёзилган битиклар тикланди.

Таъмирчи-кимё олимлари (А.Абдураззоқов) илмий изланишлари натижасида ер ости сизот сувларининг йўли тўсилди. Натижада деворларнинг шўрланиши камайди.

Бугунги кунда мусулмон меъморчилигига жуда кўп хос бўлган анъанавий санъат намуналари мавжуд. Шунинг билан бирга ҳар бир минтақа меъморчилигида ўзига хос, бетакрор маданий-маънавий жиҳатлар шаклланганки, уларни бошқа бирор халқ ёки минтақа меъморий санъати билан адаштириб бўлмайди. Худди ана шу ўзига хосликлар санъат сирларини авлоддан-авлодга асраб-авайлаб етказаётган халқ усталари фаолиятида ўз ифодасини топади. Ушбу миллий анъаналар ва ислом меъморчилиги санъати бизнинг давримизда ҳам яшаяпти ва ривожланаяпти.

Баҳодир АБДУРАҲИМОВ,
санъатшунослик номзоди

ФОЛЬКЛОР ЖАМОАЛАРИ ИЗТАНИШДА



Яқинда пойтахтимиздаги Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри биносида фольклор жамоаларининг анъанавий республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази томонидан ташкил этилган бу кўрик-танловда республикамизнинг деярли барча вилоятларидан ва Қорақалпоғистон Республикасидан фольклор ансамблар қатнашдилар.

Кўрик-танловнинг энг муҳим шартларидан бири халқ орасида кенг тарқалган, аммо сўнгги йилларда унутилиб бораётган халқ қўшиқлари, лапарлари, айтишувларини тиклаш ва ўрганиб намойиш этиш, жойларнинг ўзига хос маҳаллий урф-одатлари, удумлари, кийимларини кўрсатиш, қадимги тўй маросимларини, келин-куёв либосларини намойиш этишдан иборат эди.

Фольклор жамоаларнинг ҳар бири бир-бирини такрорламайдиган ўзига хос ва назокатли кўрсатувларни намойиш қилишди. Томошабинлар Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Чақар маҳалласидаги "Гулчеҳралар" фольклор дастаси, Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туманидан келган "Бесперде" ансамбли иштирокчилари, хоразмликларнинг эҳтиросга йўғрилган шўх лапарлари, Наманган ва фарғоналикларнинг айтишувлари, андижонликларнинг чиқишларини олқишлар билан кутиб олдилар.

Халқимиз қадимий ва бой, ранг-баранг маданиятга эга. Қадриятларни асраб-авайлаш, уларни тиклаш, замонамиз руҳига ҳамоҳанг қилиб халқ мулкига айлантириш долзарб вазифалардан бири экан, фольклор ансамбларининг бу анъанавий кўрик-танлови ушбу хайрли ишга қўшилган муносиб ҳисса бўлади.

Ҳ.НАБИЕВ

Лирик хонанда Мухриддин ХОЛИҚОВ билан суҳбат

ҚУВОНЧ НАШИДАСИ



– Мухриддинжон, хабарингиз бўлса керак, журналимизнинг ушбу рукнида эл назарида бўлган санъат,адабиёт намоёндалари билан мулоқот берилади. Бугун сизнинг навбатингиз экан,суҳбатимизни рукнимизнинг дебоча саволи билан бошласак. Бедорлик тушунчасини сиз қандай изоҳлайсиз?

– Буни мен кўпроқ руҳий ҳолат деб тушунаман. Санъат кишилари учун бедорлик ижод билан эгизакдек гап. Бир қўшиқ яратиш учун шеърни кўлга олар эканман, бедорлик даврим бошланади. Ҳаловатим йўқолади. Қўшиқни тайёрлаб, саҳнага олиб чиқиш билан иш тамом дея олмайман. Анча муддат шу қўшиқни мухлислар томонидан кутиб олинишини кузатиб юраман. Улардан илиқ сўзлар эшитганимдан сўнг бедорлик вақтим тугайди. Сўнг яна янги шеър, янги қўшиқ, изланиш, яна бедорлик... У аслида менинг доимий ҳамроҳим, шекилли.

– Санъаткор бўлганингиз бахтми, омадми ёки тақдир. Сиз ҳаётингиздан, умрингизнинг ўтган қисмидан розимисиз?

– Санъаткорлигим, менимча, тақдирим бўлса керак. Бахт тушунчаси назаримда бошқачароқ маънони билдиради. Инсон тақдири орқали ҳаётда бахтли ёки бахтсиз бўлиши мумкин. Бахт ёки бахтсизликдан тақдир яралади. Омад эса инсон умрининг маълум бир қисмини ифодалайди, холос. "Омадини қаранг-ки", дейилади одатда. Тақдир эса инсон бутун умри давомида қилган ишларга якуний баҳодир. "Ажойиб тақдир-да" ёки "тақдирида бор экан" деб айтамиз-ку гоҳо. Умримнинг ўтган қисми санъат билан боғлиқ бўлган экан, шу туфайли эл орасида обрў-эътибор топдим, мухлислар орттирдим. Бунинг учун энг аввало менга шундай тақдирни раво кўрган Оллоҳга шукроналар айтаман. Санъатим орқали минглаб мухлисларга эга бўлиб, халқнинг суюкли хонандаларидан эканман, бу мен учун олий бахт.

– Илк бора қачон ва қайси қўшиқни куйлагансиз? Шунда бир кун келиб, минглаб мухлисларга эга, халқ севган санъаткор бўлишни ўйлаганмисиз?

– Адашмасам, 6-7 ёшларда эдим. Қаерга кетаётганимизни эслай олмайман-у, аммо шу нарса ёдимдаки, поездда кетаётган эдик. Узоқ йўл юриб, зерикканимдан кўлимга оддийгина чўп олиб, уни "рубоб" қилиб, қайсидир қўшиқни хиргойи қилганман. Адашмасам бу қўшиқ Маъмуржон Узоқов қўшиқларидан бири эди. Шунда атрофимдагилар яна хиргойи қилиб беришимни сўрашган. Улар мени руҳлантириб, манзилимизга етиб боргунимизча қайта-қайта "куйлатиб" боришган. Бундан шунчалар завқланганманки, ҳозир ҳам худди кечагидек ўша ҳолатни яхши эслайман. Бу – қўшиқ оламига кириб келишимнинг дебочаси эканки, мен буни ўша дақиқаларда тушуниб етмаганман.

Мана, яхши биласиз, кўп йилларки мухлислар олдида куйлаётирман. Ҳар доим қўшиқ айтганимда, мухлисларим олқишлаганда ўша поезддаги завқшавқни туяман ўзимда. Лекин ўшанда бугунгидек санъаткор бўламан деб ўйламаган эдим.

Илк "тингловчилар"им – оддий йўловчилар менинг санъаткор бўлишимга катта ишонч билан қараганларини онам ҳали-ҳануз гапирадилар. Дилдан айтилган пок тилакка фаришталар "омин" деган экан шекилли мана санъат олами-даман, қўшиқ айтишдек бахтнинг, қувончнинг нашидасини суриб юрибман.

– Сизнингча, айни вақтда мухлислар қандай қўшиқларга кўпроқ эҳтиёж сезмоқдалар. Чет эл хонандалари қўшиқларигами ёки ўзбек эстрадасига ёхуд мумтоз қўшиқларга?

– Бир сўз билан айтадиган бўлсам, яхши қўшиққа эҳтиёж доимо катта бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Масалан, "Сўлим", "Салламно", "Ўртар", Ботир Зокиров қўшиқларини эсланг. Айтайлик, бир мухлис чет эл хонандалари қўшиқларини севиб тинглайди. Шу билан бирга у ўзбек эстрадасининг битта хонандаси қўшиқларини ҳам маро қ билан тинглайди. Худди шунингдек, мумтоз қўшиқларимиздан кам деганда 2-3 қўшиқни ҳам жон-дили билан эшитади. Сабабини сўрасангиз "яхши қўшиқ-да" деб жавоб қилади. Ёки бунинг акси. Мумтоз қўшиқларни доимо севиб тинглайдиган бирор мухлис эстрадани ҳеч бўлмаганда 3-4 қўшиғини яхши кўради. Сабаби аён. Қўшиқ яхши. Умуман олганда агар қўшиқ яхши бўлса унинг ижрочиси ҳам, жанри ҳам аҳамиятли эмас деб ўйлайман. Баъзан эшитиб қоламиз: "Шу хонанда фалон қўшиғини жуда маромига етказиб ижро этади-да. Унинг қўшиқларига унчалик ҳу-

шим йўқ эди-ку, лекин бунисини жуда мириқиб тингладим." Демакки қўшиқ ҳақиқатан ҳам жуда яхши. Яна бир нарсани қўшимча қилмоқчиман. Санъаткорларимиз орасида шундай хонандалар борки, ўзлари мақомларимизни меъёрига етказиб куйласалар-да, лекин эстрадани мириқиб тинглайдилар.

– *Бугун тингловчиларни лол қолдираётган қўшиқлар, чамамда, кўп ҳам эмас. Сиз хонанда сифатида қандай фикрдасиз: яхши қўшиқлар кам яратиляптими ёки тингловчилар уларни ўз вақтида пайқашмаяптими?*

– Агар айтиш жоиз бўлса, кейинги йигирма йил ичида қўшиқчилик санъати жуда кенг ривожланди. Бу оламга иқтидорли ёшлар бирин-кетин ўз қўшиқлари билан кириб кела бошладилар. Уларнинг қўшиқларини тинглаб гоҳ қувонасан, гоҳ ўйга толасан киши. Назаримда якка хонандалар ижросидаги қўшиқларни мақтаб тилга олсак арзийди. Лекин ҳаммасини эмас. Баъзи гуруҳлар қўшиқларини тинглаш у ёқда турсин, ҳаттоки шу қўшиқни тайёрлаб саҳнага олиб чиққан меҳнатлари-ю вақтларига ачинасан-да.

Айни вақтда кунига 2-5 янги қўшиқ яратилаётган экан, деб фараз қилсак. Биз уларнинг сонига эмас, сифатига қараб иш тутмоғимиз керак. Бир неча йиллар олдин ёш хонандалар етишиб чиқдики, улар санъатда, қўшиқчиликда ўз санъатларига пойдевор қўйдилар, мухлислар орттирдилар. Қўшиқлари эл оғзига тушди. Лекин афсуски, ижоднинг бундан буёнги даврида илҳом билан ижод қилмаётирлар. Тингловчилар ҳузурига тез-тез янги қўшиқлар билан чиқмасангиз санъатингиздан уларнинг кўнгли қолади. Айтмоқчиманки, хонанда енгил-елпи қўшиқ куйламай, фақат яхши қўшиқ яратиши керак.

Бундан 50 йил, ҳатто ундан олдин ҳам кўп қўшиқлар яратилган. Яхшиси ҳам, ёмони ҳам бўлган. Ўшаларнинг яхшисининг яхшиси бизгача етиб келди. Ва ҳали-ҳануз мароқ билан тинглаяпмиз. "Сайдинг қўявер сайёд", "Қурбон бўлам"... Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров қўшиқлари ҳозир ҳам бутун қалбимизни забт этмоқда. Бир нарсадан қувонаман, уларнинг қўшиқлари шу даражада халқчил, миллий руҳда янграйдики, ҳатто ёшлар севиб тинглабгина қолмай, уни қайтадан ижро этмоқдалар.

Шу ўринда бир фикримни айтмоқчиман. Хонанда ҳақиқий санъаткор бўламоғи учун мақомни ҳам, лирик қўшиқларни ҳам меъёрига етказиб ижро этиши шарт.

– *Муҳриддинжон, куй-қўшиқ сизнинг доимий ҳамроҳингиз. Улар юрагингизга сиғмаган пайтлар ҳам бўлганми?*

– Ҳа, шундай пайтлар ҳам бўлган. Кўпчиликка маълум бўлса керак. 1991 йил биз – мен ва гуруҳимиз аъзолари учун анча оғир йил бўлди. Бир инсоннинг яхши кунида хизмат қилиш учун кетаётганимизда йўлда фожеа рўй берди. Автоҳалокат биз учун жуда катта йўқотиш бўлди. Биз истеъдодли, келажаги порлоқ икки созандамиздан айрилдик.

Кунлар, ҳафталар ўтди... Шундай оғир кунларда тушкун аҳволда юрганимда куй-қўшиқ кўнглимга сиғмади. Куйлаш тугул, ҳаттоки машқ қилишга ҳам қўлимиз бормади. Ҳар бир мусиқий созимиз, ҳар бир қўшиғимиз уларни доимо эслатиб турарди. Энди бундан буён қандай қилиб қўшиқ куйлайман, деб кўп ўйландим. Қийин аҳволда қолдим. Балки бу йўлни ташлаб, бошқа йўл топиш керак деган фикр ҳам хаёлимдан ўтди. Кейин ўйлаб қолдим. Уларнинг ҳаёти қисқа экан. Агар фожеа бўлмаганда кўплаб куй-қўшиқларни биргаликда яратар эдик. Афсус... Энди мен улар учун ҳам куйлашим керак, улар охирига етказа олмаган ишларни гуруҳимиз билан биргалашиб давом эттиришимиз керак, деган қарорга келдим. Очиғи ҳозир ҳам гоҳ машқ пайтида, гоҳ саҳнадами қўшиқ куйлар эканман, улар орамизда тургандек, бизга жўр бўлишаётгандек туюлаверади. Бевақт вафот этган шогирдим, хонанда Одилжон ҳурматига ўғлим исмини Одилжон қўйдим. Истардимки, бундай кунлар ҳеч қачон такрорланмасин, куй - қўшиқ ҳамманинг доимий ҳамроҳи бўлсин.

– *Навбатдаги саволим. Аввал мусиқа, кейин шунга монанд шеър топиб қўшиқ қилиш мумкинми? Қўшиқларингиз орасида шундайлари борми?*

– Шу саволингизга жавоб бермасам майлими?

– *Майли. Ихтиёрингиз. Унда навбатдагиси. Айни вақтда нозиктаъб мухлислар сизнинг деярли барча қўшиқларингизни хиргойи қилиб юришади. "Вақти келиб, менинг қўшиқларимни тингламайдиган авлод бўлиши мумкин" деган фикр хаёлингиздан ўтганми?*

– Нима десам экан... Ҳамма хонанда-



Санъаткор оила аъзолари даврасида

нинг мақсади битта: яхши қўшиқ яратиб, мухлислар қалбига етказиш. Шу сабаб ҳар бир қўшиқни яратаётганда унга фақат танқидий кўз билан қарайман. Нафақат мен, балки гуруҳимизнинг барча аъзолари. Халқимиз тарихида санъаткорларимиз яратган юзлаб қўшиқлардан саноқлиларигина йиллар давомида эъзозланиб келинмоқда. Бу санъаткорларга албатта ҳавас қилмоқ керак.

Вақт ўтади – давр ўтади. Эскиси кетиб янгиси келади. Худди шунингдек биз ҳам ўз ўрнимизни ёшларга бўшатиб берамиз. Лекин дилда ҳамиша яхши ният бўлади: "Узоқ йиллар давомида мухлислар эътиборида бўлайлик". Албатта бу мухлисларга эмас, бизга – гуруҳимизга боғлиқ. Агар улар кўнглидагидек куйламасак, орадан йиллар ўтиб эмас, тез кунда ҳам эътибордан четда қолиш ҳеч гап эмас. Энди гапнинг индаллосини айтсам, айни кунларда менинг қўшиқларимни тингламайдиганлар ҳам бор. Буни яхши биламан. Мен ҳам, худди шунингдек, бошқа хонандалар ҳам ҳеч кимни менинг қўшиқларимни эшит, деб мажбурлай олмаймиз.

Кимнинг қўшиқларини тинглаш тингловчиларнинг ўзига боғлиқ.

– Биз одатда саҳнада куйлаётган хонанданинг томошабин олдида масъулияти катта деймиз. Лекин томошабиннинг ҳам саҳнадаги хонанда олдида масъулияти бор дейишга ҳақлимизми?

– Айнан шундай бўлмаса ҳам, шунга ўхшаш савол кутган эдим, рости. Нега биз фақат саҳнадаги хонанда зиммасида "масъулият бор", "масъулияти катта" деймиз. Шунга ўрганганмиз. Келинг масаланинг моҳиятига чуқур эътибор берайлик: хонандада масъулият бор, катта. Буни инкор этмайман, албатта. Саҳнадаги хонанда буни дилдан ҳис қилади. Залдаги турли шовқин-суронлар, ҳуштакбозликлар унинг куйлашига ҳалақит берса-да, у буңга чидайди. Аслида қўшиқни мароқ билан тинглаш, хонандани ҳурматлаш тингловчининг ўзлигини намоён қилишининг бир кўриниши эмасми. Қўшиқни одоб билан, мароқ билан тинглаш ҳам маънавиятнинг бир кўриниши, аслида.

Хонанда саҳнада куйлаяпти, атрофида беш-олтита созандалари, залда юзлаб, минглаб мухлислар. Уларни ўзига ром этиб, қўшиқ куйлаш бу осон иш эмас. Юзлаб мухлислар киприк қоқмай қўшиқ тингласалар-у айримлари нописанд ўтирса... Буни хонандага қанчалар салбий таъсири борлигини фақат ҳис қилиш керак, деб ўйлайман. Саҳнадаги санъаткор томошабин олдида ўзини қандай тутса, масъулиятни зиммасига олса, тингловчилар ҳам шундай бўлишлари керак. Тўй бошқа, саҳна бошқа. Саҳна муқаддас жой экан, унда куйлаётган хонандани ҳурматламоқ залдаги мухлислар учун зарурий одат бўлмоғи керак деб ўйлайман. Агар хонанда ўзини фақат яхши томондан кўрсатса, томошабинни ҳурмат қилса, томошабин ҳам ўзини хонандага мос тутмоғи керак.

– Кечирасизу, шу ўринда гапингизни бўлиб,шунга боғлиқ бир савол берсам. Сиз саҳнада куйлаяпсиз,ҳали қўшиқ тугагани йўқ. Сизга гулдаста олиб чиқишди...

– Гапингизга тушундим. Аввало айтиб қўяй. Концертимга тушган ҳар бир мухлисим мен учун бир ҳурмат бўлса, гулдаста тақдим қилишларини олий даражадаги ҳурмат деб тушунаман, мухлисларнинг гулдаста тақдим этиши барча санъаткорларга ёқади, бу бор гап. Фақат бир нарсани кўп ўйлайман. Томошабинлар гулдастани нега концерт тугаганида, ҳеч бўлмаса қўшиқ охирида бермайдилар. Қўшиқ давомида гулдаста тақдим этиш залдаги қолган томошабинларга халақит бериши, маълум маънода ҳурматсизликнинг бир кўриниши эмасми, ахир. Саҳнага гулдаста олиб чиққан мухлисни биз илиқ қаршилаб олишга мажбурмиз, барибир.

– Санъаткорлар орасида кучли рақобат борлигини ҳамма яхши билади. Бирор хонанданинг бир қўшиғига дилдан тан берганмисиз? Масалан...

– Санъаткорлар орасида рақобат доим бўлиб келган ва бўлади, албатта ижобий маънода. Рақобатнинг бўлгани яхши. Яхши қўшиқ яратишда бунинг катта аҳамияти бор. Лекин мен сендан устунман, сендан ўзиб кетаман, мен фалон саҳнада концерт бердим, деб гапириш бу рақобат эмас. Бу – манманлик. Мен ҳар бир ижодкор ўртасида, шу жумладан хонандалар ўртасида соғлом рақобат бўлишини хоҳлайман.

Ўзим ҳам куй-қўшиқ мухлисиман. Яхши қўшиқларни севиб тинглайман. Айниқса Насиба Абдуллаеванинг "Солдим худоға" қўшиғига дилдан тан бераман.

– Халқ орасида кўзга кўринган инсонлар, улар асосан санъат кишилари, ҳақида турли миш-мишлар юради. Шуларга муносабатингиз?

– Санъат кишилари, айтганингиздек, доимо эл кўзида, халқ орасида бўладилар. Уларни деярли барча танийди. Шу сабаб улар ҳақдаги миш-мишлар тез тарқайди. Айниқса, пашшадан фил ясовчилар жуда кўп. Чет эл давлатларида кишилар машҳур бўлмоқчи бўлсалар ўзлари ҳақида миш-мишларни ўзлари тарқатадилар. Бизда эса бундай эмас.

Хонанда бир йилда учта қўшиқ яратди, дейлик. Шулардан биттаси машҳур бўлиб кетди. Мана шу қўшиқ хонандага миш-миш олиб келади. Ҳар битта яхши қўшиқ – битта миш-миш гап билан тенг.

Менинг ҳаётим ҳақида, оилам ҳақида ҳам турли миш-мишлар тарқаб, улар ўзимга ҳам етиб келган. Лекин мен ҳеч қайсисига парво қилмаганман ва қилмайман ҳам. Буларнинг бари бекорчи, ўткинчи гаплар. Улар учун вақтимни ҳам, асабимни ҳам сарфлашни истамайман.

– Муҳриддинжон, сизга сўнгги саволим. Биз янги аср остонасида турибмиз. Янги асрга қандай ўзбек қўшиқлари билан кириб борамиз? Умуман олганда, 2000 йилдан сўнг ўзбек миллий эстрадаси қандай бўлишини хоҳлардингиз?

– Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, айтишим мумкинки, янги аср қўшиқ асри бўлиб қолади. Куй-қўшиқларга қизиқиш, эътиборнинг катталигини кўриб мен шундай хулосага келдим.

Республикамиз миқёсида ўтказилаётган турли қўшиқ фестивалларн, кўрик-танловлар, қўшиқ байрамлари фикрим исботи. Биз, энг аввало, янги асрга мумтоз қўшиқларимиз билан кириб борамиз. Кейин эстрада. Боиси мумтоз қўшиқларни ҳар қандай кайфиятда ҳам тинглайсиз. У ҳеч қачон кўнглингизга ғримайди. Гапнинг очиғи эстрада доим ҳам ёқавермайди. Буни тан олмоқ керак. Шунинг учун бўлса керак, мумтоз қўшиқларни ҳозир ёш хонандалар ҳам севиб ижро этмоқдалар. Худди шунингдек улар тингловчилари сони ҳам яшариб бормоқда. Демак, мақомни барча бирдек севиб тинглаяпти, десак тўғри бўлади.

Шу билан бирга эстрада ҳам тез ривожланишда давом этади. Биз халқчил, миллий оҳангни ўзида мужассам этган Ботир Зокиров қўшиқларини эстрадамизнинг асоси деб қабул қилмоғимиз керак. Шу билан бирга унитилаёзган баъзи миллий созларимиз ҳам мусиқада фаол иштирок этиши шарт деб ўйлайман. Масалан, қонун, уд... Бир сўз билан айтганда, ўзбек эстрадаси ўзлигимиздан келиб чиққан ҳолда, миллий руҳда яратилмоғи шарт.

Яна бир фикрим, ўзингизга маълумки, ҳозирги кунда қўшиқчилик бобида бир муаммо кўндаланг турибди. Хонанданинг ўзи шеър ёзади, куй басталайди, ижро этади... Шоирлик, бастакорлик, хонандаликда ҳам, энг аввало, табиат ато этган истеъдод асосий ўринни эгаллайди. Бир инсоннинг ўзида бундай истеъдоднинг жамулжам бўлиши ноёб ҳодиса. Шу сабабли ҳар ким ўз қўлидан келадиган ишни қилса-да, янги асрда барча қўшиқларимиз шоир, бастакор билан ҳамкорликда яратилса.

– Муҳриддинжон, суҳбатингиз учун ташаккур. Янги-янги қўшиқлар яратиб, мухлисларингиз сони тобора кўпаяверсин деб тилак билдираман.

– Раҳмат.

Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди

ШИМОЛИЙ ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ

Шимолий Хоразм достонларининг тили бой ва ранг-баранг. Унда ижтимоий турмушнинг турли соҳаларига оид ҳар хил воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ сўзлар, кўплаб жой номлари, киши исмлари, лақаблари, қабила ва элат номлари ҳамда ёрдамчи сўзлар мавжудки, уларнинг баъзилари ўзбек адабий тилида учрамайди.

Адабий тил луғат таркибида учрамайдиган ўзига хос бирликлар ва терминларни (масалан, турли соҳалар бўйича кенг тарқалган, лекин адабий тилда бўлмаган ва луғатларда қайд қилинмаган) рангин сўзларни дадил олиб адабий тилга киритиш жуда ҳам зарур эканлигини олимларимиз такрор-такрор айтиб келмоқдалар. Шу нуқтаи назардан биз ўз ишимизда Шимолий Хоразм достонлари лексикасида мавжуд бўлиб, адабий тилда муқобили бўлмаган айрим сўзларни мумкин қадар изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Жумладан, сўзларни англатган маъноларига кўра қуйидагича мавзуий гуруҳларга ажратдик:

1. Касб-ҳунар маъносини англатувчи сўзлар: тўппоз – тўп (ўзак), боз (поз.аф) – моҳир тўп отувчи, тўп отишнинг устаси:

Буларнинг ичинда етти минг Лойхўр,
Бир тўппози бор эди. ("Қирқ минг" достони. «Гўрўғли» достонидан ёзиб олувчи Ҳоди Зариф.)

2. Нарсалар маъносини англатувчи сўзлар. Бундай сўзлар ўз навбатида қуйидагича гуруҳланади:

а) Парранда номлари: сўна – урғочи ўрдак.

Ман бир сўна, кўлдин кўла.
Пойлайин, учсам нетасан?!
("Хирмондали", 70-б.)
Кўрдим, кўрдим нени кўрдим,
Тоғларда сўнани кўрдим.
(Халқ қўшиғи)

б) Ҳайвон номлари: чомон ёби – чаман ёби – насли паст бўлган от тури, бу отдан одатда тегирмон ишлатишда фойдаланилади. ***Чомон ёбини дарвозанинг олдинда қўйип югирип сайисхонага кирди.*** ("Қирқ минг", 5-б.)

Остингда чаман ёби,
Кўлингда бир лойканча ("Қирқ минг", 7-б.)

в) От абзали номлари: кучан – қомит (бўйинтуруқнинг бир тури)нинг тагидан қўйиладиган, от бўйинининг яра бўлмаслиги учун қалин матодан тикилган бўйинча: ***"Чаман ёбининг бўйиндаги кучанини бир ёққа, қомитини бир ёққа, отиб юварди"*** ("Қирқ минг", 7-б.)

Қўшоқ – қўш(а + белб) ок(ғ) – қўша(икки) ўраладиган белбоғ, адабий тилда қийиқча ва белбоғдан фарқли белни иккиуч марта айлантириб ўраладиган, икки-уч метр газламадан тайёрланган белбоғ. Қўшоқни қадим Хоразмда белни маҳкам тутиб туриши учун эркаклар белига боғлаб юришган. Ҳозирги кунда хоразмча миллий рақс ижро этишда раққослар белига боғлашади, бундан ташқари Шимолий Хоразм халқ удумига кўра қўшоқ тўй куни куёвнинг белига боғланади ва янгалар томонидан ечиб олинади. Уни куёвнавкарлардан бирортаси олиб қўяди, тўйдан кейин маълум бир куни зиёфати чақирилади ва куёвга қайтарилади:

Пичоқ айтир ман яроғам,
Қўшоқ остинда турарам.

г) уй-рўзғор буюмлари номлари – ғоли – ғали қимматбаҳо гилам тури, масалан: Хива ғоли, туркман ғоли каби... ***Доғнинг чигилим тошиннан бир ғоли хуржунни тўлдириб, оғзини гуржилаб, қулфни урди.*** ("Қирқ минг", 23-б.)

д) қурол-яроғ номлари – шамқол – шамхол – катта ва оғир милтиқ. ***"Ёвиримада икки ботмон шамқол апкеп тағинг",– деди. Ёвиридаги кўна шамқалам ёвиринина гўрса-гўрс тийди.*** ("Қирқ минг", 21-б.)

3. Белги-хусусиятни англатувчи сўзлар:

а) шахсга хос белги-хусусият маъносидаги сўзлар.

Дали – бебош, шаддод, очиқ кўнгил, ўзбилармон, кўнглига келган ишни қилувчи, бир сўзли, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, довюрак жасур одам. Хотин-қизларга нисбатан қўлланганда "эркакшода" маъносини ҳам беради. "Хирмондали" достонининг бош қаҳрамони шундай аталишининг ҳам сабаби шунда.

Дали кўнглим истаб талаб...
("Қирқ минг", 18-б.)
Манинг бу дали кўнглима,
Хумор кўзли ёр кўринур.
("Хирмондали", 17-б.)

Ғўч (йигит) – йигитларнинг ижобий хислатларини ифодалайди. Контекстдаги ўрнига қараб, ғайратли, кучли, забардаст, ишчан, билимдон, навқирон, кўпчиликни ўзига эргаштирувчи, сўзамол, келишган, мафтункор, мардонавор, девқомат, ширинсўз каби хусусиятлари устун бўлган йигитларга нисбатан қўлланилади.

1) Шимолий Хоразм достонларида ғаниларга қулфат келтирувчи ғолиб, мард, қаҳрамон маъноларини ифодалаш учун қўлланилган:

Ғўч йигитга тийди даврон,
Қизил бошға бўлди армон.
("Қирқ минг", 25-б.)

2.Ҳолатнинг белгисини англатувчи сўзлар: юзага келган ҳолатнинг қандайлигини изоҳлайди: ҳаволи < ҳаво (ўзак) -ли (аффикс) ажабтовур, ғалати, кишини беҳузур қилувчи: ***Отнинг усти ёмон ҳаволи акан.*** ("Қирқ минг", 12-б.)

3. Бирор шахсга парранда, ҳайвон ёки буюмнинг сифатини ифодалайди: сийтаро – фазилат, хислат, (истара, ситора, юлдузи маъносида).

Ғўч йигитнинг сийтораси
Очилур майдон ичинда.
("Қирқ минг",18-б.)

4. Ҳаракат, ҳолатни билдирувчи сўзлар. Анжомлашмоқ – тўда-тўда бўлиб, суҳбатлашмоқ, турли масалалар юзасидан тортишиб, ўз-ўзларин и намойиш қилиб, уёк-буёққа ўтиб-кетиб юрадиган тўдаларга нисбатан қўлланилади: ***"Подшоликда анжомлашиб юрган табиблар".***

Ёздирмаслик – қўйиб юбормаслик, қимирлатмасдан маҳкам тутмоқ, ўз ҳолига қўймаслик, ушлаб турмоқ, орқа-олдига қаратмаслик.

Қирқ отли Гўрўғлини кўрганнан даварагини қамап, ёздирмай туравирди. ("Қирқ минг", 8-б.)

Иркилмаслик – бу сўзда адабий тилдаги бир неча сўз ва сўз бирикмаларининг умумлашма маъноси мавжуд деб кўрсатиш мумкин. Масалан, ўйланиб ўтирмасдан, кутиб турмасдан, ушланмасдан, иккиланмасдан, қайғурмасдан, кўрқмасдан, бўлмағур хаёлларга бормасдан, хавотирланмасдан каби. Гўрўғли айтди: "Менинг аломат кўпорғонимди шўрдан биласиз: қирқ тўрт пошшонинг қирқ тўрт туви бор, шулардан бир тув йиғилса, иркилмай бораверинг"– деди. ("Қирқ минг",17-б.)

Ҳўнгуламак-ҳўкнуламоқ – отнинг орқа оёқлари билан юқори кўтарилиб тушиши, устидаги юкни ирғитишга ҳаракат қилиши. ***Ғирот Карам султонни кўкка отиб ҳўнкуламоққа қаради.*** ("Қирқ минг",21-б.)

Айтиш мумкинки, Шимолий Хоразм достонларининг тили Хоразм шеваларининг хазинаси. Шимолий Хоразм достонлари тилининг адабий тилдан фарқли томони – ҳар хил касб-корга оид сўзлар, жаргонлар, турли услубий қатламларга хос сўзлар, истеъмолдан чиқиб кетган тарихий ва эскирган сўзлар ўрни келганда ишлатила беради. Достонлар лексикасида кўпгина лисоний далиллар мавжуд бўлиб, улар Хоразм шеваларининг мураккаб ташкил топиш тарихини аниқлашда ҳамда унутилган кўплаб тарихий сўзларни тиклаш ва изоҳлашда ёрдам беради.

Жамила
ХОЛМУРОДОВА,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг кичик илмий ходими

Шаҳар театрларида

ХАЁЛОТИ БОЙ УНИНГ

Азимжон ҳаётда камдан-кам учрайдиган серқирра ва сермаҳсул ижодкор. Кўпчилик уни истеъдодли актёр, сўз устаси, режиссёр, театр мусаввири, ажойиб шоир ва иқтидорли драматург сифатида билади ва тан олади.

Азимжоннинг истеъдоди шаҳардаги 8-сонли ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида Ҳамза номидаги театр рассомига шогирд тушган кезларида намоён бўлган. 1960 йилда шу театрга ишрочи рассом вазифасига ишга қабул қилинган кундан бошлаб ҳаётини шу соҳага бахш этди. Мана, орадан 37 йилдан ортиқроқ вақт ўтибди. У репертуардаги ҳар бир спектаклнинг яратилиш жараёнида фаол қатнашиб, саҳна санъатининг барча соҳа ва қирраларини қунт билан ўрганди, унинг ўзига хос нозик томонлари ва сиру асрорларини билиб олди.

Ёш рассом театрнинг безак бўлимида ишлаб юрар экан, бош мусаввирнинг кўрсатма ва топшириқларини бажариш билан бирга, ўзи ҳам бирон спектакль бадиий безагини яратиш ҳақида орзу қиларди. Кунлардан бирида у ниятини раҳбарларга ошкор қилди. Шундан сўнг раҳбарият "Фарғона ҳикояси" спектакли безаш ишларини унга топширди. Унинг дастлабки иши театр раҳбарияти ва бадиий кенгаш аъзолари томонидан маъқулланди. 1966 йили ижодий жамоа Собир Абдулланинг "Алпомиш" мусиқали драмасини саҳналаштиришга киришади. Бу ишга Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ рассоми, давлат мукофотининг совриндори, атоқли ижодкор Мели Мусаев таклиф қилинади.

Мели ака спектаклнинг эскизларини тайёрлаб келган бўлса-да, лекин унга ёш мусаввир Азимжон томонидан ясалган макет жуда ёқиб қолади ва ёш ижодкорни руҳан кўтариш мақсадида "Алпомиш"-ни шу макет-безаш асосида саҳналаштиришга розилик беради, ўзи эса унга ёрдамлашиб туради...

Театр санъатига қизиқиш Азимжонни Тошкентдаги Театр ва рассомлик институтига етаклаб борди.

У 1965-1972 йилларда драма ва кино актёрлиги факультетида сиртдан таҳсил олди. Айни пайтда доимий ишловчи рассом йўқлиги туфайли безакчи рассом сифатида ишини давом эттирди.

Азимжон дастлаб ёзувчи Ибоҳоннинг "Нодира" драмасига саҳна безаклари ишлади. Спектаклнинг ютуғида истеъдодли артистлар билан бир қаторда изланувчан рассом — безакчи Азимжон Азизовнинг бой хаёлоти маҳсули ҳам гаров бўлгани кўпчиликка маълум бўлди. Рассом спектаклда қўллаган ҳар бир безак спектаклнинг ғоявий мазмунини очишда режиссёр ва актёрларга катта ёрдам берганини барча тан олган эди.

Шу кундан бошлаб Азимжон театрнинг саҳналаштирувчи ва кейинчалик бош рассоми сифатида ижод қила бошлади. У "Муқимий", "Нурхон", "Муқанна", "Ёрилтош", "Карвон шамоли", " Икки бойга бир малай", "Тоҳир ва Зуҳра", "Беш сўмлик келин", "Афандининг беш хотини", "Муҳаббат қасри" каби турли давр ва турли халқлар ҳаётини тасвирловчи ҳамда турли жанрдаги саҳна асарларини билим ва юксак дид билан безади.

Бу спектакларнинг саҳна безаклари, театр мутахассислари ва кенг жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди.

Азимжон бош мусаввирлик лавозимида ишлаб келаётган бўлса-да, лекин у ўзининг — актёрлик касбига ҳам содиқ. У ўтган давр мобайнида "Бой ила хизматчи" спектаклида Ҳоким, "Навоий"да Ҳусайн Бойқаро, "Тор-мор"да Арслон, "Абдулла Набиев"да комиссар Захаров, "Уфқ"да Муаллиф, "Нурхон"да Василий Иванович, "Герострат унитилсин"да Клеон каби 30 дан ортиқ ролларни маҳорат билан ижро этиб, мутахассислару жамоатчилик олқишига сазовор бўлди.

Маълумки ҳар бир актёр ўз ҳаётида ўнлаб ва юзлаб ролларни ўйнаши ва ролларнинг кўпчилиги томошабин хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши мумкин. Лекин унинг бутун вужудини қамраб, қалбидан чуқур ўрин олгани битта, иккита, кўпи билан учта роли бўлади холос.

1996-1997 йиллари Нурилло ҳожи Абдулло ўғлининг "Муҳаббат қасри," "Қўқоннинг ўн иккинчи дарвозаси" асарларида Шерхон ва Худоёрхон образлари ана шундай ролларидир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика давлат мукофотининг совриндори Мақсуд Юнусов саҳналаштирган ушбу асарларнинг саҳна безакларини Азимжон Азимовнинг ўзи яратди. Бу ҳар икки спектакль 1997 йили Тошкентда ўтказилган "Наврўз-97" ҳамда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқаро театрлар фестивалида қатнашиб, совринли ўринлардан бирини олди.

Азимжон театрда ишлаш чоғида, барча ижодий жараёнга бевосита ёки билвосита қатнашиб юрар экан, режиссёрлик санъатига ҳам катта ихлос қўйди. 1973-76 йилларда З.Мирзатов номли халқ театрида бош режиссёр ва мусаввирлик лавозимларида ишлаб юрган кезларида К.Яшиннинг "Тор-мор", Г.Мидивианининг "Консул ўғирланди", А.Арутунянинг "199 телба" асарларини муваффақиятли саҳналаштириб, бош ролларнинг кўпини ўзи ўйнаган эди.

Азимжон ўз ҳаётини саҳнасиз тасаввур қила олмайди. У яқинда Қўқон шаҳар Ҳамза номидаги театр саҳнасида Нурилло ҳожининг "Башар алломаси" асарида Ал Фарғоний, Иброҳим Раҳимнинг "Алломанинг ёшлиги" драмасида халифа Маъмун ролини муваффақиятли ижро этди.

Азимжон фикр доираси кенг, хаёлоти бой ижодкор. У сўнгги 20 йил мобайнида элга актёр, мусаввир, режиссёр сифатидагина эмас, балки истеъдодли шоир сифатида ҳам танила олди. Унинг шеърлари вилоят ва жумҳурият матбуотида ҳам тез-тез босилиб туради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Азимжон Азизов драматургия соҳасида ҳам тинмай ижод қилмоқда. Ўтган йили "Ота васияти" фожиасини ёзиб мухлисларга тақдим этди. Ҳозир "Шу ҳафта тўй" (ёки "Бахтли бўлинг") комедиясини тугаллаш арафасида.

Азимжон тиниб-тинчимайдиган ижодкор ва ташкилотчи. Кўқон шаҳрида ва атроф туманлардаги оммавий сайиллар, байрамлар Азимжонсиз ўтмайди. У барча тантаналар ҳамда миллий маросимларда сценарийчи режиссёр ва рассом сифатида иштирок этади. Шу боис Кўқон санъатини бу заҳматкаш ижодкор фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин у бундан кейин ҳам миллий санъатимиз равнақига катта ҳисса қўшади деб ўйлаймиз.

Алижон УМАРОВ,
Кўқон

Занжира

Занжира – форсча сўз. Композицияда асосий нақш билан рутани боғлаб турадиган инғичка ҳошия нақшдир. Тўғрироғи оддий шаклларнинг такрорланишидан ҳосил бўладиган занжирсимон нақш. У заминсиз ўйма бўлиб, кўпинча хандасий бўлади. Ганчкорликда, ёғоч, тош, мармар ва металл ўймакорлигида, наққошликда, каштадўзликда, кулолчиликда кўп тарқалган. Занжиранинг қуйидаги турлари мавжуд. Занжира рафтор (рафторсимон занжира нақш), ислимий занжира (ўсимликсимон нақш), элементларидан ташкил топган энсиз ҳошия нақш, айланма занжира (айлана шаклидаги занжира тури), ари занжира (ари ини шаклига ўхшатиб ўйилган занжира тури), гул занжира (гул шаклида ўйилган энсиз ҳошия нақш), жингалак занжира (жингалак шаклидаги занжирсимон нақш), лола занжира (лола шаклидан ташкил топган энсиз ҳошия нақш), қўш лола занжира (лола шаклда ўйилган икки қатор занжира), ғиштин занжира (энг оддий занжира тури бўлиб, ғишт шаклини эслатувчи энсиз нақш) ва бошқалар. Кўпинча тасвирий санъат асарларида ҳошия ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Тасвирий санъат турларидан ёғоч, тош, металл, ганч ўймакорлигида, наққошликда, зардўзликда, каштачиликда мураккаб бўлмаган геометрик ёки ўсимликсимон элементлардан ташкил топган гулдор энсиз ҳошияни кўриш мумкин. Буни ҳам усталаримиз занжира деб атайдилар. Заргарликда занжира зарбалдоққа, қашқарбалдоққа қилсимон симдан ишланади.

Мисгарликда ҳар хил нарсаларга занжира туширилади. Кулолчиликда лаган, коса, кўза, хум ва бошқа идишларга ҳар хил занжирлар ишлатилади. Кулолчиликда занжирнинг қуйидаги турлари бор: роҳи занжира, тумарча занжира, зулма занжира, қанот занжира , карниза занжира, зулук занжира, копток занжира, кулча занжира, гандум занжира, жингалак занжира, илмоқ занжира, ғилдирак занжира, барги занжира, кўчқорақ занжира, капалак занжира, занжираи ислими чор япроқ ва бошқалар.

Занжира ганчкорликда ва ёғоч ўймакорлигида асосий нақш билан рута нақшни боғлаб туради. Занжира содда бўлсада, жозибали кўринишга эга. Геометрик шакллар ўйилганда соя, ёруғ ва ярим соялар ўзига хос нафис кўринишга эга бўлиб, кишида ажойиб таассурот ҳосил қилади. Занжирадаги соя, ёруғ ва ярим соялар жуда чиройли кўринади, ўйилган занжира гўё ҳаракат қилаётгандек туюлади. Ганч ўймакорлигида намоён, токча, эшик, дераза, тахмонча ва бошқа жойларнинг четига ишлатилади. Ганч ўймакорлигида усталар ҳар бир ўймани масалан, намоён токча изора ва бошқаларни узоқдан ва яқиндан яхши кўринишини ҳисобга олган ҳолда ўядилар. Шунинг учун ҳам яхши ганчкорлик асари ҳар хил масофада жозибали кўринади. Бу ўринда занжира катта роль ўйнайди. Занжира узоқдан ўйма нақшнинг умумий боғловчиси вазифасини бажариб, намоён, токча ва бошқаларнинг гўзаллигини оширади. Токча тахмонларнинг умумий кўринишида ўйма занжира катта аҳамиятга эга. Яқиндан эса ўйма занжира элементлари ёруғ соянинг ҳар хил ўзгаришлари шароитида янада ўзгача кўриниш ҳосил қилади. Занжирани ўймаларнинг четига қўллашда жуда йирик олинса, ўймани кўримсиз ҳолатга олиб келиш мумкин. Агар жуда майда олинса, ўйма занжира кўринмасдан, оддий чизиққа ўхшаб кўриниб, ишлаган ўйманинг яхши кўринишига ёрдам бера олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ўйманинг четига занжира танлашда янглишмаслик керак. Занжиранинг эни ганч ўймакорлигида 8 сантиметргача бўлади. Занжираларнинг тузилиши ва мазмунига қараб, уларга ғиштин занжира, якка занжира, порсул занжира, айланма занжира, елпиғич занжира ва бошқа номлар берилади. Занжирага ном қўйишнинг ўзига хос қоидалари бор. Агар бир қатор занжира бўлса, якка занжира дейилади, агарда икки қатор бўлса, уни қўш занжира, елпиғич кўринишда бўлса елпиғич занжира дейилади. Ўйилган оддий занжира бўлак юзаларининг ўрталарига якка ҳол қўйиб чизилса бу занжирларни "чашмаи булбул" занжира деб юритилади ва ҳоказо. "Чашмаи булбул занжира" ҳақида халқ орасида бир ривоят бор.

"... Ўтган замонда бир подшонинг ҳушрўй қизи бўлган экан. У мисгар устанинг ўғлини севиб қолибди. Бу воқеа элга овоза бўлиб, подшо дарғазаб бўлибди-да йигитнинг отасини зиндонга ташлабди. Йигит эса куну тун изтиробда янги нақш ишлабди. Ниҳоят кумуш баркаш ҳолига отасини банди этган занжирнинг тасвирини нақшлабди. Мисгарнинг ўғли шаҳаншоҳ иродасига шак келтирибди, деб подшо йигитнинг бошини танидан жудо этишни буюрибди. Ана шунда бир донишманд уста йигит нақшлаган баркашни саройга келтирибди. "Шаҳаншоҳим, — дебди донишманд — ёш йигитнинг бир қошиқ қонидан кечинг. У занжир ҳалқаси ичида булбулнинг кўзини тасвирламоқчи бўлган экан. Лекин ясовуллар уни судраб келишган. Шу сабабли болафақир бунга улгуролмай қолган". У шундай дебди-ю, занжирлар ҳалқаси орасига нуқталар қўйиб чиқибди. Нақшнинг худди булбулнинг кўзига ўхшаб қолганини кўрган подшо йигитни қутқазибди. Шу-шу бу нақшни "чашмаи булбул занжира" дейдиган бўлишибди.

С.БУЛАТОВ

"АВЕСТО" – МАНГУ ҲИКМАТ ОБИДАСИ

Давра суҳбати

Яқинда "Гулистон" журнали таҳририятида халқимизнинг қадимий маънавий мероси зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби "Авесто"га бағишланган "Авестошунослик йиғинлари" деб аталган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда фалсафа фанлари докторлари, профессорлар — Тилаб Маҳмудов ва Исо Жабборов, санъатшунослик доктори, профессор — Муҳсин Қодиров, тарих фанлари доктори, профессор — Мусоқул Усмонов, мусаввирлар — Энгел Исҳоқов ва Любовь Тиора ҳамда шоир Асқар Маҳкам иштирок этдилар.

Қуйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.



Тилаб МАҲМУДОВ: – Бугунги анжуманимизнинг икки маъноси бор: биринчиси – "Гулистон" журналида чоп этилаётган "Авесто" ва унга бўлган айрим муносабатларимизни белгилаб олиш; иккинчиси – унга нисбатан жамоатчилик эътибори нечоғлик даражада эканлигини аниқлаш эди.

Ўн йил мобайнида биз бажараётган хайрли иш тарихчи олимлар, файласуфлар, санъатшунослар, тилшунос ва археологлар диққатини қанчалик жалб этганини билиш учун ўзини "Авесто"ни ўрганишга даҳлдор билган барча олим, рассом ва ёзувчиларни таклиф этдик. Афсуски таклифимизга саноқли кишиларгина ҳозиржавоблик билдирдилар. Гарчи "Санъат" ва "Гулистон" журналларида 1991 йилдан буён "Авесто" таржималари билан ўқувчиларни таништириб келсак-да, биздан кейин бу ишга қўл урган айрим олимлар наинки бизнинг таржималаримиз бўйича танқидий фикр-мулоҳазалар билдирдилар, ҳатто уларнинг бор-йўқлигига ҳам сукут билан жавоб қилмоқдалар.


Асқар Маҳкам "Авесто" таржимаси устида вақти, асаби ва соғлиғи эвазига жуда катта тер тўкди. Биз ҳам унинг ёнида тинч турмадик. Президентимизнинг "Авесто" ҳақида билдирган баҳоларидан кейин "авестошунос"лар сони кўпая бошлади. Биз учун янги имкониятлар уфқи кенгайди. 1999 йилдан бошлаб "Авесто"нинг "Вандидод" қисми "Гулистон"да чоп этилмоқда. "Авесто"нинг ҳозирча маълум ва тўлиқ матнини нашрга тайёрлаш устида қизғин иш олиб борилмоқда. Бу йўлдаги фаолиятимизга раҳнамолик кўрсатаётган Нарзулла Жўраев ҳамда Баҳодир Абдураҳимовларга миннатдорчилик билдиришимиз жоиз.

"Авесто" алоҳида китоб ҳолида нашр этилгунча журнал матни ўқувчилар қўлига етиб бормоқда. Бу шунчалик улуғ ва мўътабар маънавий хазинаки, уни тўлиқ таърифлаб ва тавсифлаб бўлмайди. Ишончим комил: муқаддас китоб матни билан танишган ўқувчи маънавий меросимизнинг бунчалик бой хазинасидан чексиз фахрланишидан ташқари, Ўзбекистон ижтимоий ва гуманитар илми соҳаларида ҳам янги бир руҳ ва йўналиш пайдо бўлади.

Ўз она тилида "Авесто"ни ўқиган халқимиз, айниқса, талабалар ва олимлар халқимиз ҳамда мамлакатимиз тарихи, маданияти, қадимги дини, санъати, давлат бошқарув тизими, яшаш тарзи, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари, шунингдек, одамзод ва табиат, инсон ва жамият ҳақида илмий тадқиқотлар, бадиий изланишлар доирасини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

"Авесто"ни дилга жо айлаган инсон, биринчи навбатда, комил инсон ҳақидаги шарқона тасаввурларнинг туғилиш даври, инсон камолоти ҳақидаги бобокалонларимиз, аждодларимиз ўгити ҳамда меҳнат ва ижодга чорловчи чақириқ ва ўгитлари билан яқиндан танишади. Ер, ҳаво, сув ҳамда оловга бўлган беғубор муносабат, теварак-муҳит покизалиги бўйича қайғуриш, виждон ва эътиқод мусаффолиги учун курашмоқ Зардушт пайғамбар таълимотининг тамал тоши эканлигига ишонч ҳосил қилади. Айниқса, меҳнат қилиш, замин, дон ва сувни покиза сақлаш тўғрисидаги қарашлар ҳамон одамзоднинг одам бўлиши йўлидаги маънавий шиор бўлиб жаранглайди. Ҳозир ҳам ҳар ким ўз юриш-туришида, фикру хаёлида ва ҳаётий фаолиятида "Эзгу фикрат, эзгу калом ва эзгу амал"ларга риоя қилиши ниҳоятда замонавий жаранглайди.

Мустақиллик туфайли "Авесто" каби буюк меросимиз ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга кириб келмоқда. Журналимизнинг шу йилги 4-5-сонларида босилган каминанинг "Авесто ҳақида"ги мақоласи бундан 20 йил аввал ёзилган ва чанг босиб ётарди. Мустабид тузум даврида унинг нашр этилиши амримаҳол эди. Энди "Авесто"ни ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ ва тарғибот этиш замони келди.



Муҳсин ҚОДИРОВ: – Бир пайтлар "Санъат", "Нафосат" деб аталган, ҳозирги "Гулистон" журналининг анча йиллардан буён таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб келаман. Ростини айтганда, "Гулистон" тарихимизни, маънавий меросимизни ёритишга сўнгги йилларда жуда катта эътибор бермоқда. Шулардан учта катта асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, журнал саҳифаларида кетма-кет босилиши наинки журналхонлар учун,

балки олимлару санъаткорлар учун ҳам бебаҳо армуғон бўлди. Мен Рюи Гонзалес де Клавихонинг сафар хотираларини, "Авесто"ни, Жалолиддин Румийнинг маснавийларини назарда тутяпман. Айниқса, "Авесто"нинг таржимаси, унга берилган изоҳлар умуман тарихчиларни, жумладан, санъат тарихи билан машғул олимларни чексиз қувонтирди.

Мен томоша санъатлари тарихчисиман. Айниқса, мустақиллик йилларида томоша санъатлари (анъанавий театр, рақс, цирк), байрамлар, театрлашган маросимлар, майдон томошалари ва ўйинлари тарихини ялпи тадқиқ этар эканман, баъзи ҳодисалар, тимсоллар мени ҳайратга солади, ўйлантиради. Шулардан бири – баччаларнинг аёл қиёфасида ўйинга тушиши. Буни рус этнографлари, сайёҳлари аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашмаслиги оқибати, маънавий тузилиш белгиси сифатида талқин этганлар. Мен бу тўғрида кўп маълумотлар тўплаб юрсам-да, бу ҳодисанинг мағзини чақолмаганимдан, бир нима демай юрардим. "Авесто" яштларини ўқир эканман, уни баъзиларнинг аёл қиёфасида олов атрофида ўйинга тушиши ҳамда XIX аср охири ва XX аср бошида Бухоро, Қўқон ва Хивада машъалалар билан, кемада сузувчи аллақандай маликай, унга йўлдош ва унга қарши курашувчи ниқобли девлар, Рустамнинг баҳайбат қиёфаси иштирокида кўрсатилган антиқа томошалар билан солиштириб ўйлар эканман, ҳамма нарса ойдин бўлди-қўйди. Болалар аёл қиёфасида олов атрофида рақсга тушар, масхара унинг юзини ёритиб тағрифини келтирар экан, атрофни ўраб турган томошабинлар бир пайтлар шунчаки ўйинни эмас, балки мусулмонлик даврида Анбар онага айланган зардуштийларнинг Анахита-Ардвисура тимсолини кўрганлар. Одатда намозшомда намойиш қилинадиган антиқа томошада ўша Анахита-Анбар онанинг ўз маҳрамлари билан Амударёда сайр қилиши, девлар ва аждаҳолар билан кураши, наҳанг балиққа дуч келиши, Рустамнинг унинг томонида туриб жангга кириши тасвирланган.

Аммо шу чоққача рус ва ўзбек тилларида "Авесто"нинг яштлари-қасидалари билангина таниш эдик. Мана бу йил "Гулистон" журнали "Янги Авесто"нинг таркибий қисми бўлмиш "Вандидод" китоби таржимасини бера бошлади. Шубҳа йўққи, бу таржима, айниқса, "Авесто"нинг нашрга тайёрланган тўлиқ таржимаси босилиб чиқса, санъатимиз тарихидаги кўпгина чигал даврлар, масалалар, сюжетлар ва тимсолларнинг ойдинлашувига хизмат қилади.

Мен "Авесто" бўйича бир қатор илмий суҳбатлар ўтказиш хусусидаги таклифни қўллаб-қувватлайман. Бир яхши илмий анжуман Хивада Маъмун академиясида ўтказилса яхши бўларди. Анжуманни аниқ бир мавзуга бағишлаш мақсадга мувофиқ. Балки мавзу "Авесто ва Хоразм" бўлар. Мавзуни анжуман ташкилотчилари – "Гулистон" журнали таҳририяти, Маъмун академияси, Темурийлар давлат музейи, Эрон элчихонаси яна биргаликда ўйлаб кўриб ҳал этишса яхши бўлар эди.

"Авесто" – аждодларимиз қолдирган муқаддас китоб. Унга қанча эътибор берсак, эъзозласак, ўргансак, тарғиб қилсак арзийди.



Мусоқул УСМОНОВ: – Одамзот яратган маънавий бойликлар шунчалик серобки, уларнинг ҳаммасини санаш амримаҳол. Ақл дурдоналари саналмиш ҳикмат обидалари инсониятга беназир хизмат қилиб, одамлар ақли, тафаккурини чархлайди, тўғри йўлга бошлаб, эзгуликка етаклайди. Ана шундай дурдоналардан бири "Авесто"дир. "Авесто" ҳақида талабалик йилларида эшитишлик насиб этганди. Бахтли тасодиф билан 1960 йили Бокуда рус тилида нашр этилган мўъжазгина китоб қўлимга тушиб қолди. Шундан буён "Авесто" ҳақида рус ва ўзбек тилларида чиққан асарлар билан танишиб бордим. 1991 йили "Санъат" журнали шоир Асқар Маҳкам таржимасида "Авесто"ни чоп эта бошлади. Ҳар янги сонини интизорлик билан кутардим. Асқар аканинг савобли иши менга минг олам қувонч бағишлаганди. Сирли хилқат оғушида ўзимда йўқ даражада таъсирланганлигим ҳам рост. "Авесто"ни ўқиган сайин менда бу илоҳий китобга нисбатан тушунтириш қийин бўлган ҳолатга келардим. Одоб-ахлоқ ҳақида баҳоли қудрат қалам тебратиб юрганлигим сабабли, менга бу илоҳий неъмат янаям бошқачароқ таъсир қилди. "Авесто" ҳақидаги илк машқларим 1996 йили чоп этилган "Донишмандлар одоб-ахлоқ ҳақида" китобимда дунё юзини кўрди. "Авесто"-инсон ҳаёти, турмуши ҳақидаги китобдир. Одамзотга нима керак бўлса, ҳаммаси бу илоҳий китобда ўз аксини топган. Она замин улуғланган, шарафланган, бир сўз билан айтганда, муқаддаслаштирилган, ҳаво илоҳийлаштирилган, сувни азиз ҳисоблаганлар, қуёшга сажда қилганлар. Буларнинг ҳаммаси аждодларимизнинг ўта нозик дидлигидан, атрофга бефарқ қарамаганлигининг мевасидир.

"Авесто"ни бот-бот ўқиб, шундай хулосага келдимки, унинг ижодкорлари катта истеъдод соҳиби бўлганлар. Уларнинг топқирлигидан лол қоласан, тафаккурининг кучлилигига тасаннолар айтасан. Кенг қамровли фикрлар олмосдек кескир, айни вақтда, жуда тиниқ, садафдек ярқирайди. Мантиқ кучли, маъно мўл. Ушбу жойда таржимонининг маҳоратига қойил қолиш керак. Шундай чиройли ўгирилганки, мойдек ёқади, тиниқ мусиқа эшитгандай мазза қиласан. 1999 йил "Гулистон" (олдинги "Санъат") яна савобли ишни бошлади. "Авесто"нинг янги-янги саҳифалари дунё юзини кўра бошлади.

Яқинда бир газета таҳририятида гап гапга уланиб, хулласи калом, "Хўш отахон, нима олиб келдингиз?" деб сўраб қолдилар. Мен ийманибгина "Авесто" ҳақидаги машқларимдан бирини кўрсатдим. Суҳбатдошим Акмал Акромовнинг кўзлари чақнаб, "Буни-ку, чиқарамиз, лекин "Авесто"ни қўймайсиз" дедилар. Керак бўлса, ҳар ҳафтада чиқади", деб кўнглимни шундай кўтардики, бу ижодкор учун энг катта бахт эди.

"Авесто"нинг қирралари сероб, гўёки уммон, чашмадек қайнайверади, у дуру жавоҳирлар хазинасидир. Унинг бетакрор ўгитлари, сермаъно пандлари, боқий насиҳатлари ниҳоятда ҳаётий, яшовчан. "Авесто" ҳикматларининг мазаси тотли, ранглари мунаввар, ҳидлари муаттардир. Унинг ҳаётбахш ҳикматлари инсониятга яна ҳам беминнат хизмат қилиб, уларни маънавий бойитаверади.



Исо ЖАББОРОВ: – Маълумки, яқин-яқинларгача Хоразм тўйларида, халқ сайилларида кечала-

ри гулхан ёқилиб, атрофида санъаткорлар ва раққосалар томошабинларга ўз санъатларини намойиш қилиб келганлар. Бундай маросимларнинг ҳозиргача сақланғани ва нафақат археологик қазилмалардаги деворий расмлардаги тасвирида, Наврўз байрами вақтида ўтказилганлигини Абу Райҳон Беруний ҳам хабар беради.

Хоразм рақслари ва куйларининг энг қадимийлигини тасдиқлаш учун тадқиқотчилар бутун Марказий Осиёда антик замонда кенг тарқалган, илк ватани Хоразм ҳисобланган зардуштийлик дини ва унинг маросимлари билан боғлайдилар. Асли халқ байрамлари, сайиллари, куй ва рақслари ибтидоий даврлардан бошланиб, айниқса, илк давлатлар ташкил топгандан сўнг диний байрам ва маросимлар билан узвий боғлиқ бўлган. Қадимги Хоразмда ҳам кўп санъат намуналари, байрамлари ва сайиллари диний тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам маҳаллий маросимлар ва уларда ижро этиладиган рақс-ўйинлар "Авесто" ақидаларини ифодаланганлигини тадқиқотчилар қайд қиладилар. Масалан, Хоразм лазгисининг қўл ҳаракатлари илоҳий руҳдаги ҳарбий рақсларни эслатади. Этнограф Тўра Қиличевнинг таърифича, "Ибтидоий хоразмликлар ҳам ирокезларга ўхшаш ҳарбий рақслар ташкил қилганлар ва зафар тантаналари ўтказилганлигини исботловчи қадимий "лазги" ўйини ҳозиргача ўйналиб, ҳарбийлик характерини ўзида сақлаб келаётир". Мазкур ҳарбийнинг тизими муайян қонун-қоидаларга таянган ўзига хос бошқарув ташкилотлари мавжудлигидан дарак беради.

Хоразмда ибтидоий жамоа муносабатларидан мулкчилик муносабатларга ўтиш ва илк давлатчилик ришталари пайдо бўлаётган даврига оид анчагина археологик ёдгорликлар ҳам мавжуд. С.П.Толстов маълумотларига кўра, урушдан олдинги тўрт йил ичида унинг экспедицияси аъзолари аниқлаган ёдгорликлардан 400 дан ортиғи эрамиздан аввалги IV минг йилликдан эрамизнинг XIV-XV асрларигача бўлган катта давр оралиғидаги Хоразмнинг қадимги дунёсини янгича кўз билан кўриш имконини яратди.

Сариқамиш бўйи ҳавзаси ҳудудида жойлашган Кўзалиқир шаҳристони ўтиш даврининг асосий обидасидир (эрамиздан аввалги VI-V асрлар). Бу ҳарбий истеҳкомлар аниқ структураси ва тизимига эга бўлган илк Хоразм шаҳарларидандир. Кўзалиқир тураржой массивида олиб борилган қазиш ишлари жараёнида нақшинкор идиш, қурбонлик амалга ошириладиган тўрт оёқли тош буюм бўлаги, учи қуббали бронза буюм парчаси, тилладан ясалган шохдор така боши ва эрамиздан аввалги VII-V асрларга оид сақлар қабрларидан олинган буюмларни эслатувчи бошқа нарсалар топилди. Қадимги мозорқўрғонларда воҳа ва дашт маданиятлари бир-бирларига ўзаро кириб боргани аниқ кўзга ташланади. Қадимги Хоразмнинг чекка жойларидаги кўплаб обидаларни текширганда, уларда дафн расм-русумлари ғоят хилмахил бўлганлиги, айни маҳалда, Хоразмдаги зардуштийлик расм-русумларида остадон (оссуарий – вафот этганларнинг суяклари сақланадиган идишлар) типидаги қабрлар кенг тарқалган маҳаллий дафн одатларига ҳам кучли таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Энг муҳими, мазкур диний ақида асли дастлабки инсонпарварлик ва социал утопия ғоялари билан яқинлигини кўрсатади.

Зардуштийлик таълимотида инсон муаммоси ва мавқеи унинг эзгулик кучларининг узил-кесил ғалабаси гўё Зардуштдан уч минг йил кейин, унинг кўлда сақланган уруғидан пайдо бўлган халоскор-Саошянта келгандан сўнг намоён бўлади (бу ғоя кейинчалик жаҳон ва бошқа динларга ўтган). Инсоннинг асосий бурчи адолатли яшаш тарзи "эзгу фикр", "эзгу сўз", "эзгу иш" орқали ёвузликка қарши кураш бўлиши зарур. Эзгулик учун кураш воситаларидан бири моддий бойликларни кўпайтириш, фаровон турмуш яратишдан иборат. "Авесто" пантеонига кирган энг ҳурматли маъбудлардан Қуёш, Митра ўз образида матиархат даврига оид белгиларни ифодаловчи ҳосилдорлик ва сув илоҳаси Ардвисура Анаҳита диққатга сазовор.

С.П.Толстовнинг ёзма манбаларга ва археолог қазишмаларга асосланиб зардуштийликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Зардуштийликдаги олов, сув, хаома, гуаш Урвана билан боғлиқ илоҳий ва табиат кучларини ифодаловчи маҳаллий рамзий маъбудалар мавжуд бўлган. Шулардан қадимий ҳинд-эронликлар, жумладан, хоразмийликлар, бақтрияликлар, сўғдийлар, маргиёналиклар ва ўртаосиёлик халқларда кенг тарқалган Осмон ва Зам номли мовий ва ер маъбудалари, Хвар ва Мах номли Қуёш ва Ой маъбудалари диққатга сазовор. Тадқиқотчиларнинг мазкур номлар билан Хоразм этимологиясини боғлаб, бу атама "Хвар" (Офтоб) ва "Зам" (Ер) сўзларидан келиб чиққан, деб фараз қилишлари ҳақиқатга анча яқин, деса бўлади.

Узоқ ўтмишда ёзма манбаларда тилга олинган бу улуғ ва ажойиб ўлка афсона ва ривоятларда ҳам куйланган, "Шоҳнома" каби буюк асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Антик Хоразмнинг буюклигини дабдабали қалъалар ва қасрларнинг бизгача етиб келган сон-саноқсиз харобалари ҳам тасдиқлайди.

Зардуштийлик дини яратилиш даври қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, бу вақтга оид ёдгорликлар жуда кўп ва хилма-хилдир.



Любовь ТИОРА: – Маънавий ва бадиий изланишлар, ижодий тажрибалар ва ечимлар бизни қадимий маданиятни, фалсафа ва динни, илм манбаларни ўрганишга чорлайди. Инсониятнинг қадимий маънавий ёдгорликлари бўлган Инжил, Қуръон, И-цзин, Дао, Манъёсю (Япония) кабиларни ўрганар эканмиз, шубҳасиз, зардуштийлик ва "Авесто"ни четлаб ўтишимиз мумкин эмас эди. Дастлабки танишувдаёқ биз бу қадимий ёдгорликда катта ижодий имкониятни кўрдик. Табиат, Борлиқ, Олам яралиши мадҳияларини эшитдик. Ва биз айнан шу нарса универсал билим, биз учун зарур бўлган ва ижодимизга янги куч-қувват бағишловчи универсал дунёқараш эканини тушундик. Зардуштийлик ва "Авесто" бўйича имкон қадар доналаб материаллар йиғилди. Булар таржималар, изланишлар, энциклопедиялар, қўлланмалардаги ғоят ихчам хабарлар, археологик экспедицияларнинг натижаларидир.


Шундай қилиб, "Авесто" турли қатламлардан таркиб топган мураккаб тарихий, маънавий ёдгорликдир. Дастлабки қадимий мифологик қатлам (бунда илк ғояга, прообразга асос солинган), иккинчиси диний-фалсафий, рамзий қатлам (соҳибкаромат Зардушт даври), учинчиси эса этнографик қатламдир (бизгача етиб келган ёдгорликлар, қазилмалар, етиб келган ёзма маълумотлар ва ҳ.к.).

"Авесто"ни ўрганиш, ижодий ривожлантириш, безак ишлаш вақтида бу қадим тарихий ёдгорликни исталган ракурсда ўрганиш имкони очилади.

Шу ўринда яна бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. "Авесто" матнларини таржима қилиш вақтида шахсий исмларни,

шунингдек, рамзий аҳамиятга молик ва керакли жойларни таржима қилмай, ўз ҳолича қолдириш зарурати туғилади. Чунки "Авесто" матнлари ёзилган бирламчи тилда ғоянинг кўпқатламли, мазмуни (бунда сўзнинг ўзи), унинг айтилиши каркас (синчли), кодланган (яширинган) звено бўлади. Ана шу каби сўзлар таржима қилинганда, ўз асосини, демакки, ўзининг илоҳий, соҳибкоролик хислатини йўқотади. Яъни шу назарда тутиладики, "Авесто" XXI асрни янги, шу билан бирга тушунча ва тимсолларнинг қадимий ҳамда абадий кодланган луғати билан бойитади.

Ишонамизки, "Авесто"ни турли тилларда кенг нашр этиш буюк қадимий ёдгорлик сифатида кўплаб одамлар диққатини тортади, уларни қизиқтиради.




Энгел ИСҲОҚОВ: – Биз тақдим этган Ўрта Осиё халқларининг қадимий абадий ёдгорлиги бўлган "Авесто"га ишланган безаклар узоқ ва катта маърифий-ижодий йўлнинг натижасидир.

Бу мавзу билан мен йигирма йилдан ортиқ рассом Любовь Тиора ўн йилга яқин шуғулланиб келамиз. "Авесто"нинг ниҳоятда катта, чексиз мавзуси, бутун борликни англаш мавзуси бизнинг ички оламимиз, ички руҳиятимизга айланди ва, оқибатда, "Авесто"ни англаш йўлида ишланиб, безаклар шаклида тақдим этаётганимиз бадиий ифода воситаси юзага келди.

Булар "Авесто"нинг қадимий қатламларини акс эттирган менинг белгили графикам (знаковая графика), "Авесто"нинг классик қатламларини очиб берувчи Л.Тиораниng фалсафий-рамзий иллюстрациялари (безаклари) бўлиб, шубҳасиз, булар шарҳ ва тушунтиришларга муҳтож. Л.Тиораниng катта истеъдод билан яратилган юксак ҳис-туйғуларга бой бу график ишлари "Авесто" маданий меросида янги сўздир.

Бизнинг ишларимиз, шунингдек, "Гулистон" журналининг ташаббуси қадимий адабий ёдгорликни янгича ўзлаштиришда, борлиқ ва олам ҳақидаги қадимий ҳамда абадий тафаккурнинг янгича йўналишида қудратли ижодий муқаддима бўлади, деб ўйлаймиз.

XXI аср бўсағасида инсон омили, инсониятнинг, бутун планетанинг руҳий дастури дунё миқёсидаги буюк маънавий тизимни талаб қиладики, бунга "Авесто" сингари буюк маънавий маданият ҳам киради.



Аскар МАҲКАМ: – Менга кўпинча "Нега "Авесто"ни таржима қиляпсан?" деб савол беришади. Бу шунчаки қизиқувчан одамнинг саволи эмас. Савол бергувчи "Нега сен динимизга ёт китоб билан шуғулланиб қолдинг?" демоқчи. "Кунинг ўтмаяптими?" деганлар ҳам бўлди. Қизиққон имомларимиздан бири "Хутба"га қўшганини ҳам эшитдим. Телевизорда "Юзма-юз"да эса жуда ҳаддан ошишди. "Хўш, Хожи ака, намоз ўқийсиз, рўза тутасиз, нега энди?.." ёки "Қўрқмайсизми?.."

Бир ривоят ёдимга тушади. Буюк имом Курсовий жаҳолатга ботган ўтган аср Бухоросига қадам босибди-да даҳшатга тушибди. Оврупо осмонга нарвон қўяётган замонлар. Илм-фан янги босқичга кўтариляпти. Паровоз, буғ кемаси, тўп ва танклар... кашф этиляпти. Бухорода эса... бир замонлар дунёни ақл-тафаккури билан лол-ҳайрон қилган Бухорода "андоқ урган эди, ернинг қатиғи чиқиб кетди, мундоқ қилиб сўққан эди осмон қулади..." қабилидаги ҳаёт. Имом афсус чекибди-да, ҳукмдорнинг ҳузурига бориб, олам ва унинг бугунги аҳволи хусусида сўзлаб берибди. "Жаллод, – дебди ҳукмдор – бу муртадни кундага ўтиргизинг..."

Билмадим, балки ёлғондир, лекин имом таниш-билишлар орқали тунда бир азоб билан Бухородан қочиб чиқиб кетибди...

"Авесто" хоҳ диний, хоҳ дунёвий китоб бўлсин, у ҳақиқатда ўз умрини яшаб бўлди. Эртага бутун дунё кўчага чиқиб "Қани бир оташпараст бўлайлик-чи!.." дейилса ҳам оташпарастлик эътикодининг заррасини ҳам амалда бажариб бўлмайди. Ер юзида қарийб олти миллиард аҳоли яшайди. Шундан атиги 400 минг атрофида оташпараст, яъники зардуштий бор. "Авесто" буюк тарих китоби. Бу бутун башариятга тааллуқли китоб. У ҳеч кимни сен – яҳудий, сен – насроний, сен – мусулмон, ёхуд сен – фаранг, сен – тунғус, сен – сарт демайди. "Авесто" илк одамлар ҳақидаги ҳикоят. Ер юзида бундан беш минг йиллар бурун ҳам одамлар яшашган. Улар ҳам кимгадир сиғинган, кимдандир нафратланган... Маййитларни ерга кўмайлик деса, ердан ўзга боқувчиси йўқ. Булғанади. Сувга кўмайлик деса, бутун дунёни касаллик қоплайди. Оловда эса таом пиширилса... Энг яхшиси, тоққа олиб бориб ташлаймиз, қушлар еб кетсин. Бу – зардуштийлик. Бугун миллионлаб мурдани тоғларда қалашиб ётганини тасаввур қилиш мумкин эмас. Аммо Зардушт замонида ер юзида бир ҳовуч одам яшарди, холос...

"Авесто" – башарият ибтидо топган даврнинг китоби. Одамлар иқлим ва унинг турли инжиқликлари, табиий офатлар ва ёвуз кучларнинг олдида забун. Зардушт уларни яшашга ўргатади. Ер ости шаҳарлари – варларни бино этади, одамлар ва жониворлар совуқдан қирилиб кетмасликлари учун тадбир топади.

"Авесто" – деҳқоннинг китоби. Шунинг учун буғдой экқан кимсани тобора илоҳийлаштиради. Буғдой сочган кимсани жаннатларига бошлайди. "Кимки буғдой экса, у Ҳақиқатни экқан бўлади..." дейди Зардушт.

Одам моҳиятан Зардушт замонида ҳам одам эди, ҳозир ҳам. Унинг ақл-тафаккури, ҳатто оёқларини ҳам нафс бошқаради. Зоҳидлар ҳар қанча нафсни сўкмасин, уни енгиб ўтиш мумкин эмас. Ҳар қандай цивилизацияни онг эмас, нафс яратади. Унинг ягона айби – ҳаддан ошиши. Кимдир бу дунёда гўшт тановул қилмаслиги мумкин. Аммо, у шу туфайли ё соғлом бўламан, ё узоқ яшайман, деб ўйлайди. Бу нафс эмасми? Зардушт нафсни маҳкум этмайди. Унга этак қоқмайди. Аксинча, бу дунёнинг неъматларидан портлаб кетгунча истеъмол қилманғиз, дейди. Одам моҳиятан Зардушт замонида ҳам одам эди. Орадан ўн йил ўтди. Зардуштнинг мен таржима қилган беш-олтита яшт-ларини ўн йил ўтиб бирор инсон "ўқидим" демади. Албатта, бу маърифатсизликдир, балки мутлақо маърифатнинг ўзидир. "Вартрагна қасидаси" – бу нима? Бу шўрлик қасида бугунги маърифатли одамга ҳеч нарса бермагандир. Ёлғон айтдим. Бир тарихчи олим қаттиқ ҳаяжонланганини гапириб берган эди...

Суҳбатни
***М.НАБИЕВА** ёзиб олди.*

АВЕСТО

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

58

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув чап соңга етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв эркаклик ё хотинлик андомига яширинади. (Агар нопок эр бўлса, дастлаб сув унинг орқасига сочилиб, сўнгра олдига сочилади. Агар хотин бўлса, даставвал унинг олдига сув сочилиб, сўнг ортига сочилади.)

59

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг эрлик ё аёллик андомига етгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг болдирига чекинади.

60

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг болдирига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап болдирига яширинади.

61

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап болдирига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг тизига яширинади.

62

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг тизига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап тизига яширинади.

63

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап тизига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг соқига* яширинади.

64

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг соқига етгач, мурдор деви насв қаёққа чекинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап соқига яширинади.

65

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап соқига етгач, мурдор деви қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг қабзига яширинади.

66

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг қабзига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап қабзига яширинади.

67

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап қабзига етгач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг товонига яширинади.

68

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг ўнг товонига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг чап товонига яширинади.

69

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Пок сув нопокнинг чап пошнасига етиб боргач, мурдор деви насв қаёққа яширинади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Мурдор деви насв нопокнинг ўнг оёғи кафтига яширинади (у чивиннинг қаноти шаклида кўзга намоён бўлади).

70

Нопок ҳар икки оёғининг бармоқларини ерга қоқмоғи ва ўнг оёғи кафтига сув қуйишлари учун товонларини кўтармоғи керак.

Мурдор деви насв унинг чап оёғи кафтига яширинади. Шунда чап оёқ кафтига сув қуймоқлари лозим.

Мурдор деви насв ўнг оёқ бармоқларига яширинади (у чивиннинг қаноти шаклида кўзга ташланади).

71

Нопок ҳар икки оёғининг товонини ерга қоқмоғи ва ўнг оёғи бармоқларига сув пуркашлари учун кўтармоғи керак.

Мурдор деви насв чап оёқ бар-

Изоҳ:

*Оёқнинг тиззадан ошиққача бўлган қисми.

моқларига яширинади. Шунда чап оёқ бармоқларига сув сепилади.

Виз-визлаган чивин жисмига сингган насв деви нопокнинг орқа-олдидан чиқиб, энг чиркин ва палид хафтсралар маконига қочиб кетади.

... Шундан сўнг энг файзбахш ва нажотбахш ушбу дуони зикр эт:

. . . . . *

Саккизинчи бўлим

73

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ниманидир қидириб юрган ёхуд чопиб бораётган яёв ё суворий, арава ҳайдаб кетаётган маздапарастлар мурдорни оловда пишираётган ёхуд куйдираётган кишиларга дуч келсалар нима қилмоқлари лозим?

74

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Улар мурдорни оловда куйдираётганларни сўзсиз ўлдиришлари керак.**

Шундан кейин қозонни тўнтариб, ўчоқни бузиб ташлайдилар.

75

Қаловга ҳозирланган барча ўтинлар оловга ташланади.

Оловни тезроқ сўндириш учун паришон ва пароканда қилиб сочиб юборилади...

79-80

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким ашаванларга йўл тутиб, ёниб турган оловга бу дунёнинг энг хушбўй гиёҳлари уруваснй, вуҳавгавда, вуҳав-гиритий ёхуд хаза-наипата шохчаларини ташласа ва шамол бу хуш ҳидларни тўрт томонга ёйса, минглаб ноаён девлар, минглаб зулумот девлари, минглаб жоду ва парилар, Аҳура-Мазданинг ўғлони бўлган оловга йиқилиб, жизғанак бўладилар.

Тўққизинчи бўлим

81

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор ёқувчи оловни Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг топқуси оқибати бу моддий оламда Баҳром оловига ўн минг пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

82

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Дори-дармон тайёрлатувчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг топқуси оқибати бу фоний оламда Баҳром оловига минг пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

83

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сув иситувчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг топқуси ажри бу оламда Баҳром оловига беш юз пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

84

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Оҳакпазлар қўраси оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг топгуси ажри бу ўткувчи оламда Баҳром оловига тўрт юз пора оловни келтириб қўшган билан баробардир.

85

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сополчилар қўраси оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибат не ҳол бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг топқуси ажри бу гўзарон оламда ўз қўрасида пишган сопол парчалари миқдоридаги олов пораларини Баҳром оловига келтириб қўшгани билан баробардир.

86

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Омоч ясалгувчи қўра оловини Баҳром оловига айлантирган кишининг жони танасидан жудо бўлгач, оқибати нечук бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг топқуси мукофоти ўша омоч билан ҳайдаган ерларда унган гиёҳлар миқдоридаги олов пораларини Баҳром оловига келтириб қўшгани билан баробардир.

87

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Бу фоний дунёда заргарлик оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак оқибати нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу дунёда у сазовор бўладиган мукофот юз пора оловини Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

88

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Сийм эритгувчи оловни Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топажак ажри нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу фоний оламда ул топажак ажр тўқсон пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

89

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Қалай эритгувчи оловни Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу ўтгуси оламда у зот сазовор бўладиган мукофот саксон пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

90

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Темир эритгувчи қўра оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу жисмоний оламда ўша Зот топқуси оқибат етмиш пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

91

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Тандир оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танаси-

---

Изоҳ:

* Ушбу фаргарднинг 19, 20, 21-бандлари.

** Мурдорни куйдираётган кимсалар ўлдирилиши керак. Умуман, зардуштийлар ақидасига кўра тўрт тоифа кишилар сўзсиз хеч қандай ҳукм ва ҳакамсиз қатл қилинадилар. Булар: мурдор ёқувчи, йўлтўсар қароқчи, баччавоз ва энг қабиҳ гуноҳ устида қўлга олинган кимса.

дан жудо бўлгач, топажак ажри нечук?


Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу моддий оламда у топажак оқибат олтмиш пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

93

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Урдугоҳ оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси мукофоти нечукдир?



92

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Ўчоқ оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нима бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу фоний дунёда ул зот топқуси оқибат эллик пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу жисмоний оламда ул зот топқуси оқибат қирқ пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

94

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Чўпонлар оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу моддий оламда ул зот топқуси оқибат ўттиз пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

95

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кўчманчилар оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу фоний оламда ул зот топқуси оқибат йигирма пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

96

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Хонадон ўчоғи оловини Баҳром оловига айлантирган кимсанинг жони танасидан жудо бўлгач, топқуси ажри нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бу даҳри дунда ул зот топқуси ажр ўн пора оловни Баҳром оловига келтириб қўшган билан баробардир.

Ўнинчи бўлим

97

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Олис бир ерда дашт-биёбонларда мурдорга туйқус дуч келган одам пок бўла оладими?

98

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Албатта, пок бўлади.

– Қандай покланиши мумкин?

– Итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни ҳайдаган бўлсалар, у танасини уч марта кўмиз билан ювиши ва уч марта қуруқ қўл билан ишқалаши ва ҳар гал бу амални бошидан бошлаши лозим.

99

... Агар бордию итлар ва ўлаксахўр қушлар мурдор деви насвни ҳайдамаган бўлсалар, у танасини ўн беш маротаба кўмиз билан ювиши ва ўн беш марта қўли билан ишқалаши керак.

100

... Шундан сўнг минг қадам масофага югуриб, дуч келган биринчи одамга хитоб қилади:

"Бу – менман! На идрок, на сўз ва

на амалимда заррача гуноҳ қилиш хаёли бўлмаган ҳолда дафъатан мурдорга дуч келдим. Мен пок бўлмоқни истайман!"

Агар йўлиққан одам уни поклашга ҳаракат қилмаса, унинг бир одим гуноҳи афу этилади.

101

... У яна бир йўловчига йўлиққунга довур минг одим югуради.

Агар йўловчи уни поклашга ҳаракат қилмаса, гуноҳининг ярми афу этилади.

102

... У яна бир йўловчига йўлиққунга қадар минг одим югуради.

Агар йўловчи уни поклашга ҳаракат қилмаса гуноҳи буткул афу этилади.

103

Шундан сўнг у бир обод жойга – уйми, қишлоқми, шаҳарми – етгунга қадар шитоб этмоғи ва баланд овозда хитоб қилмоғи керак:

"Бу – менман! На идрок, на сув ва на амалимда заррача гуноҳ қилиш хаёли бўлмаган ҳолатда туйқусдан мурдорга дуч келдим. Мен пок бўлмоқни истайман!"

Агар одамлар уни поклашга ҳаракат қилмасалар, у кўмиз ва сув билан ўз танасини ювади-да покланади.

104

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар у йўлда сувга дуч келиб қолса ва сув булғанса жазоси нима бўлади?*

105

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўрт юз марта саваланади.

106

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Агар у йўл-йўлакай дарахтларга дуч келса ва оловни булғаганлик товони** гарданига тушса, жазоси қандай бўлади?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Аспаҳиҳ-ашатра ва саравушу-чарана қамчинлари билан тўрт юз мартадан саваланади.

107

Ушбу фармонларга бўйсунган зотларнинг ажрини баён айладик.

Кимда-ким бу фармонларга бўйсунмас экан, шубҳасиз жойи жаҳаннамдадир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАРГАРД
Биринчи бўлим
(алиф)

1

Зардушт Аҳура-Маздадан сўради:



Л.ТИОРАнинг "Авесто" туркумидан.

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Мурдор билан булғанган танасини покламоқчи бўлган одам кимга юз бурмоғи керак?

2

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Маздапарастлар динидаги барча расм-русумларни комил даражада биладиган бир ашаванга юзланмоғи лозим.

Ўша мард тўрт гўшали заминда унган гиёҳларни тўққиз газ узунлигида узмоғи даркор.

Бу тўрт гўшали замин ер юзининг сувсиз, бўм-бўш ва қуп-қуруқ қисмида бўлиб, қўйлар суруви ва йилқи у ердан ниҳоятда оз ўтади. Аҳура-Маздаинг ўғлони – олов у ерда камданкам ёқилади, барсам дасталари ва диний маросимлар деярли кўзга ташланмайди. Ашаванлар у ерда аҳён-аҳён ўтиб қоладилар.

Изоҳ:

* Борди-ю сувни кечиб ўтишга тўғри келиб қолса.

** Бу ўринда ўтинликка ишлатиладиган дарахтлар назарда тутилмоқда. Агар кимса ўшандай дарахтларга қўл теккизса гуноҳкор саналади.


4-5

– Эй, оламни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

– Оловдан нечоғли олисда?

– Сувдан нечоғли олисда?

– Барсам дасталаридан нечоғли олисда?



– Ашавандан нечоғли олисда?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Оловдан уч одим олисда.

– Сувдан уч одим олисда.

– Барсам дасталаридан уч одим олисда

– Ашавандан уч одим олисда.

6

Кейин чуқур қазсинлар.

Агар саратон бўлса, икки бармоқ ҳажмида ва агар яхлама қаҳратон бўлса, тўрт бармоқ ҳажмида.

7

... Ва биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи чуқурларни ҳам худди шу зайлда қазсинлар.

8

– Бу чуқурлар бир-биридан неча одим олис бўлмоғи керак?

– Бир одим.

– Бир одимнинг андазаси нечоғли?

– Уч оёқ ҳажмида.*

9

Шундан сўнг, яна учта чуқур қазсинлар.** Агар саратон фаслида қазсалар икки бармоқ ҳажмида, агар яхлама қаҳратон бўлса, тўрт бармоқ ҳажмида бўлиши мақсадга мувофиқ.

– Мазкур учта чуқурлик бояги олтита чуқурликдан неча одим олисда бўлмоғи керак?

– Уч одим.

– Бу одимларнинг андазаси нечоғли?

– Юраётган одам кўтариб ташлаган қадам ҳажмида.

– Ҳудди шундай қадамларнинг учтаси нечоғли ҳажмида?

– Тўққиз қадам миқдорида?

11

– Ўн иккита доира чизсинлар. Уларнинг дастлабки учтаси уч чуқур гирдида, уч доира эса олти чуқур гирдида. Олти доира сўнгги учта чуқур гирдида ва яна уч доира жами тўққизта чуқур гирдида. Ва нопокнинг оёғи ерга тегиб, заминни булғамаслиги учун ҳар бир тўққиз қадамлик фосилага тошдан ёхуд сополдан ё дарахт кундасидан, ё кесакдан ёхуд бирор қаттиқ жисмдан қадамжо ясамоқлари лозим.

Биринчи бўлим
(бе)

12

– Шунда нопок гувдоп қошида оёқ кўтариб тураркан, сен, эй Зардушт, ушбу дуоларни ўқи:

"Эй, Мазда! Эй, буюк шаҳриёр! Мен жамийки хайрли ва шўрдил ошаванлар руҳини буюк олқиш ва таҳсинлар билан сенинг саройингга бошлаб келаман.

Сен ўзингни пойдор қудратинг билан, уларни абадул-абад асрагайсан!"

Нопок ҳам ушбу дуони такрор этади:

"Эй, Мазда! Эй, буюк шаҳриёр!"

13

Ушбу дуолардаги ҳар бир муқаддас калом тилга олиниб, зикр қилинганида, Аҳриман девлари улоқиб кетади, қонли ғазаб девлари гумдон, маздарий девлар синиб, чилпарчин бўлади. Туруж девларини нотавон айлайди.

14

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Тўққиз бўғинли чўп топ. Унинг учига қалай ё қўрғошин чўмич боғла-да у билан нопокнинг бошидан кўмиз қуй.

Изоҳ:

* Бу ўринда оёқдан мурод, эҳтимол, бир баркамол одам оёғи кафтининг ҳажмидир.

** Мазкур учта чуқурлик сув қўйишга мўлжалланади.

15

– Даставвал нопокнинг қўлларини ювадилар. Агар дастлаб қўллари ювилмаса, унинг бутун жисмини нопок қилади.

Қўлларини уч карра ювганларидан сўнг, бошидан кўмиз қуядилар.

Шунда мурдор деви насв унинг икки юзи оралиғига яширинади.

16-27

. . . . . .*

28

Биринчи чуқур бошида нопок мурдор деви насвдан қисман озод бўлади.

Шунда сен, эй Зардушт, ушбу нажотбахш дуоларни баланд овозда қироат қил:

"Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асранг!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!
Эй, дуруж!
Йўқол ва нобуд бўл!
Эй, дуруж!
Бу ердан даф бўлда, йироқ кет!
Сен бу Ҳақиқат оламини булғамагайсан ва нобуд қилмагайсан!"

Иккинчи чуқур бошида қироат қил:

"Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асранг!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!"

Учинчи чуқур бошида хитоб қил:

"Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асранг!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!"

Тўртинчи чуқур бошида нидо қил:

"Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асранг!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!"

Бешинчи чуқур бошида тавалло эт:

"Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асранг!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!"

Олтинчи чуқур бошида фарёд айла:

"Эй, Мазда! Эй, азизлар!
Бизни душманлар адоватидан асранг!
Эй, дуруж! Эй, дев!
Нобуд бўл!
Эй, девзодалар!
Нобуд бўлингиз!.."

29

Шундан кейин нопок доира ичида ўтириб, тупроқ тўла кафтлари билан танасини ишқалайди.

30

Ўн беш марта унга тупроқ келтириб берадилар ва у ўз танасини боши учидаги энг нозик туклар қуригунга довур астойдил ишқалайди.

31

Танаси қуригандан сўнг, сув чуқурлари бошига келади.

Илк чуқур бошида танасини бир марта ювади.

Иккинчи чуқур бошида танасини икки марта ювади.

Учинчи чуқур бошида танасини уч марта ювади.

32

Сўнгра у урувасний вуҳав-гавна, вуҳав-гиритий, ҳазанаипата каби муаттар гиёҳлар билан ўзини хушбўй этади. Кийимларини кийиб уйига қайтади.

33

Хонадонда у нопоклар ўрнида истиқомат қилади. Бўлак маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сўз, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарахтларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда уч тунни ўтказади. Уч тун ўтгач тана ва кийимларини сув ҳамда кўмиз билан ювиб поклайди.

34

Шундан кейин ҳам хонадонда у нопоклар ўрнида истиқомат қилади. Қолган маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. У зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарахтларга ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда олти тунни ўтказади. Олти тун ўтгач тана ва кийимларини сув ҳамда кўмиз билан ювиб поклайди.

35

Шундан сўнг ҳам у хонадонда нопоклар ўрнида истиқомат қилади. Бошқа маздапарастлардан айро ҳолатда яшайди. Бу зинҳор олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарахтларига ёвуқ кела олмайди.

Шу зайлда тўққиз тунни ўтказади. Тўққиз тун ўтгач, тана ва кийимларини сув ҳам кўмиз билан ювиб поклайди.

36

Шундан кейингина у олов, сув, тупроқ, хоҳ аёл, хоҳ эр ашаваннинг чорполари ва дарахтларига ёвуқ кела олади.

Иккинчи бўлим

37

Покловчи руҳоний мўбадни унинг таҳсин ва дуоси учун, шаҳриёрни бир нор тева, шаҳар ҳокимини олов, деҳхудони қўшҳўкиз, хонадон соҳибини уч яшар сигир бадалига поклайди.

38

Покловчи хонадон соҳибасини бир сигир, уй ходимасини бир юк ташувчи сигир ва хонадоннинг энг кичик фарзандини бир кўзичоқ эвазига поклайди.

39

Маздапарастлар, агар имконлари етарли бўлса, покловчига беришлари лозим бўлган хилма-хил чорполар ана шулардан иборат. Агар бундай эҳсонга уларнинг қурблари етарли бўлмаса, ҳар нечук мукофот билан покловчини сийласалар бўлаверади. Токи покловчи ўша хонадонни хушнуд ва ранжсиз тарк айласин.

40

... Зеро, покловчи ўша хонадонни норози ва ранжли тарк этса, мурдор деви насв бурун, кўз, эрлик ва аёллик анжомлари ва ортларини булғайди.

41

Мурдор деви насв тушиб келади ва уларнинг токи тирноқлари остигача кириб олади-да, буткул нопок қилади.

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда ҳам кўёш, ой ва юлдузлар булғанч кимсалар узра нур сочаётганидан ғамгин бўладилар.

А. Солиҳ таржимаси

(Давоми бор)

Изоҳ:

* 8-Фаргарднинг 40-71- бандлари бир оз ўзгартириш билан такрорланади.

Жалолиддин МАНГУБЕРДИ таваллудининг 800 йиллиги олдидан

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КЎРГОНИ



Жаҳон тарихида ўтган кўп минглаб ҳукмдорлар ва саркардалар қаторида Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди алоҳида ўрин тутади. У Хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги вакили Алоиддин Муҳаммад Султоннинг суюкли туркман хотини – Ойчечакдан туғилган.

Жалолиддин Мангуберди ёшлигида кўпроқ тоғаси Жаҳон Полвон тарбиясида бўлиб, унинг диний ва дунёвий илмлар олишига, адабиёт ва санъатни, мусиқа сирларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Ёш Жалолиддин боболари сингари ғазал битишга, турли мусиқа асбобларини чалишга қизикди. Энг аввало, Хоразмшоҳлар пири шайх Нажмиддин Кубро шаҳзода Жалолиддинга сабоқ бериб, унга ислом дини ва миллий одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингдирди. Қолаверса, у қурол билан ва қуролсиз жанг қилиш, от ўйнатиб, қиличбозлик қилиш, ҳарбий машқ, жанг майдонида юриш, ўзини тутиш ва кураш сир-асрорини мукаммал эгаллади.

Алоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ тахтга ўтиргандан кейин Хоразмга 400 дан ортиқ шаҳарни бирлаштириб, ягона қудратли Хоразм давлатини вужудга келтирди. Ўша кезларда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғилларини қай бирини тахт вориси қилишни ўйларди. Девонбеги ва тарихнавис Муҳаммад ан Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ онасининг қистови билан тахт вориси этиб, катта ўғиллари Жалолиддин Мангуберdини ва Рукниддин Гурсанчтиларини эмас, кенжа ўғли Қутбиддин Ўзлуғшоҳни тайинлади. Ўзлуғшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг қабила ва уруғидан бўлиб, Жалолиддиннинг онаси Ойчечакни ёктирмас эди. Шунга кўра Хоразмшоҳ мамлакатнинг мамурий ишларини тартибга келтираётиб, ерларни ўғиллари ўртасида тўрт мулк қилиб бўлганда Хоразм, Хуросон ва Мозандоронга, яъни Туркон хотуннинг назорати остидаги ерларга ҳокимлик қилиш ҳуқуқи валиаҳд Қутбиддин Ўзлуғшоҳга берилди. Унинг учун мана бундай туғро ҳам танланди: "Султон Абул Музаффар Ўзлуғшоҳ Ибн Султон Санжар Ғиёс амир ал-мўъминин".

Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммад Чингизхон салтанати билан савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилган, лекин тез орада Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ноиби, Туркон хотуннинг уруғига мансуб Ғайирхон Инолнинг ўта бефаҳмлиги, очкўзлиги сабабли 450 савдогар мусулмонларни "айғоқчилар" деб қатл этилиши ва мол-мулклари тортиб олиниши бўлғуси фалокатларни бошлаб келди.

Бундан дарғазаб бўлган Чингизхон Ўтрор амири Ғайирхонни тутиб беришни Хоразмшоҳ Алоиддин Муҳаммаддан қатъий талаб қилади. Бироқ Чингизхоннинг бу талаби оқибатсиз қолдирилади. Буни Чингизхон тинчтотув яшаш ва савдо-сотиқни ривожлантириш ахдномасини бузганлик сифатида қабул қилади ва у Ибн Кафраж Бўғро бошчилигидаги элчилар орқали Хоразмшоҳга иккинчи бор нома жўнатади: "Сен савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳар бирига ҳужум қилмаслик ҳақидаги ваъданга ўз муҳрингни босиб берган эдинг, лекин хиёнат қилдинг ва ваъданғни буздинг".

1213 йил сентябрь ойида Чингизхон армияси Ўтрор шаҳрини қамал қилди. Ўтрор қамали олти ойга чўзилди ва ниҳоят шаҳар таслим бўлди. Мўғуллар Ғайирхоннинг оғзига қўрғошин қуйиб жазоладилар. Бу машъум воқеа бутун Хоразм мамлакати бўйлаб тарқалди. Эндиликда Чингизхон Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганжни эгаллашни навбатдаги вазифа қилиб қўйди ва бу вазифани Ўктой билан Чиғатойга топширди.

Гурганжда мўғулларнинг ҳужумига қарши тадбир, чоралар кўрила бошлади. Олий ҳарбий кенгаш умумий сафарбарлик эълон қилди. Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад фуқаролардан уч йиллик солиқни бир йўла ундириб олишга буйруқ берди. Лекин Олий ҳарбий кенгашда асосий масала – душман ҳужумини қайтариш, уни мамлакат ичкарисига кириб келишини тўхтатиш ва унга қақшатқич зарба бериш масаласида Хоразмшоҳ, амалдорлар, беклар ва саркардаларнинг фикри бир жойдан чиқмади. Бу ҳарбий кенгашда Хоразмшоҳлар давлатининг атоқли арбоби Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хевақий Хоразмшоҳлар давлатидаги мавжуд 400 минг аскарни Сирдарё бўйига тўплашни ва сўнг узоқ юришдан чарчаган мўғулларга ҳужум қилишни маслаҳат берди. Бироқ Хоразмшоҳ бу оқилона маслаҳатни рад этди. Жалолиддин Мангуберди мўғулларга қарши Хоразм давлатининг барча кучларини бирлаштиришни таклиф қилган эди. Аммо Алоиддин Муҳаммад мўғул кучларини турли шаҳарларга бўлиб юборишга қарор қилди.

1221 йилнинг бошларида мўғул қўшинлари Хоразм пойтахти Гурганжга ҳужум бошладилар. Мўғулларнинг вахшиёна тажовузлари Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг улкан армиясида парокандалик бошланишига сабаб бўлди. Хоразмшоҳнинг ўз давлати ғарбида янги мудофаа иншоотларини вужудга келтиришга уриниши бехуда кетди: у ўзининг вассалларидан етарли ҳарбий мадад ололмади. Қадамба-қадам таъқиб қилиб келаётган Чингизхоннинг лашкарбошилари Жаба (Жаъфар) нўён ва Субутойнинг 20 минг кишилик энг яхши аскарлари Хоразмшоҳни Каспий денгизидаги Ашур оролига кочиб жон сақлашга мажбур қилди. Умрининг тугаганини сезган Хоразмшоҳ фарзандларини йиғиб, Хоразм тахтини Жалолиддин Мангубердига топширди. 1220 йилнинг декабрида Хоразмшоҳ вафот этди ва ўша оролга кафансиз кўмилди.

Кейинчалик Жалолиддин Мангубердининг фармонига мувофиқ Алоиддин Муҳаммаднинг жасади Ўрдаихон қалъасига кўчирилди. Жалолиддин Мангуберди ўз отаси номига бағишлаб Исфаҳонда мадраса қурилишини бошлатади. Шу мадраса ҳудудига ўз отаси

ҳокини дафн қилишни ният қилади. Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг аъёнларидан Муқарабиддин унга Алоиддин Муҳаммаднинг ҳоки Ўрдаихон қалъасига кўчирилиши оқибатларидан хавотирда эканлигини билдирганда, Жалолиддин Мангуберди қулоқ солмади. Кейинчалик, Жалолиддин Мангуберди ҳалок бўлгач, мўғуллар Ўрдаихон қалъасини олганида Алоиддин Муҳаммаднинг ҳокини гўрдан олиб, Мўғулистонга ҳоқон Ўктай олдига жўнатадилар. Ҳоқоннинг буйруғига мувофиқ Алоиддин Муҳаммаднинг ҳокини ёқиб, кул қиладилар.

Жалолиддин Мангуберди ўзининг укалари Ўзлуғшоҳ ва Оқшоҳлар билан отаси жасадини кўмиб, Гурганжга қайтиб келганида Туркон хотун Хоразмшоҳнинг фармонини тан олмади. Туркон хотун уруғига мансуб қипчоқ амирлари Алоиддин Муҳаммаднинг сўнгги иродаси (васияти)га қарши бориб, Жалолиддин Мангубердини тахтдан тушиradилар. Унинг ўрнига Туркон хотуннинг укаси Хумор Тегинни султон деб эълон қиладилар. Хумор Тегиннинг ва амирларидан Ҳожиб Ўғул, Шайх-хон, Эр Буға Паҳлавон ва Қутлуғхон қўл остларида 90 минг турк аскарлари бор эди. Бу амирлар Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердига суиқасд уюштирдилар, лекин у аввалдан тоғаси Жаҳон Полвон томонидан огоҳлантирилиб, қутилишга муяссар бўлди ва Хўжанд ҳокими Темур Малик бошчилигида уч юз аскар билан Гурганжни яширин суръатда тарк этдилар...

Чингизхон Жўжи, Ўктай, Чиғатой бошлиқ 100 минг кишилик қўшинни Гурганж ҳимоячиларига қарши ташлади. Чингизхон ўғилларига Гурганжни вайрон қилишдан олдин шайх Нажмиддин Куброни ҳурмат ила шаҳардан олиб чиқиб кетишни буюрган эди. У шайх қошига вакил жўнатиб, қариндош-уруғларингиз юз нафар бўлса ҳам, марҳамат бирга олиб кетишингиз мумкин, дейди.

Шунда Нажмиддин Кубро: "Бутун Хоразм халқи менинг туғишганларим, замининда эса боболаримиз ётибди. Оғир кунда шу халқни ва муқаддас заминни ташлаб кетган киши иймонсиздир", дея гапни чўрт кесади. Ўз эътиқодига содиқ қолган Нажмиддин Кубро аёвсиз жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Етти ой қамалдан сўнг Хумор Тегин ва унинг амалдорларининг ҳоинлиги билан шаҳар дарвозаси очиб берилади. Мўғуллар шаҳарни талаб, аҳолининг барчасини шаҳар ташқарисига ҳайдаб чиқаради, улар орасидан 100 минг ҳунармандни танлаб олиб Мўғулистонга жўнатадилар. Қолган кўпчиликларини қириб ташлаш учун бу ерда турган 50 минг мўғул жангчиларининг ҳар бири 24 шайх қошига ўлдиради. Шундай қилиб, Гурганжда 1 миллион 200 минг киши мўғуллар томонидан қириб ташланган.

Бу ҳам камлик қилгандек, мўғуллар Амударёдаги тўғонни бузиб, Гурганжни сувга бостирадилар.

Алоиддин Муҳаммаднинг бутун ҳарами ва ёш фарзандлари Мозандарондаги Илол қалъасида мўғулларга асир тушади. Хоразмшоҳнинг фарзандлари ўлдирилади, хотинлари эса Чингизхоннинг яқин кишиларига чўриликка берилади. Туркон хотуннинг ўзи эса Чингизхоннинг қароргоҳи Қоракурумга юборилади.

Бир вақтлар улуғвор, ҳар қандай фармойиши дарҳол бажариладиган маликаи жаҳон Туркон хотун Чингизхоннинг дастурхонидан қолган сарқитлар билан овқатланарди. Туркон хотун шундай ғарибликда 1233 йилда Мўғулистоннинг Қоракурум шаҳрида вафот этади.

Чингизхон Хоразмшоҳ ўғиллари Гурганжни ташлаб, Хуросон томон кетганидан хабар топиб, уларни таъқиб қилиш учун сараланган қўшин юборади. Хоразмшоҳнинг ўғиллари Ўзлуғшоҳ, Оқшоҳ, Рукниддин Гурсанчти ва барча хоразмлик жангчилар мўғуллар билан бўлган тенгсиз жангда қаҳрамонларча шаҳид бўлдилар.

Чингизхон Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг куч тўплаш учун Хуросонга кетаётганини сезган ҳолда уни мажақлаб ташлаш мақсадида Нисо шаҳри теварагига 30.000 нафар сара қўшин ташлаган эди. Жалолиддин Мангуберди ва дўсти Темур Малик жангчилари мўғуллар устига шердек ташланиб, аёвсиз жангда душманни қириб ташлайдилар.

Нисода озгина дам олиб, Жалолиддин Мангуберди ўз жангчилари билан Нишопурга, ундан ўз мулки Газна томон юради. У Газнани мўғулларга қаршилик кўрсатиш марказига айлантиради. Алоиддин Муҳаммаднинг амакиваччаси амир Аминул-мулк ўзининг 10 минг кишилик қўшини билан Жалолиддинга қўшилади. Балх яқинида Жалолиддин ўз қўшини билан Қандаҳор шаҳрини қамал қилаётган мўғулларга очиқ майдонда ҳужум қилди ва уч кеча-кундуз давом этган шиддатли жангдан сўнг мўғулларни тор-мор келтирди. Бу вилоят ва қўшни ерлардаги аҳолининг руҳини кўтарди. Ҳар томондан Султон Жалолиддин атрофига ҳарбий кучлар келиб қўшила борди. Халаж қабиласи ҳарбий бўлинмасининг бошлиғи Сайфиддин Ағроқ, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон халқ лашкарининг сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар йўлбошчиси ал-Ҳасан бошчилигидаги кучлар Султон Жалолиддинга келиб қўшиладилар. Эндиликда Жалолиддин мўғулларга қарши ҳужумга ўтиш имкониятига эга бўлади.

Жалолиддин Мангуберди қўшинлари Тохаҳуқ ва Молғора бошчилигидаги Валиён қалъасини қамал қилаётган мўғулларга ҳужум қилиб, уларни ямсон қилдилар.

Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий куч-қудрати ошаётганлиги, унинг қўшинлари мўғулларга бир неча бор жиддий талофат етказганлиги ҳақидаги хабар Чингизхонга етиб келади, унинг юрагига ғулғула, қўрқув солади. У Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий куч-қудратини бартараф этиш мақсадида Хоразмшоҳга қарши ўзининг содиқ саркардаларидан Шики Хутуқу Нўйон бошчилигида 45 минг кишилик мўғул қўшинини юборади. Султон Жалолиддин қўшини мўғуллар билан Парвон яқинидаги пасттекисликда учрашади. Султон Жалолиддин қўшинининг ўнг қанотига амир Аминул-мулк, чап қанотига Ағроқхон қўмондонлик қилиб, марказни шахсан Жалолиддиннинг ўзи бошқаради.

Парвона ёнида мўғуллар катта мағлубиятга учрайдилар. Мўғулларнинг энг тажрибали саркардаси Шики Хутуқу Нўйон омон қолган озгина жангчилари билан Чингизхон қароргоҳига етиб келади.

Султон Жалолиддин қўшини қочиб бораётган душманни таъқиб қилиб, унинг асосий кучларига ҳам тезлик билан зарба бериш ўрнига, ўлжани ўзаро бўлиб олиш билан овора бўлиб, қимматли фурсатни бой беришди. Мўғуллардан олинган ўлжаларни бўлиб олиш пайтида Султон Жалолиддиннинг амирларидан Сайфиддин Ағроқ ва Музаффар Малик битта наслдор отни талашиб жанжаллашиб қоладилар. Султон Жалолиддиннинг бу баҳсга аралашуви ҳам фойда бермади, ҳудбин амирлар жангчиларини олиб, қароргоҳни ташлаб кетдилар.

Чингизхон ўзининг барча кучларини йиғиб Султон Жалолиддин қўшинларини Синд дарёси бўйида қувиб етади. Жалолиддин бошлиқ Хоразм қўшинлари бир неча баробар ортиқ душман билан Синд дарёси бўйида уч кун жанг қилишга мажбур бўлади.

Султон Жалолиддин шер каби наъра тортиб, оз сонли қўшини билан мўғуллар устига от солди. Бундан руҳланган жангчилар ўнгу сўлга қилич уриб душманни қирғатдиларки, мўғуллар чидаш беролмай, тартибсиз чекина бошладилар. Бироқ пистирмада турган 10 минг кишилик мўғул қўшини Хоразм қўшинининг Аминул-мулк қўмондонлигидаги ўнг қанотига тўсатдан ҳужум қилади. Бу ҳужумдан сўнг Хоразм қўшини ичида пароканлик бошланади.

Султон Жалолиддиннинг 8 яшар ўғли мўғуллар қўлига асир тушади. Чингизхон нораси данинг юрагини юлдириб итга беради.

Қутулиб кетишнинг иложи йўқлигига кўзи етган Султон Жалолиддин онаси, хотини, болалари ва бутун ҳарамдагиларни дарёга ташлашга амр қилади...

Душман ҳалқасини қилич билан ёриб ўтган Хоразм шери – Султон Жалолиддин Мангуберди баланд тоғ дарасидан оти билан ўзини дарёга отди ва сузиб кетди. Жалолиддининг бу жасорати фотиҳ Чингизхонни лол қолдирди. Унинг қўлидан қиличи тушиб, жангчиларга Султон Жалолиддинни таъқиб этишни маън этди ва у дарёда оқиб кетаётган тарафга қўли билан ишора қилиб, ўғилларига деди: "Ота ўғил мана шундай бўлиши керак. Модомики, у шундай жангдан тирик чиқиб кетдими, энди ундан кўп ишлар ва чексиз ғалаёнлар келиб чиқади!"

Султон Жалолиддиннинг кетидан дарёга от солган хоразмийлардан Кўлбарс Баҳодир, Қабкўҳ, Саъдиддин Али бошчилигидаги 4 минг яқин аскар Синд дарёсининг чап соҳилига сузиб ўтдилар.

Султон Жалолиддин ва унинг қўшинлари Ҳиндистон ерига ўтиши билан унинг қароргоҳида Шатра вилоятининг подшоси бир минг отлиқ ва беш минг пиёда аскарлари билан ҳужум қилади. Жангда Шатра ранаси (подшоҳи) ўлдирилди, унинг аскарлари эса тарқатиб юборилди, султоннинг аскарлари кўп от, қурол-яроғни қўлга киритдилар.

Жалолиддин Мангубердининг Шатра ранаси (подшоси) устидан қозонган ғалабаси шимолий Ҳиндистондаги атроф-ўлкалар ҳокимларини хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатди. Султон Жалолиддинни биринчи бўлиб Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешовар ҳокими султон Насриддин Кўбачанинг нооби Қамариддин Кирмоний тан олди, сўнгра Кўбачанинг ўзи ҳам Жалолиддинга тобелигини тан олди.

Бироздан сўнг, Жалолиддиннинг укаси Пиршоҳни ташлаб кетган амирлари Санжақхон, Элчи Паҳлавон, Ўрхон, Сойиржа ва Текчороқ, Хонкиши ҳам ўз аскарлари билан унга келиб қўшилдилар.

Шимолий Ҳиндистонда Султон Жалолиддин деярли 3 йил турди. Бу даврда у Синд ва унинг атрофидаги вилоятларда ўз ҳукмронлигини ўрнатди, номидан тангалар зарб қилинди. Мўғул истилочиларига қарши озодлик курашининг буюк қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди жасоратлари ва ёрқин хотираси халқ қалбида мангу яшайди.

Солижон ҲАСАНОВ,
Феруза РАСУЛОВА.



Маснавий

Жалолиддин РУМИЙ

МАСНАВИЙ

Сад хазорон ин чунин ашбоҳ бин,
Фарҳашон ҳафтод сола роҳ бин.

ТАРЖИМА

Бунга юз минглаб мисоллар бор, ахир,
Фарқи – етмиш йил босилгай йўл каби.

ШАРҲ

Юқоридаги мисолларга ўхшаш ҳодисаларнинг на сону на саноғи бор. Бироқ уларнинг ўртасидаги фарқ – етмиш йиллик йўл.

МАСНАВИЙ

Ин хурад гардад палидй з-ӯ жудо,
Он хурад гардад ҳама нури Худо.

ТАРЖИМА

Ул егай бўлгай палид ундан жудо,
Бул егай бўлгай ҳама нури Худо.

ШАРҲ

Бошқа бир мисол. Биров ғизо ейди. Бу ғизо туфайли у палидлик ва турли балоларга хезланади. Яна биров тановул қилган ғизо оқибатида кўнгли Оллоҳ нурига чулғаниб, ён-теграсини мунаввар қилади.

МАСНАВИЙ

Ин хӯрад, зояд ҳама бухлу ҳасад,
Он хӯрад зояд ҳама Ишқи Аҳад.

ТАРЖИМА

Бул егай туққай ҳама бухлу ҳасад,
Ул егай туққай ҳама Ишқи Аҳад.

ШАРҲ

Биров ейди, ошқозонини дамлаб, нуқул бахиллик ва ҳасад, фисқ-фужурга куч сарфлайди. Яна биров тановул қилади, унда Оллоҳга нисбатан бир буюк Ишқ ҳувайдо бўлади.

МАСНАВИЙ

Ин замини поку он шӯ асту бад,
Ин фаришта поку он дев асту бад.

Давоми.
Боши ўтган сонларда.

ТАРЖИМА

Ул замин пок, бул замин шӯрдур, тақир,
Ул фариштa покдир, бул дев, ахир.

ШАРҲ

Яна бир мисол. Авлиё ва анбиё бамисоли замин покдирлар. Динсизлар шӯр ва тақир ер сингари. Бул гуруҳ фариштa каби пок. Ул гуруҳ эса девлар мисоли.

МАСНАВИЙ

Ҳар ду суврат гар баҳам монад, равост,
Обу талху оби, ширинро сафост.

ТАРЖИМА

Икки суврат – зоҳири бирдир, раво.
Сув агар талх ё чучук – сирти сафо.

ШАРҲ

Яна бир мисол. Агар икки суврат бирбирига монанд бўлса, бу ғайриоддий ҳол эмас, балки жоиздир. Сувратларнинг зоҳирда ўхшаш бўлиши табиий. Чунончи, аччиқ ва чучук сув зоҳиран соф бўлиши мумкин. Сувнинг таъми тотиб кўрилсагина ошкор бўлади.

МАСНАВИЙ

Жуз, ки соҳиб кай ишносад беоб,
У ишносад оби хуш аз шӯра об.

ТАРЖИМА

Завқ аҳли фарқлагай сув таъмини,
Токи тотмас, билмас асло қадрини.

ШАРҲ

Аччиқ ва чучук сув таъмини завқи бор кишигина (яъни сезги аъзолари соғлом шахс) ажрата олади.

МАСНАВИЙ

Сеҳрро бо мӯъжиза карда қиёс,
Ҳар дуро бар макр пиндорад асос.

ТАРЖИМА

Сеҳрни мўъжизага айлаб қиёс,
Иккисига макрдир, дерлар, асос.

ШАРҲ

Зоҳирбинлар сеҳр ва мўъжизани бир деб тасаввур қиладилар ва ҳар иккисининг ҳам манбаи макр ва фириб, деб ўйлайдилар. "Сеҳр" луғатда ҳийла ва тахайюлот билан маънодош дейилади. "Сеҳр" орқали инсоннинг аносир оламига таъсир кўрсатиш мумкин. Бу таъсир бевосита, яъни тўғридан-тўғри бўлиш ёхуд осмоний кучлар василасида ҳам рўй бериши мумкин. Сеҳр ғоятда узоқ тарихга эга. Айтишларича, у дастлаб Мисрда яшовчи сурёнийлар, калдонийлар, қибтийлар орасида кенг ёйилган бўлган. Сеҳргарларнинг сеҳрлаш ҳусусияти жамийки инсоний қувват ва истеъдод каби мавжуддир. Сеҳрни рўёбга чиқариш ва унга фаолият бағишлаш учун риёзатлар чекишга тўғри келади.

Соҳирларнинг жамийки риёзатлари асосан, осмон ва юлдузларга, улувий ва шайтоний кучларга таважжуҳ, таъзим ва ибодат қилиш, ўзини хор-зорликка гирифтор айлашдан иборат. Бинобарин, сеҳргарлик Худодан ўзгага юз буриш ва унга сажда қилиш демакдирки, куфр ҳисобланади. Шу сабабдан сеҳргарлик куфр дейилган.

Бегумон сеҳр инсонга таъсир кўрсата олади. "Бақара" сурасининг 102-оятида Худойи мутаъол сеҳрни ҳаром қилди.

МАСНАВИЙ

Соҳирони Мусо аз истезаро,
Баргирифта чун асои ӯ асо.

ТАРЖИМА

Сеҳргарлар кин ила истезахоҳ
Олдилар Мусо каби қўлга асо.

ШАРҲ

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом замонидаги сеҳргарлар Оллоҳ элчисига кин, ғараз ва истеҳзодан қўлларига унинг каби асо олдилар. Улар ўзларини ҳазрат Мусога қиёс қилдилар. Бу қиёсларига зарур шубҳа қилмасдилар.

МАСНАВИЙ

З-ин асо то он асо фарқест жарф,
З-ин амал то он амал роҳе ишгарф.

ТАРЖИМА

Бу асою у асонинг фарқи чўх,
Бу амаллар ўртасида йўл улуғ.

ШАРҲ

Мусо алайҳиссалом тутган асо билан соҳирларнинг асоси ўртасида ғоят теран тафовут мавжуд. Соҳирлар амали билан ҳазрат Мусо (а.) амали ўртасидаги масофа бағоят улуғдир.

МАСНАВИЙ

Лаънатуллоҳ ин амалро дар қафо,
Раҳматуллоҳ он амалро дар вафо.

ТАРЖИМА

Лаънатуаллоҳ бу амалнинг сўнгида,
Раҳматуллоҳ бу амалнинг ўнгида.

ШАРҲ

Соҳирлар амали пировард натижада Оллоҳ лаънатига дучор бўлади. Мусо алайҳиссалом амаллари оқибатида Оллоҳ раҳматига мушарраф бўлади.

МАСНАВИЙ

Кафирон андар мирй бўзина табъ,
Офате омад даруни сина табъ.

ТАРЖИМА

Гўё маймун табъ эди кофир бари,
Офатангиз эрди дилда табълари.

ШАРҲ

Кофирлар ёхуд соҳирлар маймунга монанддирлар. Маймун ўз хатти-ҳаракатида одам амалларига тақлид қилади. Шунингдек, инсоннинг нафсоний табъияти, агар бордию у жиловланмаса, бағоят даҳшатли офатдир.

МАСНАВИЙ

Ҳар чи мардум мекунад, бўзина ҳам,
Он кунад к-аз мард бинад дам-бадам.

ТАРЖИМА

Неки инсон қилса, маймун ҳам қилар,
Лек маймун зоти тақлидни билар.

ШАРҲ

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон бажараётган амални кузатиб турган маймун унга эргашган кўйи тақлид қилаверади. Худди шунингдек, маймунсифат кимсалар ҳам авлиё ва анбиёлар хатти-ҳаракатларига тақлид қилишади. Аммо ҳар икки ҳодиса орасидаги тафовутнинг чек-чегараси йўқ.

МАСНАВИЙ

Ў гумон бурда, ки ман кардам чу ў,
Фарқро кай донад он истезаруў.

ТАРЖИМА

У гумон айларин қилгай бехато, –
Фарқини қайдан билар маймуннамо.

ШАРҲ

Маймун ўша амалларни тақлидан адо қилаётган лаҳзада шоядки ўзини одам деб гумон қилар.Оллоҳ билгувчи. Бироқ у, одам ва ўзининг амали ўртасидаги тенгсиз тафовутни тасаввур қила олмайди.

МАСНАВИЙ

Ин кугад аз амру ў баҳри ситез,
Бар сари истезарўён хон рез.

ТАРЖИМА

У ҳасад, бу қилди буйруқни бажо,
Бу ғаразгўйлар юзи бўлсин қаро.

ШАРҲ

Авлиё ва анбиёлар Худонинг амр-фармонини адо қиладилар, ҳолбуки маймунсифат муқаллидларнинг қилмиши тақлиддангина иборат. Шундай экан, уларнинг бошидан тупроқ соч, юзларини қаро қил.

МАСНАВИЙ

Он мунофиқ, бо мувофиқ дар намоз,
Аз паст истеза ояд, най ниёз

ТАРЖИМА

У мунофиқ, бу мувофиқ ҳамнамоз бири,
У бири тақлид, бири дилдан ниёз.

ШАРҲ

Маълумки, мунофиқлар ҳам аксарият ҳолларда мувофиқлар билан бир сафда туриб намоз адо этадилар. Бироқ мунофиқнинг намози хулуси ният эмас, балки тақлид ва ўчакишнинг ўзидир, холос.

МАСНАВИЙ

Дар намозу рўзаву Ҳажжу закот,
Бо мунофиқ мўминон дар дарду мот.

ТАРЖИМА

Ҳам намозу рўзаю ҳажжу закот
Ичра мўъмин мунофиқлар тазод.

ШАРҲ

Намоз, рўза, ҳаж ва закот борасида мўминлар ва мунофиқлар ўртасида ғолиблик ва мағлублик ҳолатлари бор. Ҳақиқий мўминлар намоз, рўза, ҳаж ва закотларини хулуси ният билан адо этадилар. Мунофиқлар эса мунофиқларча иш тутадилар ва амалларини холис ният билан адо этмайдилар.

МАСНАВИЙ

Мўминонро бурд бошад оқибат,
Бар мунофиқ мот андар охират.

ТАРЖИМА

Мўмин инсонлар ютарлар оқибат,
Мот бўлгайдир мунофиқ охират.

ШАРҲ

Натижада мўминлар росткорлик билан ғолиб бўладилар, яъни Оллоҳ тавлло раҳматига қовушадилар. Мунофиқлар эса охиратда бу дунёдаги қабиҳ гуноҳлари эвазига жазоланадилар.

МАСНАВИЙ

Гарчи ҳар ду бар сари як бозиянд,
Ҳар ду бо ҳам марвазй ва розиянд.

ТАРЖИМА

Гарчи онларнинг иши бир бозидир,
Лек, улар худ марвазий ва розийдир.[1]

ШАРҲ

Мўминлар ва мунофиқлар гўё бир амални адо этаётгандек туюлсалар-да, лекин аслида улар бир-бирларидан бениҳоят фарқли, улар ўртасидаги тафовут ҳам беҳадду ҳудуддир.

МАСНАВИЙ

Ҳар еке сўм мақоми худ равад,
Ҳар еке бар вафқи номи худ равад.

ТАРЖИМА

Ҳар бири борди мақомин истабон,
Ҳар бири йўл солди номин истабон.

ШАРҲ

Мўмин ва мунофиқ гарчи зоҳирда воҳид ва муштарак ибодату фаройиз соҳиби бўлсаларда, бироқ, оқибат-натижада улар бир хил даражага мувофиқ бўла олмайдилар. Мунофиқ дўзахнинг энг сўнгги поясига мувофиқ бўлса, мўмин биҳиштийнинг олий мақомотига мушарраф бўлади.

МАСНАВИЙ

Мўминаш хонанд жонаш хуш шавад,
В-ар мунофиқ гўй пуроташ шавад.

ТАРЖИМА

Жони хуш ўлгай уни мўмин десанг,
Ўт-олов олгай мунофиқ дер жанг.

ШАРҲ

Мунофиқни мўмин деб атасанг, кайфияти хуш бўлади. Зеро, у ботинига хилоф равишда пок динлар билан бир

1. Бир-биридан узоқ бўлган ҳодисалар ўзаро қиёсланмоқда. Жумладан, "Марв" шаҳри Эроннинг шарқида, "Рай" эса ғарбида жойлашган. Ақида юзасидан ҳам улар ўртасида жуэъий келишмовчиликлар мавжуд. Ҳазрат Мавлоно эҳтимол шу нуқталарга ишора қилаётган бўлсалар, ажаб эмас.

сафда бўлади. Аксинча уни мунофиқ десалар, қаттиқ ғазабга тўлади. Негаки, бу ҳолатда унинг ботини ошкор бўлиб қолади ва ўзининг шум мақсадига эришолмайди.

МАСНАВИЙ

Номи ў маҳбуб аз Зоти вай аст,
Номи ин мабғўз аз офоти вай аст.

ТАРЖИМА

Номи маҳбубдир унинг, Ҳақ зотидан,
Номи мабғуздир[1] бунинг – офотизан.

ШАРҲ

Маҳбубият – мўминнинг номи. Оллоҳ Зотига мувофиқ Мунофиқнинг манфур бўлишига боис Унинг нифоқи офатидан.

МАСНАВИЙ

"Мим"у "вов"у "мим"у "нун" ташриф нест,
Лафзи "мўмин" жуз пайи таъриф нест.

ТАРЖИМА

"Мим"у "вов"у "мим"у "нун" ташриф эмас,
Ҳамда "мўмин" лафзи бу таъриф эмас.

ШАРҲ

"Мўмин" сўзи тўрт ҳарф – "мим", "вов", "мим" ва "нун"дан иборат. Қуруқдан-қуруқ сўзнинг ўзи ҳали мўмин зотини шарафлаёлмайди. Шу каби "мўмин" лафзи бу таъриф ва тавсиф учун ҳам эмас.

МАСНАВИЙ

Гар мунофиқ хонияш ин номи дун,
Ҳамчу каждум мехалад дар андарун.

1. Мабғуз – ғазаб қилинган, нописанд.



ТАРЖИМА

Гар мунофиқни мунофиқ дер киши
У чаёнга айланар, санчар нишин.

ШАРҲ

Агар мунофиққа рўй-рост "сен – мунофиқсан" десангиз, у чаёнга айланиб ниш санчади.

МАСНАВИЙ

Гар на ин ном иштақоқи дўзах ай,
Пас, чоро дар вай мазоқи дўзах ай.

ТАРЖИМА

Билки, бу ном асли дўзах рамзидир,
Шул сабабдан унда дўзах таъмидир.

ШАРҲ

Мунофиқ сўзи дўзахий сифатга эга бўлган "нифоқ" сўзидан олинган. Шу боисдан мунофиқнинг ботини ҳам дўзахга монанддир.

МАСНАВИЙ

Зиштин он номи бад аз ҳарф нест,
Талхиш он оби баҳр аз зарф нест.

ТАРЖИМА

Бу мунофиқ номин айби сўздами?
Сув агар шўрдир – гуноҳкор кўзами?

ШАРҲ

Юқорида айтилганидек, "мунофиқ" номининг айби, албатта, ҳарф ёхуд сўзда эмас. Ҳудди шундай дарё сувининг шўр ёхуд аччиқлиги кўза ё шунга ўхшаш идишлар таъсирида бўлмайди. Аксинча, бу ҳол дарёнинг ўзидандир.

МАСНАВИЙ

Ҳарф зарф омад дор у маънй чу об,
Баҳри маънй "индаҳу уммул Китоб".



ТАРЖИМА

Ҳарф – кўза, маъни сувдир унда соф,
Маъни уммони эрур "Уммул Китоб".

ШАРҲ

Ҳарф кўза кабидир. Маъно эса ундаги сув. Яъни, сувни кўзага қуйгандек, маънони ҳам ҳарфнинг қолипига қуядилар. Маъно дарёсининг суви Худонинг ҳузурида. Ва "ўша маъно дарёси "Уммул Китоб". "Уммул Китоб" – қуръоний таъбир. Бир неча оятларда унга ишора қилинган. "Раъд" сурасининг 39-ояти: "Ямҳуллоҳу ма яшау ва юсбиту ва индаҳу уммул Китаб?" (Худованд истаса ҳар нени маҳв, ҳар нарсани собит этади. Ва уммул Китоб унинг ҳузурида).

"Умм" ҳар нарсанинг асли ва илдизи маъносини билдиради. "Уммул Китоб" "асл китоб" ёхуд "асос китоб" маъноларига далолат қилади. Яъники, мавжудотнинг асли ёхуд тириклик нишоналари икки ҳолатда намоён бўлади: биринчи – қатъий ҳолат. Бунда неки мавжуддир маҳв бўлади. Қуръоний оятдаги "маҳв ва собит" сўзлари шунга ишоратдир. Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Худонинг илми икки хилдир: бири ҳар нарсанинг комиллиги хусусида; бошқа бири ноқис нарсалар ҳақида. Биринчисига "Уммул Китоб" ёхуд "Лавҳи Маҳфуз" нисбат берилса, иккинчиси – маҳв ва асбот (саботнинг кўплиги).

МАСНАВИЙ

Баҳри талх ва баҳри ширин дар жаҳон,
Дар миёншон "Барзахун ла ябғи-ён".

ТАРЖИМА

Шўру ширидир бу уммон – бу жаҳон,
Ўртасинда "Барзахун ла ябғиён".

ШАРҲ

Бу дунёда ширин ва шўр дарё ўртасида бир девор бор. Уларнинг суви ҳеч қачон бир-бирига қўшилиб кетмайди. Шўр ёхуд аччиқ дарёдан мурод – кофирлар ва мунофиқлар. Ширин, яъни чучук дарёдан муддао – мўминлар ва муттақийлар. Гарчи зоҳирда мўмин ва мунофиқ бирдек туюлса-да, бироқ, ҳақиқатда, улар айродирлар. Уларни ўзаро айириб турган сад-барзах-девор уларнинг зотий хусусиятлари. Иккинчи мисра Қуръони каримнинг "Ар Раҳмон" сурасининг 19,20-оятларига ишора: "Марожал баҳрайни ялтақияни, байнаҳума барзахун ла ябғиян." Удир икки дарёни бир-бирига қўшган ва бу икки дарё ўртасидаги фосила уларнинг (сувларини) ўзаро бирикувига йўл қўймайди". "Барзах" сўзи икки ҳодиса ўртасидаги тўсиқни англатади. Ўлим ва охират оралиғидаги фосиласини ҳам "барзах" дейдилар.

МАСНАВИЙ

Дон, ки ин ҳар ду зи як аслӣ равон,
Баргузар з-ин ҳар ду, рав то асли он.

ТАРЖИМА

Иккиси бир аслдан асли равон,
Иккисин кеч, юз бур аслига томон.

ШАРҲ

Бу Ҳақиқатни бил: икки – чучук ва шўр дарё бир асл – сарчашмадан ибтидо топади. Бу икки зиднинг асли ягона –воҳид Ҳақиқат. (Сўфис аҳли бутун оламни Ҳақ таъоло исм ва сифатининг мазҳари, яъни зуҳур этишидан иборат, деб билади. Бинобарин "Музилл" исми куфрнинг мазҳари иймоннинг мазҳари – "Ҳодий" исми, дейишади улар.

Солик касратга (кўплик) эмас, Ваҳдатга (ёлғизлик) томон юз буриши ва бу ихтилофдан сўнг Ҳақиқий Вужудга Ноил бўлиши тақозо этилади).

МАСНАВИЙ

Зарри қалбу зарри неку дар иёр,
Бемиҳак ҳаргиз надонӣ з-эътибор.

ТАРЖИМА

Қалб ва ё чин тилланинг чин вазнини,
Бир миҳак – тош ажратар, билгил буни.

ШАРҲ

Тилланинг ҳақиқий ёхуд қалбакилиги қадимдан мисқак деб аталувчи махсус тош ёрдамида синалган. Ҳазрат Мавлоно тилланинг холис ё нохолислигини махсус тош воситасида ажрата билар-сан, деб таъкидлаяптилар.

МАСНАВИЙ

Ҳар киро дар жон Худо бинҳад миҳак,
Мар яқийнро боз донад у зи шак.

ТАРЖИМА

Жонингга Ҳақ бермаса зотан миҳак,
Не биларсан қайда Ҳақдир, қайда шак.

ШАРҲ

Оламларни бунёд айлаган Зотнинг ўзи ботинингга илм-урфон миҳагини жойламаган бўлса, Ҳақиқат ва ёлғоннинг фарқига етолмайсан. Ҳақ билан ноҳақни ажрата билмайсан. Оллоҳ агар жонингга бу хосиятни бахш этмаган бўлса кўрсан, вассалом.



Суратларни Рустам ЭРМАТОВ чизган.

МАСНАВИЙ

Дар даҳони зинда хошоке жаҳад,
Он гоҳ оромад,ки берунаш наҳад.

ТАРЖИМА

Гар тирик жон оғзига тушса хашак,
То уни олмас экан жони ҳалак.

ШАРҲ

Мисол учун бирон тирик жоннинг оғзига хашак илакишиб қолса, уни олиб ташламагунча ором олмайди.

МАСНАВИЙ

Дар хазорон луқма як хошоки хурд,
Чун даромад ҳисси зинда пай бибурд.

ТАРЖИМА

Неча минг луқма ичинда бир хашак,
Борлигини одам ҳисси англажак.

ШАРҲ

Бир қанча луқма, хурд-хўрак ичига тушиб қолган қилдек хашакни одам қувваи ҳофиза воситасида англайди.

МАСНАВИЙ

Ҳисси дунё нардбони ин жаҳон,
Ҳисси динй надбони осмон.

ТАРЖИМА

Дунё ҳисси бу жаҳон нардбонидир.
Диннинг ҳисси осмон нардбонидир.

ШАРҲ

Дунё ҳиссиёти ўтгувчи бу жаҳоннинг нарвони. Мазкур ҳиссиёт дунёга тааллуқли бўлган жамийки ҳодисаларни сезади, холос. Бироқ диний ҳиссиёт иймон ва урфонга доир ҳодисаларнигина англайди. Чунончи, тансиҳатлик, дунёвий муваффақиятлар жисмоний фаолият, зоҳирий ҳою ҳавасларнинг юксалиши билан боғлиқ. Шунингдек, тўғрилик ва руҳнинг нажоти руҳоний қувватлар фаолияти ва ботин орзуларга вобаста.

МАСНАВИЙ

Сиҳҳати ин ҳис бижўед аз табиб,
Сиҳҳати он ҳис бихоҳед аз Ҳабиб.

ТАРЖИМА

Сен табибдан иста бу ҳис соғлигин,
Сен Ҳабибдан иста ул ҳис соғлигин.

ШАРҲ

Зоҳирий ҳою ҳаваслар саломатлигини жисм табибидан суриштир. Бироқ, диний ва иймонга доир туйғуларнинг саломатлигини ҳақиқий Ҳабиб, яъни Худойи таъолодан ва авлиёуллоҳдан иста, сўр.

МАСНАВИЙ

Сиҳҳати ин ҳис зи маъмуриййи тан,
Сиҳҳати он ҳис зи вайрони бадан.

ТАРЖИМА

Бул ҳис обод,бўлса маъмур жону тан,
Ул ҳис оободдир магар вайрон бадан.

ШАРҲ

Зоҳирий ҳисларнинг саломатлиги баданнинг саломатлиги туфайли қўлга киритилади. Диний ҳис-туйғуларнинг ободлиги ва сиҳат-саломатлиги жисмнинг вайронлиги, ҳою ҳавасни тарк этиш йўли билан муяссар бўлади.

МАСНАВИЙ

Роҳи жон мар жисмаро вайрон кунад,
Баъд аз он вайронй ободон кунад.

ТАРЖИМА

"Жон" йўли гар жисмини вайрон этар,
Оқибат вайронни ободон этар.

ШАРҲ

Кимки "жон" йўлининг соликки эса, жисмоний шаҳватни вайрон қилади ва жисмонияти фано бўлгач, қалбнинг маъоний мушоҳада мақомига эришади. Руҳоний ҳақиқатларни кўришга муяссар бўлганидан сўнг абадий лаззат ва хушнудликка эришади.

МАСНАВИЙ

Кард вайрон хона баҳри ганжи зар,
В-аз ҳамон ганжаш кунад маъмуртар.

ТАРЖИМА

Ганжу зар деб кулбасин барбод этар,
Ҳам ўша зар бирла хўп обод этар.

ШАРҲ

Мисол тариқасида бир кимса кулбаси остида ё девори орасида хазина яширилганини пайқаб қолса, албатта уйини бузиб бўлса-да уни қўлга киритади ва ўша хазина воситасида вайрон қилинган кулбани юз чандон зиёд қилиб обод этади. "Хазина"дан мурод ушбу қудсий ҳадис: "Кунгу канзам махфиййан..." "Мен бир махфий (яширин) хазина эдим..."

МАСНАВИЙ

Обро бубрид ва жўро пок кард,
Баъд аз он дар жў равон кард оби хард.

ТАРЖИМА

Сув йўлин тўсгач,ўзанни қилди пок,
Сўнгра оқди ичгулик сув софроқ.

ШАРҲ

Бошқа бир мисол: оқар сувни турли хас-хашак ва чиқиндилардан поклашмоқчи бўлган одам даставвал сув йўлини тўсади, сўнгра ўзанни тозалай бошлайди. Топ-тоза анҳор бўйлаб соф, беғаш сув оқади. Бу байт инсон қалбининг ҳолатига ишора қилади. Зеро, бу йўлда инсон қилиши лозим бўлган бирламчи амал – ҳар нечук моддий майллар, орзулар, нафс шаҳватидан юз бурмоқ, вассалом.

МАСНАВИЙ

Пўстро бишкафту пайконро кашид,
Пўсти тоза баъд аз оташ тардашид.

ТАРЖИМА

Этни тешгач, чиқди пайкон жисмидан,
Эт кўкарди қайта куйган қисмидан.

ШАРҲ

Бошқа бир мисол: жисмга камон ўқи санчилган бўлса, дастлаб бадан териси тешилади ва ўқ тортиб олинади. Захм еган этнинг ўрнидан мутлақо янги эт кўкаради. (Худди шу каби нафсни ҳам бўйсундириш жуда машаққат. Бироқ нима бўлса ҳам одамзот вужудидан ҳайвоният ўқлари суғуриб, ташланмоғи зарурдир).

МАСНАВИЙ

Қалъа вайрон карду аз кофир сутуд,
Баъд аз он барсохташ сад буржу сад.

ТАРЖИМА

Ёвни енгмоқ-чун бузиб қўрғонини,
Сўнгра обод айлабон ҳар ёнини.

ШАРҲ

Бошқа бир мисол: қўмондон қалъа ичидаги ёвни тор-мор қилиш учун қалъани вайрон этишга мажбур. Қалъани авайлайман, деб мағлуб бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Қалъани эгаллагач, шубҳасиз, уни бурунгидан ҳам қудратлироқ қилиб кўтаради. Келтирилган мисолларнинг бари сулук йўлидаги кишилар хусусида.

МАСНАВИЙ

Кори бечунро кй кайфият ниҳад,
Ин,ки гуфтам ҳам зарурат медиҳад.

ТАРЖИМА

Ҳақ таъоло сиррини ким ҳам билар,
Ушбу гаплар ҳам зарурат,дўстлар.

ШАРҲ

Худойи таъолонинг сир-асрорини, Унинг тақдир қилган ишларини ким ҳам биларди? Юқоридаги сўзларим зарурат юзасидан инсоң ақлига сиғармикан, деган ўйда айтилади, холос.

Мутаржим – *Асқар МАҲКАМ*
Шорихлар – *Обиддин ПОШШО, Карим ЗАМОНИЙ*

(Давоми бор).

ПАБЛО ПИКАССОНИНГ ЕТТИ МАЪШУҚАСИ

Буюк рассом Пабло Пикассо етти марта уйланган эди. Шуниси ғалатики, ўз турмушларини Пабло билан боғлаган бу аёлларнинг ҳаммасини тақдири ачинарли бўлди: рассом ҳар бир хотини билан ажралишгандан кейин улар турли касалликлар азобидан вафот этишар ёки ўз жонларига ўзлари қасд қилишар эдилар.

– Пикассонинг ўзи унча келишган одам бўлмаганди, жисмонан ҳам бақувват эмасди. Лекин унинг ўткир нигоҳи бир пасда ром қилиб оларди-қўярди, – деб ҳикоя қилди рассомнинг қиз невараси Оливье Пикассо. – Бу инсон ўзининг ишқий муваффақиятларида айни бир вақтда қаттиққўл ва меҳрибон, раҳмдил ва қатъиятли, олижаноб ва шафқатсиз эканлигидан дунё бехабар бўлса ажаб эмас.

Пикассо 23 ёшида азбаройи Париж деб Барселона шаҳрини тарк этди ва 1904 йил май ойида Манмартрдаги ярим хароба уйнинг юқори қаватидан жой олди. Ижодий устахонасини ҳам ўша ерга жойлаштирди. Ўзи полга ташланган тўшак устида ухлаб юрди. У ва натурачи Фернандо Оливье худди ўша жойда бирга яшашга ахду паймон қилишди. Фернандо фарзандли бўлиш, оилавий бахт-саодатга эришиш тўғрисида орзу-ҳавас қиларди, бироқ бундай истиқбол Пикассони қизиқтирмасди. Пабло "Эрмитаж" кафесида поляк рассоми Мариуссис ва унинг аёл дўсти Ева Гуэль билан танишиб қолди. Пикассо бир кўришдаёқ Евани севиб қолиб, кўп вақт ўтмаёқ кубизм стилида бажарилган "Менинг гўзалим" расмини яратди. Бу рассомнинг ошкора севги изҳори эдики, Ева ҳам бунга муҳаббат билан жавоб қайтарди. 1915 йил баҳорида улар никоҳдан ўтишга аҳд қилдилар, лекин... Евада саратон (рак) касали борлиги билиниб қолади. 1915 йил декабрида маъшуқаси оламдан ўтади. Пикассо "Парад" балетига декорациялар ва костюмлар устида иш олиб бориш учун Римга жўнайди, бу балет-спектаклда машҳур Дягилев гуруҳи артистлари иштирок этишарди. Ўша ерда тақдир уни 26 яшар рус балеринаси Ольга Хохлова билан учраштиради. Рассом бошқа аёлларнинг кўнглини қандай овлаган бўлса, яна ўша йўлни тутади, албатта Ольганинг расмини чизади ва ... яна ҳаётдан завқ ола бошлайди.

Улар 1918 йилнинг 12 июлида турмуш қуришади. Бу орада уларнинг ҳаётига қувонч, шодлик ёриб кирди. Ольга ҳомиладор! Ўғли Паулo дунёга келди. Пикассо бахтиёр: у 40 ёшида ота бўлди. Лекин бу ҳол унинг 1927 йил январь ойида Парждаги "Галерея Лафайет" магазинидан учча узоқ бўлмаган жойда 17 ёшли қизнинг кўнглини забт этишга халақит бермади. Қизни кўриши биланоқ унинг кетидан изма-из юрди, бироздан сўнг тўхтатди-да: "Мадмазель, мен Пикассоман, – деди, – биз иккимиз биргаликда кўп ишларни қила оламиз".

Қизнинг исми-шарифи Мария-Тереза Уолтер эди. Бироқ у балоғатга етмаган эди, шунинг учун Пабло у билан алоқаси борлигини ҳаммадан яширишга ҳаракат қиларди. У Мария-Тереза учун Буагелу қасрини сотиб олди, у жойда ўзи учун устахона ташкил этди, бу ҳақда ҳаммани расман хабардор қилди.

1936 йил октябрида саҳнада фотосураткаш Дора Маар пайдо бўлганида вазият жуда ҳам мураккаблашиб кетди. Энди Пикассонинг шахсий ҳаёти рафиқаси Ольга билан ўғли Паулo, Мария-Тереза билан қизи Майя ва Ольганинг ҳам, Мария-Терезанинг ҳам борлигидан хабардор бўлган янги хуштори Дора ўртасида бўлакларга бўлиниб кетди. Пикассо Ольга билан ниҳоят расман ажралишди, Мария-Тереза билан алоқани узмади, одамлар орасида эса Дора билан пайдо бўларди. Дора урушдан олдинги йилларда рассомнинг асосий илҳом париси бўлиб қолган эди. Дора билан алоқа 1946 йилгача давом этди.


55 яшар Пикассога ошиқ бўлиб қолган Дора Парижда рассом асарлари қуршовида якқаю ёлғиз яшаб, 1997 йил июлида жонига қасд қилиб ўзини-ўзи ўлдирди.

1943 йили Пикассо Париждаги устахонасининг қаршисида жойлашган ресторанда ёшгина сулув қиз Франсуаза Жило билан танишиб қолди. У ҳам рассом экан. Қувноқ, серҳаракат бу қиз Пикассони ром қилди ва кўп ўтмай рассом чизган асарларда унинг сиймоси кўрина бошлади. Машҳур санъаткор чиндан ҳам унга ошиғу беқарор бўлиб қолди. Франсуаза тезда ҳомиладор бўлди. 1947 йил майида у севимли эрига ўғли Клодни, икки йилдан кейин эса Пломани совға қилди. Лекин у 1953 йили Пикассони ташлаб кетади. Рассом бу иши учун уни ҳеч қачон кечирмайди.

1955 йили Ольга оламдан ўтади ва Пикассо Мария-Терезага бирга турмуш қуришни таклиф этади. Бироқ у: "Энди кеч бўлди" деб жавоб қайтаради. Ўшанда Жаклин Рок пайдо бўлади. 1961 йил мартида қарийб 80 яшар рассом махфий равишда 34 ёшли Жаклинга уйланади. Ўша пайтларда унинг Жаклиндан бошқа деярли ҳеч кими йўқ эди. Ўғли Паулогина унинг ёнида қолганди – у отасига котиблик ва хайдовчилик қиларди. Қизи Майя эса 1955 йилдан кейин отаси билан қарийб учрашмасди. Франсуазадан туғилган фарзандлари (Клод ва Плома) оналари 1954 йили "Пикассо билан бирга ўтган ҳаётим" китобини ёзганидан кейин оталари билан "борди-келди"ни йиғиштириб қўйишганди. Пикассо ўзи тўғрисидаги бу китобнинг дунё юзини кўрмаслик учун нечоғлик ҳаракат қилмасин, эвидан чиқа олмади. Фақат Мария-Терезагина Жаклиннинг розилиги билан рассом билан ёзишмалар қилиб турди.

Пикассо 1973 йил 7 апрелда 92 ёшида оламдан ўтди. У ўзидан кейин 80 мингтага яқин манзара асарлар ва ҳайкаллар қолдирди.

Нашрга ***Абдураим ОТАМЕТОВ*** *тайёрлаган*



Бозорнинг катта ва узун расталари саховатли еримизнинг хилма-хил ноз-неъматлари билан безанганини кўрган кишининг дили яйрайди, кўзи қувонади. Шундай ажойиботларни кўриб қувонмай бўладими?! Қани энди рассом бўлсам, уларнинг ранго-ранг бўлиб, товланиб турганини тасвирлар эдим.

Биламан мохир рассомлар ҳам расталар устидагиларни эмас, ўз столлари устидаги меваларни тасвирлайдилар. Аммо ёш рассомлар мева танлаш билан биргаликда ранг танлаш дарсларини ҳам шу ерда ўтказишлари мумкин.

Дарҳақиқат, мева-сабзавотларнинг тўкин-сочин, чиройли ва ранго-ранглигидан кўзлар қамашиб, иштаҳа очилиб кетади. Бироқ баъзи нархлар сабабли, кўз қайтадан очилиб, иштаҳа эса ёпилиб кетади. Шунда мева таъми ўрнига рангини кўриш билан чекланишга тўғри келади.

Қизиқ, бу чаққонлар йўқ нархларни қаердан топа қолган эканлар? Ахир санай десанг бармоқлар етмайди. Лекин бу ердаги нархлар бир хилда эмас. Қимматлари билан бир қаторда, йўғ-э, бутунлай бошқа қаторда, арзонларидан бор. Қизиғи шундаки, сотувчининг ўзи учун ёмон моли бўлмагани каби, унинг қиммати ҳам йўқ экан.

Тўғри, бу ерни бозор дейдилар, хохлаганча савдолашасиз, бозорлашасиз. Сотувчини кўндира олсангиз – нархи сизники, кўндира олмасангиз... унда пешонангиздан кўринг.

Қизиғи шундаки, "Арзонроқ бўладими?" десангиз, сотувчилар одатда саволингизга:

– Қанча оласиз? – саволи билан жавоб берадилар.

Қанча олишим билан уларнинг нима ишлари бор? Ахир пул ўзимники, қанча олсам оламан. Сўраб ўтирармидим.

Баъзи сотувчиларнинг харидор билан бўлган муомаласи унинг кийиниши ва афт-ангори билан боғлиқ. Савлатли ё таниқли бўлса – ён босадилар. Аммо савлатли эканингиз учун мева жуда арзонга тушар экан деб хомтаъма бўлманг. Сотувчи ўз ҳаққини қўймайди.

Менинг юзим сотувчиларга кимнидир эслатдими, билмадим, савдолашсам, баъзан ён босадилар. Тунов куни бозорда анжир сотувчисидан:

– Неча сўм? – деб сўрасам, у менга тикилди. Сўнг мураккаб муаммони ечаётган кишидек хаёлга чўмди. Бошини қашиши уни муҳим қарорга келишига сабаб бўлди шекилли, пешонасини тиришитириб:

– Ўз нархи юз эллик сўм. Сиз учун эса ками бор, – деди жиддий.

Анжирни арзонга олишимга кўзим етмаса-да, "ками" билан қизиқиб қолдим.

–"Ками" қанча?

– Фақат сиз учун, бир юз қирқ...- деди-да, – "тўққиз сўм"ига келганда қичқириб юборди.

Мен сотувчининг важохатини кузатиш билан овора бўлиб, неча пул деганини тушунмадим. Шу сабабдан яна:

– "Ками" қанча? – деб сўрадим.

– Бир юз қирқ тўққиз сўм! – деб бақирди сотувчи.– Фақат сиз учун! – яна қўшиб қўйди.

Қизиқ, бир сўмга тушиб, важохати ва овозига зўр бериб, анжирнинг нархини жуда тушириб юборганига ишонтирмоқчи ва мени туширмоқчи шекилли.

Бунақанги "камини" эшитиб, кетмоқчи бўлиб турсам:

– Тўхтанг! Қаёққа шошасиз? Савдолашайлик. Ахир бу ерни бозор дейдилар... Майли, мен сизга яна ён боса қолай. Бир юз қирқ тўққиз эмас, бир юз қирқ саккиз сўм бўлса, бўладими? Фақат сиз учун, - деб мени тўхтатмоқчи бўлди.

Мен унинг бундай илтифоти учун ўз миннатдорчилигимни билдирдим-да, беками-кўст мевали расталарни ахтариб кетдим. Бозорни айланиб, яна бир қанча "камларига" дуч келдим. Олманинг ҳам, ўрикнинг ҳам, олхўрининг ҳам, шафтолининг ҳам "ками" худди анжирникидек бўлиб чиқди. Деҳкони кам бўлган деҳкон бозорининг шундай "ками" бўлса керак-да.

Очиб келаётган қорним, бундай "камлар" дастидан баттар очиб, ҳатто ғулдулай бошлади. Одатда менга бирор нарса ёқмаса, биринчи галда ошқозонимга таъсир қилади. Уни юпатиш ва тинчитиш харакатини қилдим.

Қизиғи шундаки, ошхонага кириб, у ерда ҳам овқатнинг "ками" бор эканини аниқладим. Ахир бир коса лағмон сўрасам, ярим косадан ҳам кам қилиб сузганларидан билдим.

Эътиборлиси шундаки, овқат вазнини ўлчаш учун дорихона тарозусини ишлатсалар керак. Чунки бир қарича келадиган узунликдаги хамир, тишлар орасида ғирчиллаётган тўрттагина пишмаган пиёз япроғи, синчалоқдек бир дона чандирча, ер ёнғоғининг мағзи ҳажмида келадиган икки дона картошкаларни бошқа тарозуларда ўлчаб бўлмайди. Тўғри унинг устига қуйилган ярим пиёла чала қайнаган сувни ўлчаса бўлади.

Сўзларимга ишонинг, ахир чала қайнаганини аниқ биламан. Тўғрироғи, ошқозоним яхшигина аниқлаб берди...

Қайнаганини чойхонада ичар экансиз. Чойхоначиларнинг бошқа қиладиган иши бўлмагандан кейин қайнатади-да. Лекин чойхона "ками" бор бозорда жойлашгани учун бўлса керак, бу ерда ҳам "ками" бор экан. Ахир бир чойнак чой деб чойхоначининг берган чойи ярим чойнак ҳам чиқмайди. Қора чой деб узатилган чойни уч маротаба эмас, юз маротаба қайтарсангиз ҳам фойдаси йўқ. Қораси тугул "қураси" ҳам чиқмай, безбет кишига ўхшаб ранги чиқмай тураверади.

Бозорда кўрганларим таъсирида уйда "кам" сўзини топиш учун луғатни очиб қарадим. Во ажабо: "оз, оз" дегани "кам" маъносини берар экан. Бундан чиқди луғатда ҳам "ками" бор эканда. Ҳа, машойихларнинг "бир кам дунё" деганларича бор экан.

Мабодо, "ками" бор бозор аҳли қатори, бизда ҳам "ками" учраб қолса, айбга буюрмайсиз.

Муҳсин ҒАНИЕВ

ИККИ ОШНО

Бир киши дўсти билан хурмо еб ўлтуруб, ўзи еган хурмоларнинг данагини дўстининг олдига қўйиб уни уялтирмоқчи бўлибди.

— Сиз хурмони жуда яхши кўрар экансизки, олдингизда шунча хурмонинг данаги йиғилиб қолибди?!

Дўсти унга жавобан: "Мен ўйлабманки, сиз уни мендан ҳам кўпроқ яхши кўрар экансиз. Нимага деганда, олдингизда на хурмо қолди, на унинг данаги, хурмони данаги билан қўшиб еб юборибсиз", — дебди. Бу жавобни эшитиб унинг ўзи қаттиқ уялиб қолибди.

БЕОДОБ

Бир одам мактуб битиб ўлтурганида бегона киши унинг хатига қаради. Хат ёзаётган одам ёздики, бир аҳмоқ хатимни ўқияпти, шу сабабли дарди-сиримни очиқ ёза олмадим.

Шунда бегона киши унга қараб: «Мен сенинг хатингни ўқиганим йўқ, нега мени аҳмоқ деб ёзасан,» – дебди.

"Хатимни ўқимаган бўлсанг аҳмоқ деб ёзганимни қаердан билдинг," — деб уни уялтирибди.

ЁМОН СОҚОЛ

Бир подшоҳнинг вазири доимо соқолини юлуб юрар эди. Бир куни подшо унга айтдики, «Агар соқол юлишингни қўймасанг сенга сиёсат кўрсатурман». Бир неча кундин кейин мазкур вазир подшоҳга шундай хизмат қилдиким, подшоҳ кўп хурсанд бўлганидан "Ҳар нима тиласанг сенга бағишлайман," деди. Вазир: «Менга шу ёмон соқолимни бағишласангиз, бундан бошқа нарсани сиздан сўрамайман», деди.

БИРДАМЛИК

Бир кишининг етти боласи бор эди. Болаларнинг ўртасида тез-тез келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар бўлиб турарди. Буни кўрган ота бир куни ҳамма ўғилларини олдига чақириб, еттита ингичка чўпларни олиб бирга қўшиб боғлаб, мана буни синдириб кўринглар, дебди. Ўғиллари қанчалик ҳаракат қилишмасин синдира олишмапти. Боғламни ечиб еттита ўғлига биттадан чўп бериб энди синдириб кўрингларчи, деганида улар осонлик билан синдиришибди. Шунда ота фарзандларига қараб, "Болаларим, кўрдингизми, сизлар ҳам худди мана шу чўпларга ўхшайсизлар. Агар барчангиз иттифоқ бўлиб, бирга қўшилиб турсангизлар сизларга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Аксинча, бир-бирингиз билан урушиб, талашиб, тортишсангизлар сизларни осонликча енгиб оёқ ости қилишади," -дебди.

ДОНО ҚОЗИ

Бир қул ўз эгасидан қочди, эгаси уни ахтариб бошқа шаҳарга бориб ул қулни топиб ушлаб айтдики: "Нега қочдинг?"

Шунда қул эгасининг этагидан ушлаб: "Сен менинг қулимдурсан, кўп молларимни ўғирлаб қочгандурсан, энди мен сени тотдим сенга сиёсат кўрсатурман", деди.

Иккови қози олдига боришди. Қози ул иккисини дарча олдига ўлтургизиб буюрдики, "Икковларинг ҳам бошларингни дарчадан ташқарига чиқаринглар!" Икковлари қози айтганидек қилиб, бошларини дарчадан ташқарига чиқаришди. Қози жаллодни чақириб, "Қулнинг бошини кес!", деб буюрди. Қул бу сўзни эшитиб, дарҳол бошини ичкарига тортди. Қози қайси бири қул эканлигини фаҳмлаб олди ва қулни жазолаб, ўз эгасига топширди.

НОДОНЛИК

Бир бола қудуқ бошида нон еб ўлтурган эди. Нони бехосдан қўлидан қудуқ ичига тушиб кетди. Бола йиғлаб отасининг олдига бориб воқеани баён қилиб берди. Отаси дарҳол ўрнидан туриб, боласининг қўлидан ушлаб қудуқ олдига олиб келди ва икки қўлини қудуқнинг икки ёғига қўйиб қудуққа энгашиб қаради. Қудуқ ичидаги сувда ўз аксини кўриб, нодонликдан сувда кўрган киши ўз акси эканлигини билмасдан, камоли аччиғи ила қудуққа қараб: "Эй, шайтон ёш боланинг қўлидан нонини тортиб олиб еб тирикчилик қилгунча, очликдан ўлганинг яхши эмасми?" — деди.

Ҳисса: нодонлик кишига ўз-ўзини ҳақорат қилдирур.

Тўплаб нашрга тайёрловчи:
Баҳром ЖУМАНИЁЗ

ТУЗАТИШ: *Журналнинг ўтган сонида "Авесто" ҳақида" деб номланган мақоладаги "илон" сўзи (46-саҳифа) "илоҳ" деб ўқилишини сўраймиз.*

Таҳририят

Guliston
6
1999

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир:
Сирожиддин АҲМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ
М.АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
В.ГРАНКИН

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент – ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир – 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари – 133-07-94
Масъул котиб – 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
11.10.1999 йил.
Қоғоз ҳажми 60X84/8
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5
Буюртма № 4672.
4016 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "ГУЛИСТОН" 6,1999.



Ҳамза номидаги Қўқон шаҳар театри актёри
Азимжон АЗИМОВ ал Фарғоний ролида.



Фольклор жамоаларининг
анъанавий республика кўрик-танлови иштирокчилари —
"Бесперде" ансамбли.



Guliston

Индекс: якка обуначилар учун – 820
ташкилотлар учун – 806

Баҳоси: Чакана савдода келишилган нархда.